

*Судьянинг онгида - адолат, тилида - ҳақиқат,
дилида - поклик бўлиши шарт.*

Шавкат МИРЗИЁЕВ

3/2021

ISSN 2181-8991

ОДИЛ СУДЛОВ

Хуқуқий, илмий-амалий нашр

Муассис:
Ўзбекистон Республикаси
Олий суди

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Козимджан КАМИЛОВ
Робахон МАҲМУДОВА
Ҳалиллло ТУРАХУЖАЕВ
Икрам МУСЛИМОВ
Бахтиёр ИСАКОВ
Холмўмин ЁДГОРОВ
Мирзоулугбек АБДУСАЛОМОВ
Ибрагим АЛИМОВ
Олим ХАЛМИРЗАЕВ
Замира ЭСАНОВА
Омонбой ОҚЮЛОВ
Музаффаржон МАМАСИДДИҚОВ

⑤ Реклама нашри ва тижорий йўл билан босилган матнлар.

Таҳририят фикри муаллиф фикридан ўзгача бўлиши мумкин.

Қўллўзмалар, суратлар тақриз қилинмайди ва қайтарилмайди.

Кўчириб босилганда «Одил судлов» – «Правосудие» нашри кўрсатилиши шарт.

Журнал Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссияси Раёсатининг 2013 йил 30 декабрдаги 201/3-сонли қарори билан докторлик диссертациялари бўйича илмий мақолалар чоп этиладиган нашрлар рўйхатига киритилган.

2017 йил 29 ноябрда Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигига 0026-рақам билан рўйхатта олинган. 1996 йилдан чиқа бошлаган.

Бош мухаррир
Камол УБАЙДИЛЛОЕВ

Масъул котиб
Муталиф СОДИКОВ

Журнал 2015 йилда «Жамият ва мен» республика танловида «Энг яхши ёритилган хукукий мавзулар» йўналиши бўйича голиб деб топилган.

ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ:
100097, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани,
Чўпонота кўчаси, 6-йй
Х/р 20210000300101763001
ХАБ «Трастбанк» Тошкент филиали
МФО 00850, СТИР 201403038

ТЕЛЕФОН: 278-96-54, 278-91-96,
278-25-96, **ФАКС:** 273-96-60

Email: odilsudlov.oliy@sud.uz
Веб-сайт: www.odilsudlov.sud.uz

Босишга 2021 йил 25 марта руҳсат этилди. Қоғоз бичими 60X84 1/8. 10 босма табоқ. Офсет усулида чоп этилди. Журнал таҳририят компьтерида терилди ва саҳифаланди. Буюртма – 05. Нашр адади 4780 нусха.

Навбатчи мухаррир
Машҳура ВОРИСОВА

НАШР ИНДЕКСИ – 909.

Сотувда келишилган нархда

«НАКИМА НАШР GROUP» МЧЖ
босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: 100 057,
Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани,
Ифтихор кўчаси, 117-үй

ЖИНОЯТ ИШЛАРИ БҮЙИЧА СУД АМАЛИЁТИ.....	3
МАЪМУРИЙ ИШЛАР БҮЙИЧА СУД АМАЛИЁТИ.....	13
МУРОЖААТЛАР	
И. Муслимов. «Шикоятбозлик синдроми».....	22
КОРПОРАТИВ ҲУҚУҚ	
Б. Сайфуллаев. Корпоратив низоларнинг айрим турларига доир ишларни кўриш.....	24
САЙЛОВ ВА ҲУҚУҚ	
Х. Маматов. Миллий сайлов қонунчилиги ривожининг янги босқичи.....	28
НУҚТАИ НАЗАР	
Б. Очилов. Ахборот-коммуникация технологиялари очиқлик ва шаффофликни таъминлашнинг муҳим воситаси.....	32
КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ ВА СУД ЭТИКАСИ	
У. Сайдахмедов, У. Аллабердиев. Суд аппарати ходимларининг касбий этикасига қўйиладиган талаблар.....	38
СУД ҲОКИМИЯТИ ВА ЖАМОАТЧИЛИК НАЗОРАТИ	
И. Сабиров. Суд ҳокимияти фаолияти устидан жамоатчилик назоратини қучайтириш масалалари.....	41
НУҚТАИ НАЗАР	
Ш. Убайдуллаев. Ёшларни экстремистик ғоялар таъсиридан асрарнинг айрим жиҳатлари.....	47
ПЕНСИЯ ҲУҚУҚИ	
М. Зиядуллаев. Фуқароларнинг ёшга доир пенсия олишга бўлган конституциявий ҳуқуқлари.....	50
ЮРИСТ КАРТОТЕКАСИ/КАРТОТЕКА ЮРИСТА.....	79



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ СУДИНинг
ЖИНОЯТ ИШЛАРИ БҮЙИЧА СУДЛОВ ҲАЙЪАТИ
ТОМОНИДАН 2020 ЙИЛНИНГ ТЎРТИНЧИ ЧОРАГИДА
НАЗОРАТ ТАРТИБИДА КЎРИЛГАН ИШЛАР БҮЙИЧА
СУД АМАЛИЁТИ ОБЗОРИ**

1. Айбордорда гиёхвандлик воситалари, психотроп моддаларни қонунга хилоф равишда ўтказишга қасд мавжудлиги тўғрисидаги масалани ҳал этишида, судлар бундай восита ёки моддалар ҳақиқатдан ўтказиши мақсадида тайёрлаб қўйилганлигига оид далиллар мажмумидан келиб чиқишилари лозим.

Жиноят ишлари бўйича Пайариқ тумани судининг 2016 йил 7 декабрдаги хукмига кўра, З.С. Жиноят кодексининг (бундан бўён матнда ЖК деб юритилади) 270-моддаси биринчи қисми, 25, 273-моддаси бешинчи қисми билан ЖКнинг 59-моддаси тартибида 10 йил 6 ой озодлиқдан маҳрум қилиш жазосига судланган.

Жиноят ишлари бўйича Самарқанд виляти суди кассация инстанциясининг 2018 йил 26 июлдаги ажрими билан суд хукми ўзгаришсиз қолдирилган.

Суднинг хукмига кўра, 2016 йил 24 август куни Пайариқ тумани ИИБ ходимлари томонидан ўтказилган «Қорадори-2016» ва «Комплекс» профилактик тадбирлари давомида З.С. 2016 йил март ойининг охирларида таркибида гиёхвандлик воситалари бўлган экинларни қонунга хилоф равишда экиш ва этишириш мақсадини кўзлаб, оғзаки шартномага асосан Пайариқ тумани, «Оқтош» МФЙ, Оқтош қишлоғи ҳудудида жойлашган «С.Х.О» фермер хўжалигига тегишли маккажўхори экилган 5 сотих ер майдонининг 4 x 9 қисмига 11 туп «каннабис» гиёхвандлик ўсимлигини қонунга хи-

лоф равишда экиб, парваришилаб этиштириб келаётганлиги аниқланган ва жами 11 туп «каннабис» гиёхвандлик ўсимлиги холислар иштирокида ҳужжатлаштирилиб, далилий ашё сифатида олинган. Натижада, З.С. ўзига боғлиқ бўлмаган ҳолда кўп микдордаги қуруқ ҳолдаги умумий вазни 24 243 грамм бўлган «каннабис» гиёхвандлик ўсимлигини ўтказа олмасдан, сотишига суйқасд қилганликда айбланган.

ЖПКнинг 22-моддасида суд жиноят юз берганлиги, унинг содир этилишида ким айборлиги, шунингдек, у билан боғлиқ барча ҳолатларни аниқлаши шартлиги, иш бўйича исботланиши лозим бўлган барча ҳолатлар синчковлик билан, ҳар томонлама, тўла ва холисона текшириб чиқилиши;

23-моддасида айборликка оид барча шубҳалар, башарти уларни бартараф этиш имкониятлари тугаган бўлса, судланувчинг фойдасига ҳал қилиниши лозимлиги;

463-моддасида айблов хукми тахминларга асосланган бўлиши мумкин эмаслиги ва фақат судланувчининг жиноят содир этишда айбли эканлиги суд муҳокамаси давомида исбот қилинган тақдирдагина чиқарилиши, айблов хукмига жиноят содир этилишининг иш бўйича барча мумкин бўлган ҳолатларини текшириш, иш материалларида маълум бўлиб қолган барча кам-кўстни тўлдириш, юзага келган ҳамма шубҳа ва қарама-қаршиликларга барҳам бериш натижасида йиғилган ишончли далилларгина асос қилиб олиниши лозимлиги белгиланган.

ЖКнинг 273-моддаси бешинчи қисмидаги гиёхвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни кўп миқдорда қонунга хилоф равишда сотиш учун жиноят жавобгарлик белгиланган.

Олий суд Пленумининг 2014 йил 23 майдаги «Суд ҳукми тўғрисида»ги 07-сонли қарори 24-бандида жиноятни жиноят қонунининг у ёки бу моддаси, унинг қисми ёки банди билан тавсифлаш бўйича суднинг асослантирилган хуласаси айлов ҳукмининг тавсиф қисмидаги муҳим белгиси ҳисобланиши, бунда судланувчининг ҳаракатлари нима учун айнан шу модда, қисм, банд билан тавсифланаётганлиги аниқ кўрсатилиши белгиланган.

Ишни кўриш вақтида амалда бўлган Олий суд Пленумининг 1995 йил 27 октябрдаги «Гиёхвандлик воситалари ва психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишда муомала қилишга оид жиноят ишлари бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги 21-сонли қарори 4-бандида тергов органлари ва судлар гиёхвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни қонунга хилоф равишда эгаллашдан мақсад нима эканлигини аниқлашлари зарурлиги, эгаллаш келгусида ўтказиш ёки сотиш учун амалга оширилганлиги аниқланган тақдирда айборнинг ҳаракатлари қайд этилган жиноятларга тайёргарлик қўриш деб квалификация қилиниши кераклиги ҳақида тушунтириш берилган.

Иш бўйича қайд этилган қонун талаби ва Пленум қарорлари тушунтиришларига риоя қилинмаган.

Хусусан, дастлабки тергов органи ва суд З.С.нинг «С.Х.О» фермер хўжалиигига тегишли ер майдонининг маккажўхори экилган 5 сотих ернинг 4 x 9 қисмига 11 туп «каннабис» гиёхвандлик ўсимлигини экиб, парваришлаб келаётганлиги аниқланаб, топилган гиёхвандлик воситалари фақат истеъмол қилинишини истисно этадиган миқдорда эканлигидан келиб

чиқиб, унинг гиёхвандлик воситасини ўтказишга суиқасд қилганликдаги айби исботлангани ҳақида асосли хуласага келган бўлса-да, бироқ унинг гиёхвандлик воситаларини айнан ҳақ эвазига ўтказишга суиқасд қилганлиги ҳақидаги хуласасига асос бўлган бирон-бир далилни келтирмасдан тахминий қарор қабул қилган.

Гиёхвандлик воситалари фақат истеъмол қилинишини истисно этадиган миқдорда топилганининг ўзи айборни гиёхвандлик воситаларини айнан ҳақ эвазига ўтказишга суиқасд қилганликда айлаш учун етарли далил ҳисобланмайди.

Чунки иш бўйича З.С.нинг ушбу гиёхвандлик воситасини сотиш ҳақида бирон-бир шахс билан келишгани ёки унинг шунга қаратилган ҳаракатлари ўзига боғлиқ бўлмаган ҳолатда тўхтатилгани ёхуд унда ушбу воситани айнан сотиш йўли билан ўтказиш мақсади бўлгани аниқланмаган ва бундай далилни бугунги кунда судда тўплаш ва мавжуд шубҳани барта-раф этиш имкониятлари тугаган.

Шу сабабли жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатининг 2020 йил 17 декабрдаги ажрими билан жиноят ишлари бўйича Пайариқ туман судининг 2016 йил 7 декабрдаги З. С.га нисбатан ҳукми ҳамда жиноят ишлари бўйича Самарқанд вилоят суди кассация инстанциясининг 2018 йил 26 июлдаги ажрими ўзгартирилиб, унинг ҳаракати ЖКнинг 25, 273-моддаси бешинчи қисмидан 273-моддаси иккинчи қисмига қайта квалификация қилинган ҳамда тайинланган жазо ЖКнинг 59-моддаси тартибида узил-кесил 9 йил озодликдан маҳрум қилишга келтирилган.

1-360-2016-сонли иш

* * *

2. Шахснинг гиёхвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ёки психотроп моддаларни чет эл валютаси эвазига

ўтказиши валюта қимматликларини қонунга хилоф равишда олиш ёки ўтказиши билан қўшимча квалификация қилишини талаб этмайди.

Жиноят ишлари бўйича Ангор туман судининг 2013 йил 27 майдаги хукмига кўра, С.П. ЖКнинг 177-моддаси иккинчи қисми «в» банди, 246-моддаси иккинчи қисми, 273-моддаси бешинчи қисми билан ЖКнинг 59, 61-моддалари тартибида узил-кесил 16 йил озодликдан маҳрум қилиш жазосига судланиб, ЖКнинг 34-моддасига асосан ўта хавфли рецидивист деб топилган.

Жиноят ишлари бўйича Сурхондарё вилоят суди апелляция инстанциясининг 2013 йил 4 июлдаги ажрими билан ҳукм ўзгаришсиз қолдирилган.

Суднинг хукмига кўра, С.П. Афғонистондан 2002 йил январь ойида «К» исмли шахс томонидан контрабанда йўли билан етказиб берилган 5 кило «опий» гиёҳвандлик воситасини сақлаб келиб, ушбу гиёҳвандлик воситасини сотиш мақсадида Р.Х. билан бир гурух бўлиб, тил бириктирган. Шундан сўнг Р.Х. 2012 йил август ойида Тошкент шахрида яшовчи «А.» ва «Р.» исмли шахсларга, 2013 йил февраль ойида Ў.Д., А.Уга «опий» гиёҳвандлик воситасини ўтказган. 2013 йил 11 март куни С.П.га сотилган «опий» гиёҳвандлик воситаси эвазига 1000 АҚШ доллари ва 1 500 000 сўм берган.

2013 йил 14 март куни Р.Х. тошкентлик «А.» исмли шахсга яна 150 грамм «опий» гиёҳвандлик воситасини сотиш учун олиб кетаётганида «Дарбанд» ЙПХ масканида МХХ Сурхондарё вилоят бошқармаси ва Сурхондарё вилоят божхона бошқармаси ходимлари томонидан шахсий кўриқдан ўтказилганида, Р.Х.нинг турмуш ўртоғи Г.С.дан цеплофан пакетга солинган вазни 151 грамм «опий» гиёҳвандлик воситаси топилган.

Шундан сўнг Р.Х.нинг яшаш уйида ўтказилган тинтувда ҳовлисига қўмиб қўйилган бир дона полиэтилен қондада 1266 грамм,

Ў.Д.нинг яшаш уйидан 3,576 грамм, А.У.нинг яшаш уйидан 68,779 грамм «опий» гиёҳвандлик воситаси топилган.

Суд С.П.нинг контрабанда йўли билан олиб келинган кўп миқдордаги «опий» гиёҳвандлик воситасини сотишдан иборат жиноятни содир этишдаги айби исботланганлиги ҳақида асосли хulosага келиб, унинг ҳаракатлари тўғри квалификация қилинган.

Бироқ С.П.нинг ҳаракатлари ЖКнинг 177-моддаси иккинчи қисми «в» банди билан нотўғри квалификация қилинган.

Олий суд Пленумининг 2017 йил 28 апрелдаги «Гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоги ва психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишда муомала қилишга оид жиноят ишлари бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги 12-сонли қарори 22-бандида шахснинг гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ёки психотроп моддаларни анча, кўп, жуда кўп миқдордаги чет эл валютаси эвазига ўтказишига қаратилган ҳаракатлари ЖКнинг 177-моддаси тегишли қисми билан қўшимча квалификация қилишини талаб этмаслиги, чунки мазкур модда валюта қимматликларини тўлов воситаси сифатида эмас, балки ушбу қимматликларнинг ўзини қонунга хилоф равишда олиш ёки ўтказиши учун жавобгарликни назарда тутиши ҳақида тушунтириш берилган.

Шу сабабли жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатининг 2020 йил 22 декабрдаги ажрими билан жиноят ишлари бўйича Ангор туман судининг 2013 йил 27 майдаги С.П.га нисбатан чиқарилган ҳукми ҳамда жиноят ишлари бўйича Сурхондарё вилоят суди апелляция инстанциясининг 2013 йил 4 июлдаги ажрими ўзгаририлиб, С.П.нинг зиммасидан ЖКнинг 177-моддаси иккинчи қисмининг «в» банди чиқарилган ҳамда шу модда билан тайинланган жазо бекор қилиниб, тайинланган жазо ЖКнинг 59-моддаси тартибида 15 йил 6 ой озодликдан маҳрум қилишга келтирилган.

1-92-13-сонли иш

* * *

3. Жиноят иши бүйича айблаши фикри ва суд ҳукмида жиноий гурӯҳнинг ўшиғанлигини тасдиқловчи айнан қандай асослар мавжудлиги аниқланиши ҳамда кўрсатилиши лозим.

Жиноят ишлари бүйича Тошкент шаҳар Юнусобод туман судининг 2016 йил 9 августдаги ҳукмига кўра, А.К. ЖКнинг 273-моддаси бешинчи қисми билан 12 йил ҳамда М.Б ЖКнинг 273-моддаси бешинчи қисми билан 12 йил муддатга озодлиқдан маҳрум қилиш жазосига судланишган.

Жиноят ишлари бүйича Тошкент шаҳар суди апелляция инстанциясининг 2016 йил 29 сентябрдаги ажрими билан ҳукмнинг А.К.га оид қисми ўзгаришсиз қолдирилган.

Жиноят ишлари бүйича Тошкент шаҳар суди кассация инстанциясининг 2017 йил 22 августдаги ажрими билан ҳукмнинг М.Б.га оид қисми ўзгаришсиз қолдирилган.

Суднинг ҳукмига кўра, А.К. ва М.Б. шу иш бүйича судланган К.Д., Ю.И., К.А. ҳамда дастлабки тергов давомида шахсини аниқлашнинг имкони бўлмаган самарқандлик «Алишер» исмли ва бошқа номаълум шахслар билан олдиндан тил биритириб, ўшган гурухга бирлашиб, илгари гиёҳвандлик воситалари билан қонунга хилоф равишда ташиб келтириб, ўшган жиноий гуруҳ раҳбари К.Д.га 100 АҚШ долларига нархлаб сотиб, ўзи жиноят содир этган жойдан яширган. К.Д. ушбу гиёҳвандлик воситасини ўзининг Тошкент вилояти, Зангиота тумани, «Кўксарой» ҚФЙ, «Коҳинур» МФЙда жойлашган хонадонига қонунга хилоф равишда олиб келиб, ўзини кийиб юрадиган кийимларини чўнтағида келгусида харидорларга сотиш мақсадида яшириб қўйган. Кейин эса, ушбу гиёҳвандлик воситаларининг бир қисмини, яъни 0,03 граммини яшаш хонадони дарвозаси олдида ўзи истеъмол қилган, 0,03 грамми ни эса, жиноий шериги М.Б.га истеъмол қилиш учун берган.

2015 йил сентябрь ойида К.Д. жиноий шериклари М.Б., Ю.И., К.А. ва А.К. ҳамда дастлабки тергов давомида шахсини аниқлашнинг имкони бўлмаган «Алишер» исмли ва бошқа номаълум шахслар мақсадларини амалга ошириш учун ўзаро вазифаларни тақсимлаб олишган.

Жиноий режага кўра, К.Д., ўшган гурухга раҳбарлик қилиш, бошқа шахс би-

лан музокара олиб бориб, у томонидан гиёҳвандлик воситаларини бевосита ҳамда М.Б. орқали Ю.И.га сотиши, Ю.И. ушбу гиёҳвандлик воситаларини К.А.га сотиши, К.А. эса, гиёҳвандлик воситаларини А.К.га сотиши лозим бўлган.

2015 йил сентябрь ойида К.Д. телефон орқали бошқа шахсга қўнғироқ қилиб, 3-4 грамм «опий» гиёҳвандлик воситасини етказишига буюртма берган. Бошқа шахс номаълум манбадан кўп микдордаги 3-4 грамм «опий» гиёҳвандлик воситасини олиб, уни Тошкент Тиббиёт Академиясининг 1-сонли клиникасини ёнидан ўтган Тошкент халқа йўли ёқасига қонунга хилоф равишда ташиб келтириб, ўшган жиноий гуруҳ раҳбари К.Д.га 100 АҚШ долларига нархлаб сотиб, ўзи жиноят содир этган жойдан яширган. К.Д. ушбу гиёҳвандлик воситасини ўзининг Тошкент вилояти, Зангиота тумани, «Кўксарой» ҚФЙ, «Коҳинур» МФЙда жойлашган хонадонига қонунга хилоф равишда олиб келиб, ўзини кийиб юрадиган кийимларини чўнтағида келгусида харидорларга сотиш мақсадида яшириб қўйган. Кейин эса, ушбу гиёҳвандлик воситаларининг бир қисмини, яъни 0,03 граммини яшаш хонадони дарвозаси олдида ўзи истеъмол қилган, 0,03 грамми ни эса, жиноий шериги М.Б.га истеъмол қилиш учун берган.

2015 йил 17 декабрь куни К.Д.нинг ёнидан 0,61 грамм «опий», яшаш хонадонидан 3,16 грамм «опий» гиёҳвандлик воситалари топилиб, тегишли тартибда расмийлаштирилиб олинган.

Шунингдек, 2015 йил 12 ноябрь куни соат 18:00 да А.К. «опий» гиёҳвандлик воситасини сотиб олиш мақсадида 700 АҚШ долларини жиноий шериги К.А.га берган, К.А. эса, 200 АҚШ долларни ўзига олиб қолган.

500 АҚШ долларини 2015 йил 13 ноябрь куни жиноий шериги Ю.И.га «опий» гиёҳвандлик воситасини топиб бериши

учун берган. Ю.И. мазкур 500 АҚШ долларини олиб жиной шериги М.Б.га «опий» гиёхвандлик воситасини сотиб олиш мақсадида берган. М.Б. эса, К.Д.нинг яшаш хонадонига бориб, 500 грамм «опий» гиёхвандлик воситасини топиб беришга буюртма бериб, 100 грамм «опий» ни 1500 АҚШ долларидан сотиб олишга ўзаро келишган. Шундан сўнг К.Д. телефон орқали бошқа шахсга қўнғироқ қилиб, 500 грамм «опий» гиёхвандлик воситасини унга етказишига буюртма берган.

2015 йил 13 ноябрь куни соат 12:00 да бошқа шахс номаълум манбадан олган бешта ўрамдаги 407,1 грамм «опий» гиёхвандлик воситасини Тошкент шаҳри, Олмазор туманида жойлашган Тошкент Тиббиёт Академиясининг 1-сонли клиникасини ёнидан ўтган Тошкент халқа йўли ёқасида қонунга хилоф равища олиб келиб, жиной гурух раҳбари К.Д.га 6000 АҚШ долларга нархлаб насияга сотиб, шундан 500 АҚШ долларини ундан олиб, жиноят жойидан яширган. К.Д. ушбу гиёхвандлик воситасини яшаш хонадонига қонунга хилоф равища олиб келиб, сотиш мақсадида яшириб қўйган. Кейин эса, бешта ўрамдаги 407,1 грамм «опий» гиёхвандлик моддасидан бир ўрамдаги 96,1467 граммини соат 20:00 атрофида К.Д. ўзининг хонадонида бўла туриб, жиной шериги М.Б.га 96,1467 грамм «опий» гиёхвандлик воситасини 1.500 АҚШ долларига нархлаб, 500 АҚШ долларини олиб, 1000 АҚШ долларини кейинчалик олиш шарти билан сотган. М.Б. мазкур гиёхвандлик воситасини эгнидаги кўйлагининг олди чап чўнтағида солиб яшириб, бошқарувидаги «Ваз-2102» русумли, 10 L 082 FA давлат рақамли автомашинасида ўзининг Тошкент вилояти, Зангиота тумани, Ҳасанбой қўрғонида жойлашган хонадонига қонунга хилоф равища ташиб келтирган. Шу куни соат 22:00 да жиной шериги Ю.И.га 96,1467 грамм «опий» гиёхвандлик воситасини 1500 АҚШ долларга

нархлаб, 500 АҚШ долларини олиб, қолган 1000 АҚШ долларини кейинчалик олишга келишиб, қонунга хилоф равища сотиб, ўзи жиноят содир этган жойидан яширган. Ю.И. эса, мазкур «опий» гиёхвандлик воситасини ўзи яшайтган Тошкент вилояти, Зангиота тумани, Муқимий кўчаси, 10-уйга ташиб келтириб, келгусида харидорларга сотиш мақсадида ертўласига яширган.

Шундан сўнг 2015 йил 14 ноябрь куни соат 12:00 да Ю.И. ўзининг Зангиота тумани, Муқимий кўчаси, 10-уйида жиной шериги К.А.га 96,1467 грамм «опий» гиёхвандлик воситасини 1500 АҚШ долларига сотган ҳамда пулнинг 500 АҚШ долларини олиб, 1000 АҚШ долларини кейинчалик олишга ўзаро келишган.

2015 йил 14 ноябрда К.А. жиной шериги Ю.И.дан олган гиёхвандлик воситасининг 1 граммини яшаш хонадонида истеъмол қилиб, соат 16:15 да А.К.дан олган 500 АҚШ доллари эвазига, шунингдек, ундан кейинчалик 800 АҚШ доллар олиш шарти билан «опий» гиёхвандлик воситасининг қолган 95,10 граммини А.К.га етказиб бериш мақсадида, вояга етмаган фарзанди, 2011 йилда туғилган Ш.Я.нинг эгнидаги курткаси ўнг ён чўнтағига жойлаштириб, ўғлини бошқарувидаги «ВАЗ-21011» русумли, 01 R 789 ЕА давлат рақамли автомашинаси орқа ўриндиғига ўтказиб, Тошкент шаҳри, Юнусобод туманида жойлашган Тошкент шаҳар ИИБ «Уч Қаҳрамон» ЙПХ масканидан ўтиб кетаётганида, Ўзбекистон Республикаси ИИВ ЖҚ ва ТҚКББ ҳамда МХХ ходимлари томонидан ҳамкорликда ўтказилган тезкор тадбирда вояга етмаган Я.Ш.нинг эгнидаги курткаси ўнг ён чўнтағида 95,10 грамм «опий» гиёхвандлик воситаси борлиги аниқланган.

2015 йил 17 ноябрь куни соат 13:30 да ўтказилган тинтуб жараёнида К.А.нинг Тошкент вилояти, Зангиота тумани, Ойдин хаёт маҳалласи, 15-уйидан 0,0467 грамм «опий» гиёхвандлик воситаси топилган.

2016 йил 7 январь куни К.Д.нинг Тошкент вилояти, Зангиота тумани, «Кўксарой» ҚФЙ, «Коҳинур» МФЙда жойлашган яшаш хонадонидан тўрт ўрамда бўлган 312,0 грамм «опий» гиёхвандлик воситалари аниқланиб, тегишли тартибда ашёвий далил сифатида расмийлаштириб олинган.

М.Б. 2015 йил август ойида дастлабки тергов жараёнида шахсини аниқлашнинг имкони бўлмаган «Курбон» исмли номаълум шахс, номаълум манбадан 1,63 грамм «марихуана», 2,437 грамм «кўкнори бошоги» ва 0,1704 грамм «гашиш» гиёхвандлик воситасини олиб, уни Тошкент вилояти, Қиброй тумани, Ўнқўргон маҳалласига қонунга хилоф равишда ташиб келтириб, уюшган гурух аъзоси М.Б.га ўтказиб, ўзи жиноят содир этган жойидан яширинган.

2015 йил 14 ноябрь куни М.Б.нинг ёнидан тинтув жараёнида харидорларга сотиши мақсадида қонунга хилоф равишда сақлаб қўйилган бир ўрамдаги 1,63 грамм «марихуана» гиёхвандлик воситаси ҳамда шу куни унинг Тошкент вилояти, Зангиота тумани, «Гулистон» ҚФЙ, X.Ниёзий кўчаси, 42-уйида оқ рангли қофоз бўлагига ўралган 2,437 грамм «кўкнори бошоги», 0,1704 грамм «гашиш» гиёхвандлик воситалари борлиги аниқланиб, тегишли тартибда олинган.

Суд А.К. ҳамда М.Б. томонидан содир этилган жиноят тафсилотини тўғри аниқлаб, уларнинг айби исботланганлиги ҳақида асосли хulosага келиб, ҳаракатларини тўғри квалификация қилган бўлса-да, қонун талаби ҳамда Олий суд Пленуми қарори тушунтиришларига лозим даражада риоя қилмай, уларни жиноятни уюшган гурухда содир этганликлари ҳақида нотўғри хulosага келган. Жумладан, А.К. судда ҳамкасби сифатида К.А.ни танишини, унга К.А. «опий» гиёхвандлик воситасини ҳар бир граммини 150 000 сўмдан олиб келиб бериши мумкинлигини айтгани, шунда К.А.га 10 грамм опий учун 1 500 000 сўм пул бергани, шундан сўнг 2016 йил 14 но-

ябрь куни ошхонада овқатланиб ўтирган вақтида олдига ички ишлар ходимлари келиб, К.А. унга гиёхвандлик воситаси олиб келаётган вақтда қўлга олинганлигини айтиб уни ҳам қўлга олишгани, судланувчилардан К.Д., М.Б. ва Ю.И.ни илгари танимагани, дастлабки терговда биринчи марта кўрганлигини баён қилган.

Шу иш бўйича судланган Ю.И. судда К.А. ундан гиёхванд воситаси топиб беришини илтимос қилгач, М.Б.га 500 АҚШ доллари бериб гиёхванд воситаси топиб беришини сўраб мурожаат қилгани, М.Б. 100 грамм «опий»ни 1500 АҚШ долларига баҳолаб, пулни қолган қисмини кейин олишини айтиб, бериб кетгани, шу гиёхванд воситасини К.А.га бергани, кейинчалик К.А.дан қолган пулни олишга келганда ИИВ ходимлари ушлашгани, А.К. ва К.Д. ни умуман танимаслиги, уюшган гурухга бирлашмаганини билдирган.

Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар кассация инстанцияси судида 2018 йил 19 декабрь куни сўроқ қилинган К.Д. бирга судланган маҳкумлардан М.Б.ни танишини, қолганларини умуман танимаслигини баён қилган.

Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар кассация инстанцияси судида 2018 йил 26 декабрь куни сўроқ қилинган М.Б. бирга судланган маҳкумлардан К.Д.ни таниши, қолганларини умуман танимаслиги, К.Д.дан гиёхванд воситасини олиб бир қисмини ўзига олиб қолиб, қолган қисмини маҳалласида яшовчи Ю.И. исмли танишига берганлиги, А.К. ва К.А.ни умуман танимаслиги, ҳеч ким билан уюшган гурухга бирлашмаганилиги ҳақида кўрсатув берган.

ЖКнинг 29-моддаси тўртинчи қисмida икки ёки ундан ортиқ шахснинг биргалиқда жиноий фаолият олиб бориш учун олдиндан бир гурухга бирлашиши уюшган гурух деб топилиши кўрсатилган.

Олий суд Пленумининг 1996 йил 20 декабрдаги «Транспорт воситаларини олиб

қочиш ишлари бўйича суд амалиёти ҳақида»ги 37-сонли қарори 5-бандида уюшган гурух деганда транспорт воситаларини олиб қочиш ёки бошқа жиноятларни содир этиш мақсадида икки ёки ундан кўп шахсларнинг барқарор бирлашмаси тушунилиши кераклиги, жиноий фаолиятнинг олдиндан режалаштирилганлиги, жиноий қасдни амалга ошириш учун зарур бўлган воситаларнинг тайёрланиши, иштирокчиларни танлаш, ёллаш ва улар ўртасида вазифаларнинг тақсимланиши, жиноятни яшириш чораларини таъминлаш, гурухда ўрнатилган интизомга ва ташкилотчининг кўрсатмаларига бўйсуннишлик жиноий гурухнинг уюшганлигидан далолат бериши, айблаш фикрида ва суд ҳукмида айнан қандай асосларга кўра жиноий гурух уюшган деб топилганлиги кўрсатилган бўлиши шартлиги ҳақида тушунтиришлар берилган.

Аниқланган ҳолатга кўра эса, А.К., М.Б. ва бошқа судланганлар ўзаро бир-биридан гиёхванд воситасини сотиб олиб, сотишган.

ЖПКнинг 23-моддасига мувофиқ, айборликка оид барча шубҳалар, башарти уларни бартараф этиш имкониятлари тутаган бўлса, гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчининг фойдасига ҳал қилиниши лозим. Конун қўлланилаётганда келиб чиқадиган шубҳалар ҳам гумон қилинувчининг, айбланувчининг, судланувчининг фойдасига ҳал қилиниши керак.

Шу сабабли жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатининг 2020 йил 14 декабрдаги ажрими билан:

жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар Юнусобод туман судининг 2016 йил 29 сентябрдаги А.К.га нисбатан ҳукми ҳамда жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар суди апелляция инстанциясининг 2016 йил 29 сентябрдаги ажрими ўзгартирилиб, унинг айбидан «уюшган гурух» белгиси чиқарилган ҳамда А.К.га ЖКнинг 273-моддаси

бешинчи қисми билан 11 йил озодликдан маҳрум қилиш жазоси;

жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар Юнусобод туман судининг 2016 йил 29 сентябрдаги М.Б.га нисбатан ҳукми ҳамда жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар суди апелляция инстанциясининг 2017 йил 22 августдаги ажрими ўзгартирилиб, М.Б.нинг айбидан «уюшган гурух» белгиси чиқарилган ҳамда ЖКнинг 273-моддаси бешинчи қисми билан 11 йил озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган.

1-10009/17-сонли иш

* * *

4. Қилмишда жиноят маркиби бўлмаганлиги муносабати билан шахс айбиз деб топилиб, реабилитация этилди ва жиноят иши ЖПКнинг 83-моддаси 2-бандига асосан тугатилди.

Жиноят ишлари бўйича Зафаробод туман судининг 2019 йил 4 февралдаги ҳукмiga кўра, И.Қ., Х.У. ва Б.Ў.га ЖКнинг 228-моддаси иккинчи қисми «б» банди билан ЖКнинг 45-моддаси қўлланилиб, 1 йил муддатга барча корхона, ташкилот ва муассасаларда мансабдорлик ва моддий жавобгарлик вазифаларида ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилиниб, 2 йил ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланган.

Жиноят ишлари бўйича Жиззах вилоят суди апелляция инстанциясининг 2019 йил 5 мартағи ажрими билан ҳукм ўзгаришсиз колдирилган.

Суднинг ҳукмiga кўра, И.Қ., Х.У. ва Б.Ў. қўйидаги ҳолатларда бир гурух шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб, соҳталаштирувчининг ўзи ёки бошқа шахс фойдаланиши мақсадида муайян ҳуқуқ берадиган ёки муайян мажбуриятдан озод этадиган расмий ҳужжатларни қалбакилаштиришда айбли деб топилганлар.

И.Қ. Жиззах вилоят ИИБ УЯ 64/78-сонли жазони ижро этиш колониясида канцелярия бошлиғи лавозимида ишлаб келиб,

муассаса тартибот бўлими тезкор вакили X.У. ва соғлиқни сақлаш пункти бошлиғи шифокор Б.Ў. билан бир гуруҳ шахс бўлиб, олдиндан жиноий тил бириктириб, 2017 йил 14 сентябрь куни 64/78-сонли ЖИЭКга келган Жиззах вилоят ИИБ бошлигининг «Вилоят ички ишлар органлари шахсий таркибига 1-2-3-тоифа малакасини бериш тўғрисида» 2017 йил 4 августдаги 132-сонли буйруғини сохталашиб, ушбу буйруқнинг қирқ еттинчи бетидаги «Тиббиёт бўлими бўйича: - сафдор Д.Ж. бошқарма тиббиёт бўлими ҳайдовчи ходими;» ёзуви ўрнига «64/78-ЖИЭК бўйича: - катта лейтенант X.У. 78-ЖИЭК тартибот гуруҳи тезкор вакили; - катта лейтенант Б.Ў. 78-ЖИЭК соғлиқни сақлаш пункти бошлиғи шифокор;» ёзувларини киритиб, натижада 64/78-сонли ЖИЭК тартибот гуруҳи тезкор вакили X.У. ва соғлиқни сақлаш пункти шифокори Б.Ў.га 3-малака тоифаси бериш тўғрисида сохталашиби, ноқонуний тарзда ушбу ходимларга ҳар ойда 145 276 сўмдан ойлик маошига қўшимча пул олишларига эришган.

Шунингдек, X.У. ва Б.Ў. 2016-2017 ўкув йиллари якуни бўйича синов имтиҳонларини топширган бўлса-да, ИИВнинг 2014 йил 7 апрелдаги «Ички ишлар идораларининг малака комиссияларининг фаолияти ҳамда сафдор, сержант ва офицерлар таркибига малака тоифасини бериш тартибини такомиллашиби тўғрисида»ги 55-сонли буйруғининг талабига қўра, ички ишлар ходимларига ички ишлар органларида уч йил, хизмат йўналиши бўйича икки йил ишлаганидан сўнг синовлардан муваффақиятли ўтган тақдирда малака тоифаси берилишини билиб, хизмат йўналиши бўйича икки йиллик меҳнат стажига эга эмаслигини, шу сабабли унга малака тоифаси берилмаслигини англаған ҳолда, Жиззах вилоят ИИБ бошлигининг «Вилоят ички ишлар органлари шахсий таркибига 1-2-3-тоифа малакасини бериш тўғрисида» 2017 йил 4 августдаги 132-сонли буйруғи сохталашиби-

рилганлигини била туриб, мазкур соҳта буйруқ асосида 2017 йил май ойидан 2018 июнь ойига қадар ойлик маошига қўшимча 2 005 098 сўм тўланишига эришган.

ЖКнинг 9-моддасида шахс қонунда белгиланган тартибда айби исботланган ижтимоий ҳавфли қилмишлари учунгина жавобгар бўлиши белгиланган.

ЖПКнинг 23-моддасида айборликка оид барча шубҳалар, башарти уларни бартараф этиш имкониятлари тугаган бўлса, гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчининг фойдасига ҳал қилиниши лозимлиги, қонун қўлланилаётганда келиб чиқадиган шубҳалар ҳам гумон қилинувчининг, айбланувчининг, судланувчининг фойдасига ҳал қилиниши кераклиги назарда тутилган.

Шунингдек, ҳукм чиқарилган вақтда амалда бўлган Олий суд Пленумининг 2014 йил 23 майдаги «Суд ҳукми тўғрисида»ги 07-сонли қарори 10-бандида судлар айлов ҳукми чиқараётганларида жиноий ҳодиса юз берганлиги, шахснинг қилмишида жиноят таркибининг борлиги, унинг ушбу жиноятни содир этилишида айборлиги каби ва ЖПКнинг 457-моддасида қўрсатилган бошқа масалаларни ҳал қилишлари лозимлиги, шу билан бирга айлов ҳукмининг тавсиф қисми мазмуни тартибга солинган ЖПКнинг 467-моддаси талабига қўра, агар жиноят бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб ёки уюшган гуруҳ томонидан содир этилган бўлса, ҳукмда жиноятнинг ҳар бир иштирокчиси томонидан айнан қандай жиноий ҳаракатлар содир этилганлиги аниқ қўрсатилиши кераклиги, айлов ҳукмининг тавсиф қисмida судланувчининг эълон қилинган айловга муносабати ёритилиши, ўзини ҳимоя қилиш учун келтирган важларига баҳо берилиши кераклиги, 11-бандида жиноятни ЖКнинг у ёки бу моддаси, унинг қисми ёки банди билан тавсифлаш бўйича суднинг асослантирилган холосаси айлов ҳукмининг тавсиф қисмининг мухим белгиси хисоблани-

ши, бунда айбдорнинг харакатлари нима учун айнан шу модда, қисм, банд билан тавсифланаётганини аник кўрсатилиши кераклиги ҳақида тушунтириш берилган.

Бироқ судлар юкорида қайд этилган қонун талаблари ва Олий суд Пленуми қарори тушунтиришларига риоя этмаган.

Жиноят иши ҳужжатларига кўра, И.К. Жиззах вилоят ИИБ УЯ 64/78-сонли жазони ижро этиш колониясида канцелярия бошлиғи лавозимида, Х.У. муассаса тартибот бўлими тезкор вакили, Б.Ў. соғлиқни сақлаш пункти бошлиғи, шифокор бўлиб ишлаган вақтида Жиззах вилоят ИИБ бошлиғининг 2017 йил 4 августдаги 132-сонли буйруғидаги малака тоифасига Х.У. ва Б.Ў.нинг исмларини киритиб, ўзгартириш киритиб қўйишган, натижада Х.У. ва Б.Ў. ҳар ойда 145 276 сўмдан ойлик маошига кўшимча пул олишган.

Олий суд Пленумининг 2004 йил 21 майдаги «Жазоларни либераллаштириш тўғрисидаги қонунни иқтисодиёт соҳасидаги жиноятларга нисбатан қўллашнинг айrim масалалари ҳақида»ги 4-сонли қарори 8-бандида, агар мансабдор шахс ўзи содир этган талон-торож жиноятини енгиллаштириш ёки яшириш мақсадида расмий ҳужжатларга била туриб ёлғон маълумотлар ва ёзувлар киритган бўлса, унинг қилмиши тегишинча ЖКнинг 167 ва 209-моддаларида ёки ЖКнинг 167 ва 228-моддаларида назарда тутилган жиноятлар мажмуи бўйича квалификация қилинмоғи кераклиги, агар мансаб соҳтакорлиги мансабдорлик жиноятининг субъекти бўлмаган бошқа шахслар билан иштирокчиликда содир этилган бўлса, бундай иштирокчиларнинг харакатлари, башарти улар талон-торож жинояти иштирокчиси бўлмаса, ЖКнинг 228-моддаси билан эмас, балки мазкур Кодекснинг 28, 209-моддалари билан квалификация қилинмоғи кераклиги ҳақида тушунтириш берилган.

Судлар И.К., Х.У. ва Б.Ў. ички ишлар органи ходимлари эканлигини эътибордан четда қолдирган.

Шунингдек, ЖКнинг 209-моддаси диспозициясига кўра, мансабга соҳтакорлиги, яъни давлат органи, давлат иштирокидаги ташкилот ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи мансабдор шахсининг фаразгўйлик ёки бошқа манфаатларни қўзлаб расмий ҳужжатларга била туриб соҳта маълумотлар ва ёзувлар киритиши, ҳужжатларни қалбакилаштириши ёки била туриб соҳта ҳужжатлар тузиши ва тақдим этиши фуқароларнинг ҳуқуқларига ёки қонун билан қўриқланадиган манфаатларига ёхуд давлат ёки жамоат манфаатларига жиддий зарар етказилишига сабабчи бўлганда, жиноий жавобгарлик белгиланган.

Олий суд Пленумининг 2000 йил 15 сентябрдаги «Ҳарбий хизматни ўташ тартибига қарши жиноятларга оид ишларни кўриш бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги 23-сонли қарори 4.5-бандида мансабдорлик жиноятига хос жиноий оқибат — жиддий зиён бўлиб, у ўз хусусияти ва кўламига кўра, кўп микдорни ташкил этиши, жиддий зиён сифатида, жумладан, содир этилган жиноят туфайли бўлинмада (қисмда) ҳарбий интизомга путур этиши, жанговар топшириқнинг, ўқ отиш машғулотларининг, ишларнинг барбод бўлиши ҳарбий мулкка зиён етказиш ёки уни йўқ қилиш, жиддий моддий зиён етказиш, ҳарбий хизматчилар ва бошқа шахсларнинг шахсий ёки мулкий ҳуқуқларининг бузилиши кабилар тан олиниши белгилаб қўйилган.

Шунингдек, Олий суд Пленумининг 1998 йил 17 апрелдаги «Иқтисодиёт соҳасидаги жиноий ишлар бўйича суд амалиётида юзага келган айrim масалалар тўғрисида»ги 11-сонли қарори 27-бандида фуқароларнинг ҳуқуқлари ёки қонун билан қўриқланадиган манфаатларига ёхуд давлат ёки жамоат манфаатларига жиддий зиён етказиш моддий зарар тарзида ҳам, бой берилган фойда тарзида ҳам, шунингдек ҳокимият органларининг обрўсига путур ет-

казишда ифодаланган бўлиши мумкинлиги кўрсатилган.

Жиноят ишида ички ишлар органинг обрўсига путур етказилганлик ҳолати аниқланмаган.

Бундан ташқари Олий суд Пленумининг 2004 йил 21 майдаги «Жазоларни либераллаштириш тўғрисидаги қонунни иқтисодиёт соҳасидаги жиноятларга нисбатан қўллашнинг айrim масалалари ҳакида»ги 4-сонли қарори З-бандида корхона, муассаса, ташкилот мулкини ўзлаштириш, растрата қилиш, мансаб мавқеини суиистеъмол қилиш, фирибгарлик ва ўғирлик йўли билан талон-торож қилиш (ЖКнинг 167, 168, 169-моддалари) учун жиноий жавобгарлик фақат талон-торож суммаси Маъмурӣ жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 61-моддаси учинчи қисмида кўрсатилган миқдордан ошган тақдирда келиб чиқади. Алоҳида квалификация белгилари мавжуд бўлган ҳоллар ҳам бундан мустасно эмаслиги белгилаб кўйилган.

Қонун мазмунига кўра, айбор ӯзлаштириш ёки растрата йўли билан талон-торож қилиш мақсадида хужжатларни сохталаштирган ёки қалбакилаштирган бўлса (ҳатто жиноятни енгиллаштириш мақсадида бўлса ҳам), айборнинг харакатлари фақат ЖКнинг 167-моддаси билан квалификация қилиниши кераклиги, агар мулк ўзлаштириш ёки растрата йўли билан талон-торож қилингандан, сўнг жиноятни яшириш, пайдо бўлган камомадни беркитиш мақсадида хужжатларни сохталаштирган ёки қалбакилаштирган бўлса, мансабдор бўлмаган шахснинг ҳаракатлари ЖКнинг 167 ва 228-моддалари билан жиноятлар жами тариқасида, агар мансабдор шахс бўлса, унинг ҳаракатлари ЖКнинг 167-моддаси иккинчи қисми «г» банди ва 209-моддаси (mansab сохтакорлиги) билан жиноятлар жами тариқасида квалификация қилиниши керак бўлади.

Жиноят иши бўйича Х.У. ва Б.Ў.

2016-2017 ўкув йиллари якуни бўйича синов имтиҳонларини топширган бўлса-да, Жиззах вилоят ИИБ бошлиғининг «Вилоят ички ишлар органлари шахсий таркибига 1-2-3-тоифа малакасини бериш тўғрисида» 2017 йил 4 августдаги 132-сонли буйруғига ўзгартириш киритишганлиги натижасида 2017 йил май оидан 2018 июнь ойига қадар ойлик маошига қўшимча 2 005 098 сўм тўланишига эришган.

Юқоридаги Олий суд Пленуми қарори ва қонун мазмунига кўра, Х.У. ва Б.Ў.нинг жиноят иши бўйича етказган зарар суммаси 4 411 638 сўмни ташкил қилган бўлиб, ЖКнинг 167-моддаси билан жиноий жавобгарлик фақат талон-торож суммаси жиноят таркибини бермаганлиги сабабли, уларга нисбатан ЖКнинг 167-моддаси билан жиноят иши қўзгатилмаган.

Лекин дастлабки тергов ва суд ўзлаштириш ёки растрата йўли билан талон-торож қилиш мақсадида хужжатларни сохталаштирган ёки қалбакилаштирган бўлса (ҳатто жиноятни енгиллаштириш мақсадида бўлса ҳам), айборнинг ҳаракатлари фақат ЖКнинг 167-моддаси билан квалификация қилиниши кераклиги ҳақидаги талабига зид равища, уларнинг ҳаракатларини ЖКнинг 228-моддаси билан квалификация қилган.

Шу сабабли жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатининг 2020 йил 17 августдаги ажрими билан жиноят ишлари бўйича Зафаробод туман судининг 2019 йил 4 февралдаги ҳукми ҳамда Жиззах вилоят суди апелляция инстанциясининг 2019 йил 5 марта ажрими бекор қилиниб, И.Қ., Х.У., Б.Ў.нинг қилмишида жиноят таркиби бўлмаганлиги муносабати билан улар ЖК 228-моддаси иккинчи қисмининг «б» банди билан айбизз деб топилиб, реабилитация этилган ва жиноят иши ЖПКнинг 83-моддаси 2-бандига асосан тугатилган.

1-1309-1801/94-сонли иш



МАЪМУРИЙ ИШЛАР БЎЙИЧА СУД АМАЛИЁТИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ СУДИННИГ МАЪМУРИЙ ИШЛАР БЎЙИЧА СУДЛОВ ҲАЙЪАТИ ТОМОНИДАН 2020 ЙИЛНИНГ ТЎРТИНЧИ ЧОРАГИДА НАЗОРАТ ТАРТИБИДА КЎРИЛГАН ИШЛАР БЎЙИЧА СУД АМАЛИЁТИ ОБЗОРИ

I. МАЪМУРИЙ ҲУҚУҚБУЗАРЛИК ТЎҒРИСИДАГИ ИШЛАР БЎЙИЧА СУД АМАЛИЁТИ ОБЗОРИ

1. Адвокатнинг уни ҳимояси остидаги шахс манфаатлари билан бөглиқ қонун хуёжжатларига мувофиқ сўровига асосан прокуратура органлари унга тегишли ахборот (хуёжжатлар)ни тақдим этиши керак. Акс ҳолда, бундай ҳаракат адвокатнинг профессионал фаолиятига тўскинлик қилиши деб баҳоланиши ва МЖтКнинг 197¹-моддасига асосан жавобгарликка сабаб бўлиши мумкин.

«Р» адвокатлик фирмаси адвокати Н.М. туман прокурорига адвокатлик ордерини илова қилган ҳолда 2020 йил 23 майдаги 111-сонли ариза билан мурожаат қилиб, фуқаро С.С. юзасидан тўпланган материал билан танишиб, нусхалар олишга рухсат беришни сўраган.

Туман прокурори Д.Д.нинг 2020 йил 7 июндаги 222-сонли жавоб хати билан адвокат Н.М.га ва мижози С.Т.га терговга қадар текшириш ҳужжатлари билан танишиб чиқишига ва ушбу ҳужжатлардан нусха олишга рухсат этилмаслиги маълум қилинган ҳамда ушбу жавоб хатидан норози бўлганда, юқори турувчи прокурорга шикоят қилишга ҳақли эканлиги тушунтирилган.

Шундан сўнг «Р» адвокатлик фирмаси адвокати Н.М. 2020 йил 18 июлда вилоят прокурорига ва 2020 йил 28 июлда Фаллаорол тумани маъмурӣ судига мурожаат қилган.

«Р» адвокатлик фирмаси адвокати Н.М. суддан туман прокурори Д.Д.ни МЖтКнинг 197¹-моддасига асосан маъмурӣ жавобгарликка тортишни сўраган.

Биринчи инстанция судининг ажрими билан Д.Д.га оид маъмурӣ ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш «Р» адвокатлик фирмаси адвокати Н.М.га қайтарилган.

Кассация инстанцияси судининг қарори билан биринчи инстанция судининг ажрими ўзгаришсиз қолдирилган.

Судлов ҳайъати биринчи ва кассация инстанцияси судларининг қарорларини бекор қилиб, ишни мазмунан кўриш учун биринчи инстанция судига юборган.

Судлов ҳайъати бундай хулосага келишда қуйидагиларга асосланган.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 44-моддасига мувофиқ, ҳар бир шахсга ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш, давлат органлари, жамоат бирлашмаларининг ғайриқонуний хатти-ҳаракатлари устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқи кафолатланади.

«Адвокатура тўғрисида»ги Қонуннинг 10-моддаси биринчи қисмига мувофиқ, адвокатнинг касбга оид ҳуқуқлари, шаъни ва қадр-қиммати қонун билан қўриқланади. Адвокатларнинг касбий фаолиятига у ёки бу тарзда, бевосита ёки билвосита аралашиш, улар ўз касбий вазифаларини бажараётганда олган муайян маълумотларни ошкор этишни талаб қилиш, шунингдек, адвокатлар бирлашмаларининг мансабдор

шахсларидан ва техник ходимларидан худди шундай маълумотларни талаб қилиш тақиқланади. Адвокат ўз касбий вазифаларини бажараётганида унга бирор-бир шаклда таъсир ўтказишга йўл қўйилмайди.

МЖтКнинг 197¹-моддасида адвокат сўровига ахборотни (хужжатларни) тақдим этмаслиқда, ўз вақтида тақдим этмаслиқда ёхуд била туриб ёлғон ёки нотўғри ахборот (хужжатлар) тақдим этишда ифодаланган тарзда адвокатнинг профессионал фаолиятига тўсқинлик қилиш, шунингдек, адвокатнинг ишда иштирок этишига тўсқинлик қилиш ёки унинг ишонч билдирувчи шахс (ҳимоя остидаги шахс) манфаатларига зид бўлган вазиятни мажбуран эгаллашига эришиш мақсадида адвокатга қандай шаклда бўлмасин таъсир ўтказиш базавий ҳисоблаш миқдорининг икки бараваридан беш бараваригача миқдорда жарима солишига сабаб бўлиши белгиланган.

МЖтКнинг 283-моддаси олтинчи қисмига мувофиқ, ушбу Кодекснинг 197¹-моддасида назарда тутилган адвокатнинг профессионал фаолиятига тўсқинлик қилинган тақдирда, адвокат маъмурый ҳукуқбузарлик тўғрисида баённома тузмасдан ўз аризасида ҳукуқбузарнинг шахси тўғрисидаги маълумотларни, маъмурый ҳукуқбузарлик содир этилган жойни, вақтни ва бу ҳукуқбузарликнинг моҳиятини, шунингдек, ишни ҳал этиш учун зарур бўлган бошқа маълумотларни кўрсатган ҳолда судга мурожаат қилиш ҳукуқига эга.

«Прокуратура тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг 49-моддасида прокурор, терговчи ва суриштирувчига нисбатан жиноят иши қўзғатиш ва дастлабки тергов ўтказиш прокуратура органларининг мутлақ ваколати ҳисобланиши, прокуратура органлари ходимларининг интизомий ножӯя хатти-харакат учун жавобгарлиги масаласи юқори турувчи прокурор томонидан ҳал этилиши назарда тутилган. Бунда прокурорга нисбатан маъмурый иш

кўзғатиш ва маъмурий жавобгарлиги масаласи прокурор томонидан ҳал этилиши назарда тутилмаган.

Шу сабабли, судлов ҳайъати биринчи инстанция суди қайд этилган қонун нормаларирига риоя қилмасдан, ишни мазмунан кўрмаган ва маъмурий ҳукуқбузарлик тўғрисидаги иш материалини «Р» адвокатлик фирмаси адвокати Н.М.га асосиз равища қайтарган, кассация инстанцияси суди эса биринчи инстанция суди томонидан йўл қўйилган хатоликларга эътибор бермасдан, биринчи инстанция судининг ажримини ўзгаришсиз қолдириган деб ҳисоблаган.

Судлов ҳайъатининг қарори Олий суд Раёсатининг қарори билан ўзгаришсиз қолдирилган.

5-908-20-сонли иш

* * *

2. Шахснинг МЖтКнинг 241²-моддасида назарда тутилган ҳукуқбузарликни содир этганлиги ўз тасдигини томмаса, унга оид юритилган маъмурий ҳукуқбузарлик тўғрисидаги иш МЖтКнинг 271-моддаси 1-бандига асосан тугатилади.

Ўзбекистон Республикаси Монополияга қарши курашиш қўмитасининг худудий бошқармасида Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳукуклари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакилнинг буйруғига асосан ўрганиш ўтказилган. Унда Ўзбекистон Республикаси Монополияга қарши курашиш қўмитасининг худудий бошқармаси бошлиғи ўринбосари, Истемолчилар ҳукукларини ҳимоя қилиш ва реклама фаолиятини тартибга солиш бошқармаси бошлиғи лавозимида ишлаган А.А. «В» АЖнинг мурожаати бўйича 2019 йил 23 октябрда «Д» МЧЖдан 222-сонли сўров хати билан жамиятнинг «ДС» шаклидаги товар ва хизмат кўрсатиш белгисига олган

гувоҳномаси ёки Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлигига ариза билан мурожаат этилганлигини тасдиқловчи ва бошқа тегишли хужжатларни сўраб текширув ўтказганлиги ҳамда натижаси бўйича ариза муаллифига «Д» МЧЖ томонидан қонун хужжатлари бузилмаганлиги ҳақида жавоб берганлиги, шунингдек, у «К» МЧЖнинг мурожаати бўйича 2019 йил 22 декабря «А» МЧЖ ва «Л» МЧЖдан 333-сонли сўров хати билан жамиятнинг патент гувоҳномаси, таъсис хужжатлари, бўйруқ, корхона гувоҳномаси ва бошқа ишга алоқадор хужжатларни сўраб олиб, текширув ўтказганлиги ҳамда текширув натижаси бўйича жавоб хати берилганлиги аниқланган ҳамда А.А. текширув ўтказишида амалдаги қонун талабларини бузган деб ҳисобланиб, 2020 йил 24 апрелда маъмурий хукуқбузарлик тўғрисидаги баённома расмийлаштирилган.

Биринчи инстанция судининг қарори билан хукуқбузар А.А. МЖтКнинг 241²-моддаси билан айбли деб топилиб, ушбу кодекснинг 33-моддаси қўлланилиб, унга нисбатан базавий ҳисоблаш миқдорининг 5 баравари миқдорида 1 115 000 сўм жарима солинган.

Кассация инстанцияси судининг қарори билан биринчи инстанция судининг қарори ўзгаришсиз қолдирилган.

Судлов ҳайъати биринчи ва кассация инстанцияси судлари қарорларини бекор қилиб, А.А.га оид юритилган маъмурий хукуқбузарлик тўғрисидаги ишни МЖтКнинг 271-моддаси 1-бандига асосан тугатишни лозим топган.

Судлов ҳайъати бундай хulosага келишда қуйидагиларга асосланган:

Биринчидан, биринчи ва кассация инстанцияси судлари қайд этилган сўров хатлари А.А. томонидан эмас, балки Ўзбекистон Республикаси Монополияга қарши курашиб қўмитаси худудий бошқармаси бошлигининг ўринбосари Р.Р. томонидан

имзоланганлигига ва ушбу сўров хатларида ижрочи сифатида З.З. ва Э.Э. кўрсатилганлигига, корхона, ташкилот, муассасадан чиқсан хат-хабарлар учун уни имзолаган мансабдор шахс жавобгар эканлигига эътибор бермаган;

иккинчидан, «Рақобат тўғрисида»ги, «Истеъмолчиларнинг ҳукуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги, «Табиий монополиялар тўғрисида»ги қонунларга мувофиқ монополияга қарши органнинг мансабдор шахслари рақобат, истеъмолчиларнинг ҳукуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун хужжатларига риоя этилиши устидан назоратни амалга оширишда хўжалик юритувчи субъектларнинг хужжатларини, ахборотларини олиш хукукига эга.

«Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги Қонуннинг 24-моддасида мурожаатни тўлиқ, холисона ва ўз вақтида кўриб чиқиши учун қўшимча маълумотлар, маълумотномалар ва материалларга зарурат пайдо бўлган тақдирда, мазкур мурожаатни кўриб чиқаётган давлат органи, ташкилот ёки уларнинг мансабдор шахслари ўз ваколатлари доирасида бошқа давлат органларидан, бошқа ташкилотлардан ва мансабдор шахслардан қўшимча ахборотни сўраб олиши мумкинлиги белгиланган.

3-1002-2003/1216-сонли иш

* * *

3. Биринчи ва кассация инстанцияси судлари ишни қўришида ва шахсни маъмурий хукуқбузарликни содир этганликда айбли деб топшида маъмурий хукуқбузарлик содир этилган ёки этилмаганлигини, хукуқбузарликни содир этганликда гумон қилинаётган шахс уни содир этишида айбдор ёки айбдор эмаслигини, мулкий зарар айнан ушбу шахс томонидан етказилган ёки етказилмаганлигини, шунингдек, ишни тўғри ҳал этишида аҳамиятга молик бошқа ҳолатларни аниқлаши шарт.

Фуқаро К.Н. 2020 йил 15 февраль куни соат 11:30 ларда бошқарувидаги «Нексия 3» русумли, давлат рақами 10 К 222 РА бўлган автомашинани Алишер Навоий кўчасида йўл четидан орқага ҳаракатлантираётуб, ҳаракатсиз ҳолда тўхтаб турган фуқаро Д.Д.га тегишли «Матиз» русумли, давлат рақами 01 Л 333 АА автомашинанинг орқа қисмига тўқнашган ва воқеа жойидан кетиб қолган.

Биринчи инстанция судининг қарори билан ҳуқуқбузар К.Н. МЖтКнинг 134 ва 137-моддалари билан айбли деб топилиб, унга ушбу Кодекснинг 34-моддаси тартибида узил-кесил базавий ҳисоблаш миқдорининг ўттиз баравари миқдорида 6 690 000 сўм жарима солинган.

Кассация инстанцияси судининг қарори билан биринчи инстанция судининг қарори ўзгаришсиз қолдирилган.

Судлов ҳайъати биринчи ва кассация инстанцияси судлари қарорларини бекор қилиб, К.Н.га оид юритилган маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни МЖтКнинг 271-моддаси 1-бандига асосан тугатишни лозим топган.

Судлов ҳайъати бундай хulosага келишда экспертиза ташкилотининг 2020 йил 12 марта даги 123-сонли хulosасига асосланган. Мазкур ҳолатда биринчи ва кассация инстанцияси судлари экспертиза ташкилоти томонидан берилган хulosага эътиборини қаратмаган ва К.Н.ни МЖтКнинг 134 ва 137-моддалари билан айбли деб топган. Аммо экспертиза хulosасида «Матиз» русумли, давлат рақами 01 Л 333 АА автомашинанинг орқа томондаги бамперида бошқа транспорт воситасига тегишли бўлган лак-бўёқ излари ҳамда «Нексия 3» русумли, давлат рақами 10 К 222 РА автомашинани олди томондаги бамперида бошқа транспорт воситасига тегишли бўлган лак-бўёқ излари мавжуд эмаслиги баён этилган.

МЖтКнинг 307-моддасига кўра, маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни кўриб чиқиши вақтида тегишли орган (ман-

сабдор шахс): маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этилган-етилмаганлигини, ҳуқуқбузарлик содир этилган вақт ва жойни, мазкур шахс уни содир этишда айбдор-айбдор эмаслигини, унинг маъмурий жавобгарликка тортилиш-тортилмаганлигини, жавобгарликни енгиллаштирувчи ёки оғирлаштирувчи ҳолатлар бор-йўқлигини, мулкий зарар етказилган-етказилмаганлигини, шунингдек, ишни тўғри ҳал этишда аҳамиятга молик бошқа ҳолатларни аниқлаши шарт.

Шу сабабли, судлов ҳайъати экспертиза хulosасидан келиб чиқиб, ҳуқуқбузар ва жабрланувчига тегишли бўлган автомашиналар бир-бири билан тўқнашмаган, деган хulosага келган ҳамда К.Н.нинг ҳаракатларида МЖтКнинг 134 ва 137-моддаларида назарда тутилган ҳуқуқбузарлик аломатлари мавжуд эмас деб ҳисоблаб, маъмурий иш юритишини МЖтКнинг 271-моддаси 1-бандига асосан тугатишни лозим топган.

3-1001-2003/1164-сонли иш

* * *

4. Конун ҳужжатларида ва ташкилотларнинг ички меъёрий ҳужжатларида бажарилиши мажбурий қилиб белгиланмаган талабларга асосланниб шахсни МЖтКнинг 54-моддасида назарда тутилган ҳуқуқбузарлик бўйича жавобгарликка тортиб бўлмайди.

Давлат санитария-эпидемиология назорати бошқармаси шаҳар филиали ходимлари томонидан 2020 йил 28 июнда тузилган 111-сонли маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги баённомада якка тартибдаги тадбиркор С.С.нинг озиқ-овқат дўконига кириш жойида дезинфекцияловчи тўшама йўқлиги, эшик тутқичларида дезинфекцияловчи дока йўқлиги аниқланганлиги кўрсатилган.

Биринчи инстанция судининг қарори билан С.С. МЖтКнинг 54-моддаси иккинчи қисми билан айбли деб топилиб, унга нисбатан базавий ҳисоблаш миқдорининг йигирма баравари миқдорида 4 460 000 сўм жарима солинган.

Кассация инстанцияси судининг қарори билан биринчи инстанция судининг қарори ўзгаришсиз қолдирилган.

Судлов ҳайъати биринчи ва кассация инстанцияси судлари қарорларини бекор қилиб, С.С.га оид юритилган маъмурий хукуқбузарлик тўғрисидаги ишни МЖтКнинг 271-моддаси 1-бандига асосан тугатишни лозим топган.

Судлов ҳайъати бундай хulosага келишда қуидагиларга асосланган.

Вазирлар Маҳкамасининг «Корона-вирус инфекцияси тарқалишига қарши қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2020 йил 23 матдаги 176-сонли қарори 2-бандида биринчи босқичда Тошкент шаҳрида, кейинчалик босқич-ма-босқич Нукус шаҳри, вилоят ва туман марказларида жойлашган барча йирик деҳқон бозорлари ва савдо мажмуалари (супермаркет, гипермаркет ва бошқалар) кириш-чиқиши жойларини тегишли мутахассислар билан таъминлаган ҳолда тепловизорлар ва антисептик воситалар билан жиҳозланиши белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Бош Давлат санитария врачи томонидан 2020 йил 23 апрелда тасдиқланган 0372-20-сонли «COVID-19 пандемияси даврида чеклаш тадбирларини қўлланилиши шароитида давлат идоралари ва бошқа ташкилотлар, шунингдек, тадбиркорлик субъектларининг фаолиятини ташкил қилиш тўғрисидаги вақтингчалик санитария қоида ва меъёrlари» белгиланган.

Бироқ Давлат санитария-эпидемиология назорати бошқармаси шаҳар филиали ходимлари томонидан 2020 йил 28 июнда тузилган 111-сонли маъмурий хукуқбузарлик тўғрисидаги баённомада якка тартибдаги тадбиркор С.С.га нисбатан билдирилган эътиrozлар юқорида қайд этилган ва бошқа қонунхўжатларида тадбиркорлик субъектлари томонидан бажарилиши мажбурий қилиб кўрсатилмаган.

Шу сабабли судлов ҳайъати С.С.нинг ҳаракатларида МЖтКнинг 54-моддаси иккинчи қисмида назарда тутилган хукуқбузарлик аломатлари мавжуд эмас деб ҳисоблаб, С.С.га оид юритилган маъмурий ишни МЖтКнинг 271-моддаси 1-бандига асосан тугатишни лозим топган.

3-2301-2001/1477-сонли иш

* * *

II. МАЪМУРИЙ ВА БОШҚА ОММАВИЙ ХУҚУКИЙ МУНОСАБАТЛАРДАН КЕЛИБ ЧИҚҚАН НИЗОЛАРГА ОИД ИШЛАР БЎЙИЧА СУД АМАЛИЁТИ ОБЗОРИ

1. Қонун хўжжатларига мувофиқ ер участкасини ижарага олиши хукуки ер участкаси берилган муддат тугаганда бекор қилинади.

Туман ҳокимининг 2007 йил 11 июнданги 111-сонли қарори билан туманнинг «Наврӯз» ҚФЙдаги 122-контурдан 1,2 гектар ер участкаси фуқаро С.Т.га боф барпо этиш учун 11 йил муддатга ажратилган. Шундан сўнг С.Т. томонидан «Ш» фермер хўжалиги ташкил этилиб, фермер хўжалиги ва туман ҳокимлиги ўртасида ижара шартномаси тузилган. Ажратилган ер участкасининг муддати 2018 йилда тугаган ва тарафлар ўртасида тузилган ижара шартномасининг амал қилиш муддати узайтирилмаган.

Кейинчалик туман ҳокимининг 2019 йил 16 февралдаги 666-сонли қарори билан фуқаро В.В.га боғдорчилик йўналишидаги фермер хўжалигини ташкил этиш учун туман захира ерларидан «Наврӯз» ҚФЙдаги 122 ва 126-контурлардан жами 9,85 га ер участкаси 49 йил муддатга ижарага берилган.

Шу сабабли аризачи С.Т. судга ариза билан мурожаат қилиб, туман ҳокимининг 2019 йил 16 февралдаги 666-сонли қарорини ҳақиқий эмас, деб топишни сўраган.

Биринчи инстанция суди аризачининг аризасини қаноатлантирган. Суд бундай хulosага келишда туман ҳокимининг 2007

йил 11 июндаги 111-сонли қарори билан аризачи С.Т.га ижарага берилган ер участкаси туман ер захирасига қайтариб олинмасдан туриб, туман ҳокимининг 2019 йил 16 февралдаги 666-сонли қарори қабул қилинганинига ва ушбу қарор билан низоли ер участкаси учинчи шахсга ижарага берилганинига асосланган.

Апелляция инстанцияси судининг қарори билан биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори ўзгаришсиз қолдирилган.

Судлов ҳайъати биринчи ва апелляция инстанцияси судлари қарорларини бекор қилиб, аризани қаноатлантиришни рад этишни лозим топган.

Судлов ҳайъати суд қарорларини бекор қилиб, аризани қаноатлантиришни рад этишда қуйидагиларга асосланган: Ер кодексининг 36-моддаси биринчи қисми 2-бандига кўра, бутун ер участкасида ёки унинг бир қисмига эгалик қилиш хукуқи ёхуд ундан доимий ёки муддатли фойдаланиш хукуқи, шунингдек, ер участкасини ижарага олиш хукуқи ер участкаси берилган муддат тугаганда бекор қилинади.

Туман ҳокимининг 2007 йил 11 июндаги 111-сонли қарори билан аризачи С.Т.га боғ барпо этиш учун ер участкаси 11 йил муддатга берилган бўлиб, 2018 йилда ушбу муддат тугаган. Бироқ мазкур муддат тарафлар томонидан ёки суд тартибида узайтирилмаган. Мазкур ҳолатда аризачининг ерга бўлган хукуқи 2018 йилда тугаганлиги сабабли, низоли ер участкаси туман захирасидаги ер ҳисобланади.

Фуқаролик кодексининг 12-моддаси биринчи қисмида давлат органи ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органининг қонун хужжатларига мувофиқ бўлмаган ҳамда фуқаронинг ёки юридик шахснинг фуқаролик хукуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини бузадиган хужжати суд томонидан ҳақиқий эмас деб топилиши мумкинлиги белгиланган.

Бироқ туман ҳокимининг 2019 йил 16 февралдаги 666-сонли қарори аризачининг хукуқларини ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини бузмаган. Чунки ушбу қарор билан В.В.га жами 9,85 гектар ер участкаси туман захирасидаги ерлардан ажратилган.

3-1111-1901/1335-сонли иш

* * *

2. Маъмурий орган мансабдор шахсларининг қарори устидан судга ариза (шикоят) манфаатдор шахсга ўзининг хукуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари бузилганини түгрисида маълум бўлган пайтдан эътиборан уч ой ичда берилиши мумкин. Агар бундай ариза (шикоят)ни бериш муддати узрли бўлмаган сабабларга кўра, ўтказиб юборилган бўлса, уни қаноатлантириши рад этилади.

Туман ҳокимининг 2014 йил 13 марта даги 333-сонли қарори билан Д.Ж.га Марказий ўрмон хўжалиги ерларида Д.Ж. томонидан қурилган биноларга эгалик қилиш ҳамда 1,3 га ер майдонидан доимий фойдаланиш хукуқи берилган.

Туман ҳокимининг 2016 йил 26 сентябрдаги 444-сонли қарори билан Марказий ўрмон хўжалиги ерларида Д.Ж. томонидан қурилган биноларга эгалик қилиш ҳамда 1,3 га ер майдонидан доимий фойдаланиш хукуқи берилган.

Вилоят прокуратурасининг 2017 йил 14 сентябрдаги протестига асосан туман ҳокимининг 2017 йил 25 октябрдаги 555-сонли қарори билан туман ҳокимининг 2014 йил 13 марта даги 333-сонли қарори бекор қилинган.

Шу сабабли Давлат ўрмон хўжалиги судга ариза билан мурожаат қилиб, туман ҳокимининг 2016 йил 26 сентябрдаги 444-сонли қарорини ҳақиқий эмас, деб топишни сўраган.

Биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори билан аризачининг аризаси қаноатлантирилган.

Апелляция инстанцияси судининг қарори билан биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори ўзгаришсиз қолдирилган.

Судлов ҳайъати биринчи ва апелляция инстанцияси судлари қарорларини бекор қилиб, аризани қаноатлантиришни рад этган.

Судлов ҳайъати суд қарорларини бекор қилиб, аризани қаноатлантиришни рад этишда қуидагиларга асосланган.

Биринчи ва апелляция инстанцияси судлари низоли ер участкаси вилоят давлат ўрмон хўжалигига тегишли ер участкаси эканлигига асосланиб, аризани қаноатлантириш ҳақида хulosага келган бўлса-да, ушбу ер участкаси ҳақиқатдан ҳам, вилоят давлат ўрмон хўжалигига тегишли ёки тегишли эмаслигига аниқлик киритмаган. Чунки туман ҳокимининг 2019 йил 16 ноябрдаги 666-сонли қарори билан низоли ер участкаси давлат ўрмон хўжалигининг ҳисобидан туман захира ерлари ҳисобига қайтирилган бўлган.

МСИЮтКнинг 186-моддаси биринчи қисмига кўра, агар ушбу кодексда ёки ўзга қонунларда бошқа муддатлар белгиланмаган бўлса, маъмурий органнинг, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органининг, улар мансабдор шахсларининг қарори, ҳаракати (ҳаракатсизлиги) устидан ариза (шикоят) манфаатдор шахсга ўзининг ҳукуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари бузилганлиги тўғрисида маълум бўлган пайдан эътиборан уч ой ичida судга берилиши мумкин.

Аниқланишича, туман маъмурий судининг 2019 йил 21 июндаги ҳал қилув қарори билан аризачи Д.Ж. ва бошқаларнинг туман ҳокимининг 2017 йил 25 октябрдаги 555-сонли қарорини ҳақиқий эмас, деб топиш ҳақидаги талаби рад қилинган. Ушбу ҳал қилув қарорида учинчи шахс сифатида Давлат ўрмон хўжалиги вакили Ш.Ш. судда иштирок этганлиги, аризачи Д.Ж. ўзининг аризаси ва суд-

да берган тушунтиришларида низоли ер майдонида у Хитой технологияси асосида иссиқхона қурганлиги, унинг иссиқхонасига туман ҳокимининг 2016 йил 26 сентябрдаги 444-сонли қарори билан эгалик ҳуқуқи берилганлиги маълум қилинган.

Шундай бўлса-да, Давлат ўрмон хўжалиги 2019 йил 2 ноябрда, яъни МСИЮтКнинг 186-моддаси биринчи қисмида кўрсатилган муддатни ўтказган ҳолда туман ҳокимининг 2016 йил 26 сентябрдаги 444-сонли қарорини ҳақиқий эмас, деб топишни сўраб, маъмурий судга мурожаат қилган.

Олий суд Пленумининг «Маъмурий органлар ва улар мансабдор шахсларининг қарорлари, ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан шикоят қилиш тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш бўйича суд амалиёти ҳақида» 2019 йил 24 декабрдаги 24-сонли қарори 19-бандида, агар судга мурожаат қилиш муддати ўтказиб юборилган муддатни тиклаш суд томонидан рад этилган бўлса, аризани қаноатлантириш рад қилиниши ҳақида тушунтириш берилган.

Шу сабабли судлов ҳайъати МСИЮтКнинг 186-моддаси биринчи қисми ва Олий суд Пленумининг «Маъмурий органлар ва улар мансабдор шахсларининг қарорлари, ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан шикоят қилиш тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш бўйича суд амалиёти ҳақида» 2019 йил 24 декабрдаги 24-сонли қарори 19-бандига асосланиб, суд қарорларини бекор қилган ва аризани қаноатлантиришни рад этган.

3-1408-1901/1360-сонли иш

* * *

3. Кассация шикояти (протести) берининг ўтказиб юборилган муддати шикоят (протест) берган шахснинг илтимосномаси бўйича кассация инстанцияси суди томонидан, агар илтимосно-

ма ҳал қилув қарори қонуний кучга кирган кундан эътиборан олти ой ичида берилган ва кассация шикоятини (протести) бериши муддати ўтказиб юборилишининг сабаблари суд томонидан узрли деб топилган бўлса, тикланиши мумкин.

Аризачи «Б» фермер хўжалиги судга ариза билан мурожаат қилиб, туман ҳокимининг 2019 йил 18 июндаги 222-сонли қарорини ҳақиқий эмас, деб топишни сўраган.

Биринчи инстанция судининг 2019 йил 28 декабрдаги ҳал қилув қарори билан ариза қаноатлантирилган.

Учинчи шахс фуқаро Д.Д. 2020 йил 16 июлда биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори устидан кассация шикояти билан мурожаат қилган.

Кассация шикоятига шикоят беришнинг ўтказиб юборилган муддатини тиклаш ҳақида илтимоснома ҳам илова қилинган.

Кассация инстанцияси судининг 2020 йил 30 июлдаги ажрими билан фуқаро Д.Д. нинг кассация шикояти бериш муддатини тиклаш тўғрисидаги илтимосномасини қаноатлантириш рад этилиб, кассация шикоятини эса уни бериш муддати ўтганлиги асоси билан қабул қилиш рад этилган. Фуқаро Д.Д. кассация инстанцияси судининг ажримидан норози бўлиб, назорат шикояти билан мурожаат қилган.

Судлов ҳайъати кассация инстанцияси судининг ажримини бекор қилиб, фуқаро Д.Д.нинг кассация шикоятини беришнинг ўтказиб юборилган муддатини тиклаш тўғрисидаги илтимосномасини қаноатлантириб, кассация шикоятини кўриб чиқиш учун ишни кассация инстанцияси судига юборган.

Судлов ҳайъати бундай хulosага келишда кассация инстанцияси суди асосиз равиша кассация шикоятини беришнинг ўтказиб юборилган муддатини тиклашни рад этишда шикоят бериш муддатини ҳал

қилув қарори қабул қилинган кундан бошлаб ҳисоблаганлигига асосланган.

МСИЮтКнинг 227-моддаси иккинчи қисмига кўра, кассация шикояти (протести) беришнинг ўтказиб юборилган муддати шикоят (протест) берган шахснинг илтимосномаси бўйича кассация инстанцияси суди томонидан, агар илтимоснома ҳал қилув қарори қонуний кучга кирган кундан эътиборан олти ой ичида берилган ва кассация шикоятини (протести) бериш муддати ўтказиб юборилишининг сабаблари суд томонидан узрли деб топилган бўлса, тикланиши мумкин.

Ваҳоланки, кассация инстанцияси суди МСИЮтКнинг 227-моддаси иккинчи қисмида белгиланган муддатга эътибор берманган. Ушбу кодекснинг 227-моддаси иккинчи қисмида кассация шикояти беришнинг ўтказиб юборилган муддатини тиклаш тўғрисидаги илтимоснома ҳал қилув қарори қабул қилинган кундан эътиборан олти ой ичида эмас, балки ҳал қилув қарори қонуний кучга кирган кундан эътиборан олти ой ичида берилиши мумкинлиги белгиланган.

Мазкур ҳолатда, кассация инстанцияси суди кассация шикояти беришнинг ўтказиб юборилган муддатини тиклаш тўғрисидаги илтимосномани у ҳал қилув қарори қабул қилинган кундан эътиборан 6 ой 18 кун ўтга, яъни 2020 йил 16 июлда берилганлиги асоси билан қаноатлантиришни рад этиб хатоликка йўл қўйган. Бунда МСИЮтКнинг 227-моддаси иккинчи қисмида белгиланган муддат бўйича ҳисобланганда, фуқаро Д.Д. томонидан кассация шикояти ва уни беришнинг ўтказиб юборилган муддатини тиклаш тўғрисидаги илтимоснома ҳал қилув қарори қонуний кучга кирган кундан эътиборан 5 ой 18 кун ичида берилган ва кодексда белгиланган илтимоснома бериш муддати ўтказиб юборилмаган.

3-1802-1901/2054-сонли иш

* * *

4. Ҳокимликнинг қонун хужжатлари га мувофиқ бўлмаган қарори суд томонидан ҳақиқий эмас, деб топилади.

Туман давлат нотариал идорасида 2008 йил 14 ноябрда тасдиқланган 333-сонли олди-сотди шартномасига асосан «Мустақиллик» ҚФЙ худудида жойлашган «Ишлаб чиқариш базаси» бино-иншоотлари фуқаро Л.М.га сотилган.

Вилоят Ер тузиш ва қўчмас мулк кадастри давлат корхонасининг 2018 йил 25 октябрдаги маълумотномасида 2009 йил 15 апрелда «Мустақиллик» ҚФЙ худудида жойлашган «Ишлаб чиқариш базаси»нинг умумий ер майдони 3900 кв.м, қурилиш ости майдони 480,50 кв.м бино-иншоотларига обьект эгаси сифатида Л.М.нинг номига кадастр хужжатлари тайёрланиб, давлат рўйхатидан ўтказилганлиги кўрсатилган. Л.М.нинг ер участкасига бўлган ҳуқуқи давлат рўйхатидан ўтказилмаган.

Шаҳар ҳокимининг 2019 йил 26 ноябрда «Фуқаро Л.М. тасарруфидаги ер майдонига нисбатан доимий фойдаланиш ҳуқуқини бекор қилиш ҳамда ер майдонини шаҳар ҳокимлиги захирасига қайтариб олиш тўғрисида»ги 222-сонли қарори қабул қилинган. Ушбу қарорнинг 2-бандида фуқаро Л.М. тасарруфидаги 3900 кв.м ер майдонига нисбатан доимий фойдаланиш ҳуқуқи бекор қилинган ва 1400 кв.м ер майдони шаҳар ҳокимлигининг захирасига қайтариб олинган.

Шу сабабли аризачи Л.М. судга ариза билан мурожаат қилиб, шаҳар ҳокимининг 2019 йил 26 ноябрдаги 222-сонли қарорини ҳақиқий эмас, деб топишни сўраган.

Биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори билан аризачининг аризасини қаноатлантириш рад этилган.

Апелляция инстанцияси судининг қарори билан биринчи инстанция судининг ҳал

килув қарори ўзгаришсиз қолдирилган.

Судлов ҳайъати биринчи ва апелляция инстанцияси судлари қарорларини бекор қилиб, аризани қаноатлантиришни лозим топган.

Судлов ҳайъати суд қарорларини бекор қилиб, аризани қаноатлантиришни рад этишда қўйидагиларга асосланган.

Шаҳар ҳокимининг 2019 йил 26 ноябрдаги 222-сонли қарори билан ер участкаси захирага олинган ва Л.М.нинг «Ишлаб чиқариш базаси»га тегишли худудда ер участкасига нисбатан ҳуқуқи қолмаган.

Аммо туман давлат нотариал идорасида 2008 йил 14 ноябрда тасдиқланган 333-сонли олди-сотди шартномасига асосан, Л.М. «Мустақиллик» ҚФЙ худудида жойлашган ишлаб чиқариш базасининг бино-иншоотларини сотиб олган ва ушбу шартнома 2009 йил 12 январда шаҳар Ер тузиш ва қўчмас мулк кадастри хизмати давлат корхонасида рўйхатдан ўтказилиб, Л.М. номига 274-сонли кадастриши расмийлаштирилган. Олди-сотди шартномасига асосан Л.М. сотиб олган бино-иншоотларнинг қурилиш ости майдони 138,50 метр квадратни ташкил этган. Ушбу шартнома ҳозирги кунга қадар қонуний кучда бўлиб, ҳақиқий эмас, деб топилмаган ёки бекор қилинмаган.

Мазкур ҳолатда Л.М.нинг ишлаб чиқариш базаси бино-иншоотлари жойлашган ер участкаси аниқланмасдан, шаҳар ҳокими томонидан 3900 кв.м ер майдони, шу жумладан, қонуний асосларга кўра, Л.М. га тегишли бўлган майдон ҳам захирага олиниб, аризачининг ҳуқуқ ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларига путур етказилган.

Шу сабабли судлов ҳайъати суд қарорларини бекор қилиш ва аризачининг аризасини қаноатлантиришни лозим топган.

3-1603-2001/255-сонли иш



«ШИКОЯТБОЗЛИК СИНДРОМИ»

Хар қандай жамиятда одамлар турли низоларга дуч келиши мүмкін. Ўзаро келишувга эришилмаган тақдирда низолар судда қонуний ечимини топади. Яъни, судда ким ҳақ, ким ноҳақ экани маълум бўлади.

Суд ҳукми ёки қарор чиқаргандан сўнг бундан норози бўлган томон юқори инстанциялар ва бошқа давлат идоралариға мурожаат этиш хукуқига эга. Бу Конституциямиз ва қонунларда кафолатланган. Мазкур хукуқдан фойдаланишини чеклашнинг ўзи бир жиноят ҳисобланади.

Аслида гап шундаки, бугунги кунда «фуқароларимиз суддан норози, судлар уларни рози қила олмаяпти», деган қарашлар, ижтимоий тармоқларда суддан норозилик баён қилинган чикишлар тез-тез учраб тургани баҳсталаб.

Бу фикр ёки чикишларга асос борми? Ўрганишлар бундай фикр тарқатсаётган манба муаллифлари, ишнинг хақиқий ҳолатини ўрганишга уринмай, факат бир тараф, яъни, судда масаласи унинг фойдасига ижобий ҳал бўлмаган тарафнинг фикрларига асосланаётганини кўрсатмоқда. Бундай ёндашувни тўғри деб бўладими?

Чунки айни пайтда судлар қарор қабул қилгац, тарафларга қабул қилинган қарорнинг моҳият-мазмуни қандай қонун хужожатларига асослантирилганини багафсил тушунтирмоқда.

Бу эса ўзининг ижобий натижасини бераётир. Хусусан, 2020 йилда республика судлари томонидан кўрилган ишлар юзасидан чиқарилган суд қарорларининг бор-йўғи 3,5 фоизи бўйича юқори инстанция судларига шикоятлар келтирилгани, қолган 96,5 фоиз ишлар бўйича «мағлуб» бўлган тарафлар қонун талаби улар томонида эмаслигини тушуниб етганлигини кўрсатади. Қолаверса, юқори инстанция судига келтирилган шикоятларнинг 65 фоизи ҳам асоссиз деб то-пилиб, суд қарорлари ўзгаришсиз қолдирилган.

Бундай ижобий натижага эришишда тарғибот-ташвиқот ишлари ва сайёр суд мажлислари муҳим аҳамиятга эга бўлди. Хусусан, ўтган йилда 188 349 та иш сайёр суд мажлисларида кўрилган бўлса, аниқланган қонун бузилиши ҳолатлари юзасидан 41 292 та хусусий ажрим (тақдимнома) чиқарилган. Судья ва ходимлар томонидан оммавий ахборот воситалари орқали 16 260 та тарғибот ишлари амалга оширилган бўлса, маҳаллаларда 20 668 маротаба тушунтириш ишлари ўтказилган. Бундан ташқари, судлар раҳбариятининг маҳаллаларда 15 357 та сайёр қабул ташкил қилиниб, жисмоний ва юридик шахслар вакилларининг мурожаатлари кўриб чиқилган. Бу жараён келгусида ҳам изчил давом эттирилади, албатта.

Олий судга келиб тушаётган шикоятларнинг 2019 йилга нисбатан 2020 йилда 36,9 фоизга камайганини судлар томонидан амалга оширилаётган тушунтириш ва тарғибот ишларининг натижаси деб баҳолаш мүмкин. Бироқ, кейинги пайтларда амалиётда шундай ҳолатлар кузатиласяпти, айримлар ноҳақ бўлса-да, йиллар мобайнида шикоят ёзишдан тўхтамаяпти. Хўш, бунинг сабаби нима? Очиқ-ойдин кўриниб турган ҳақиқатни тан олмасдан «шикоятбозлик хасталиги»га йўлиққанларнинг мақсад-муддаоси не?!

Фикримизни мисоллар ёрдамида давом эттирасак.

Маълумки, суд қарорларига нисбатан шикоят келтиришнинг ўзига яраша тартиби ва қоидалари мавжуд. Хусусан, Жиноят-процессуал кодексининг 498 ва 510-моддаларига мувофиқ, маҳкум, унинг химоячиси, қонуний вакили, шунингдек, жарбланувчи, унинг вакили суд қарорларига нисбатан шикоят келтириш хукуқига эга. Яъни, қонун билан суд қарорларига нисбатан шикоят келтириш ваколатига

эга бўлган шахслар доираси қатъий белгилаб қўйилганки, жиноят ишига алоқаси бўлмаган шахслар суд қарорлари қонунийлиги масаласини муҳокама қилиш ва бу борада шикоят келтириш хукуқига эга эмас.

Худди шундай чекловлар фуқаролик, маъмурӣ, иқтисодий ишлар бўйича ҳам ўрнатилганки, иш бўйича манфаатдор тараф, яъни, судланган, жабрланувчи, даъвогар ёки жавобгар суд қароридан рози бўлган бир вазиятда бошқаларнинг, улар судда тараф бўлиб ўтган шахснинг яқин қариндошлари бўладими ёки танишлари бўладими, ишга аралашмаслигини таъминлаш мақсади назарда тутилган.

Афсуски, айрим фуқароларга қонун талабини қайта-қайта тушунтиранг ҳам ўзининг билганидан қолмай, бошқаларни ишдан қолдириб, Олий суд, Олий Мажлис палаталари, Вазирлар Маҳкамаси ва бошқа нуфузли идораларга шикоят қилишдан тўхташмайди.

Масалан, турмуш ўртоғи О.ни (исм-шарифлар ўзгартирилган) яқин қариндошлари кўз ўнгидаги ўта шафқатсизларча қасдан ўлдирган С. озодликдан маҳрум этиш жазосига судланиб, охирги икки йилда жазо ўтаётган муассаса орқали бирон марта ҳам суд қарорларига нисбатан шикоят ёзмаган бўлса-да, унинг таниши бўлган фуқаро К.га юқорида қайд этилган қонун талаби бир неча маротаба тушунтирилгани, бу ҳақда унга кўплаб ёзма равишда жавоблар берилгани, уни Олий суд раиси ва раис ўринбосарлари ҳам бир неча марта шахсан қабул қилиб, тегишли тушунтиришлар беришганига қарамай, 2019 йилда 18 маротаба, 2020 йилнинг ўзида эса, фақат Олий суднинг ўзига 13 маротаба шикоятлар билан мурожаат қилиб, С.нинг қамоқдан озод этилишини талаб қилмоқда.

Яна бир мисол: фуқаро А. фуқаро И.ни алдаб, фирибгарлик йўли билан унинг қўпмиқдордаги пул маблағини қўлга киритиб, талон-торож қилган.

Иш судда кўрилиб, айбор шахс жиноий жавобгарликка тортилган ва келтирилган зарарни айбордан И.нинг фойдасига ундириш белгиланиб, суд қарори ижрога қаратилган.

Бир қараганда, оддий ва содда ечим. Бирорқ, фуқаро И. жиноят оқибатида етказилган

моддий зарарни айбордан ундириш масаласида Мажбурий ижро бюросининг тегишли ҳудудий бўлимига мурожаат қилиш ўрнига турли вожлар билан судга мурожаат қилишдан тўхтамаётгани ажабланарли, холос.

Унинг вожларини текшириш мақсадида жиноят иши Олий суднинг жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатида, ҳатто Олий суднинг Раёсатида қайта-қайта кўрилгани, келтирилган вожларини текшириш учун жиноят иши бир неча маротаба янгидан апелляция тартибида кўриш учун юборилгани, бирорқ, унинг вожлари ўзининг тасдигини топмаётгани ҳам фуқаро И.ни шикоят ёзишдан тўхтатмаяпти.

Бу ҳолатда фуқаро И.ни инсонийлик юзасидан тушуниш мумкин, чунки у алданган ва фирибгарлар томонидан талон-торож қилинган мулкини қайтариб ололмаган. Бирорқ, фуқаро И. Олий суд раиси ва раис ўринбосари томонидан 8 марта қабул қилинган ва унга қонун талаблари, хусусан, зарарни ундириш масаласида Мажбурий ижро бюросига, унга нисбатан фирибгарлик жиноятини фуқаро А. билан бирга фуқаро М. ҳам содир этгани ҳолати юзасидан эса хукуқни муҳофаза қилувчи идораларга мурожаат қилиши лозимлиги тушунтирилган.

Кўриниб турганидек, фуқаро И.нинг суд хукми ва ажримларидан норози бўлишига ҳеч қандай қонуний асос мавжуд эмас. Етказилган зарарни ундириш масаласи эса Мажбурий ижро бюроси ваколатига киради.

Хулоса ўрнида айтадиган бўлсак, карра жадвали каби ошкора кўриниб турган, ҳал бўлган муаммо бўйича қайта-қайта шикоят қилишдан фойда йўқлиги, аксинча, бу каби шикоятчиларнинг асоссиз равишда шикоятлар ёзиши суд қарорлари устидан келиб тушаётган шикоятлар сонининг сунъий равишда ошишига сабаб бўлаётгани кундек равшан. Бундан ташқари, шикоятбозлик қилиш давлат идоралари масъуллари, судьяларни сарсон қилиб, уларнинг вактини ўғирлайди. Шу боис, жамиятда хукуқий онг ва хукуқий маданиятни юксалтиришга алоҳида эътибор қаратиш зарур.

И. МУСЛИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Олий суди раисининг ўринбосари

КОРПОРАТИВ НИЗОЛАРНИНГ АЙРИМ ТУРЛАРИГА ДОИР ИШЛАРНИ КҮРИШ

Мамлакатимизда иқтисодиёт соҳасида бозор механизмларини кенг жорий этиш, қулай ишбилиармонлик муҳитини шакллантириш, тадбиркорликини ривожлантириш борасида муҳим ишлар амалга оширилмоқда. Ҳусусан, тадбиркорлик билан шуғуланишини истаган ҳар бир шахсга ўз бизнесини ортиқча овора-гарчиликсиз юридик шахс тузиш орқали юритишнинг соддалаштирилган механизмлари яратилмоқда. Тадбиркорлик субъектларининг сони кўпайиб бориши билан улар ўртасида, шунингдек тадбиркорлик субъектларини бошқариш соҳасида уларнинг иштирокчилари ўртасида низолар келиб чиқиши ҳам табиий жараёндир.

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процесуал кодексининг 25-моддасига кўра, ушбу Кодекснинг 30-моддасида кўрсатилган корпоратив низолар бўйича ишлар иқтисодий судга тааллуқлидир, бундан меҳнатга оид низолар мустасно.

Иқтисодий судлар томонидан 2020 йилда корпоратив низолар юзасидан 415 та иш кўрилган. Мазкур низоларнинг аксарияти иштирокчиларни жамият иштирокчилари сафидан чиқариш, юридик шахс бошқарув органлари қарорлари устидан шикоятлар, дивиденд ундириш, хўжалик жамиятлари устав фондида (устав капиталида) улушнинг тегишилиги, юридик шахс томонидан тузилган битимларни ҳақиқий эмас деб топиш ва уларнинг ҳақиқий эмаслиги оқибатларини кўллаш, юридик шахс иштирокчиларининг умумий йиғилишини чакириш билан боғлиkdir.

Иқтисодий судлар томонидан корпоратив низолар бўйича ишлар Иқтисодий процесуал кодексда назарда тутилган даъво ишини юритишнинг умумий қоидалари бўйича, тегишли бобда белгиланган ҳусусиятлар инобатга олинган ҳолда кўриб чиқилади.

Судлар мазкур тоифадаги низоларни асосан Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси (ФК), «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги, «Масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида»ги қонунлари асосида ҳал этмоқда.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленумининг 2014 йил 20 июндаги «Иқтисодий судлар томонидан корпоратив низоларни ҳал этишнинг айrim масалалари тўғрисида»ги 262-сонли қарорида берилган тушунтиришлар ҳам мазкур тоифадаги ишларни кўришда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Шу билан бирга бундай тоифадаги ишларнинг судга тааллуқлилиги, айrim даъво талаблари бўйича даъво муддатларини қўллаш ва бошқа масалалар бўйича турли фикрлар ҳам мавжуд.

Ҳусусан, «Масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни 41-моддасининг биринчи қисмига кўра, жамият иштирокчилари умумий йиғилишининг ушбу Қонун ва бошқа қонун ҳужжатлари, жамиятнинг устави талаблари бузилган ҳолда қабул қилинган ҳамда жамият иштирокчиларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини бузадиган қарори овоз беришда иштирок этмаган ёки баҳсли қарорга қарши овоз берган жамият иштирокчисининг аризасига кўра суд томонидан ҳақиқий эмас деб топилиши мумкин. Бундай ариза жамият иштирокчиси қабул қилинган қарор тўғрисида билган ёки билиши лозим бўлган кундан эътиборан икки ой ичида берилиши мумкин. Агар жамият иштирокчisi шикоятга сабаб бўлган қарорни қабул қилган жамият иштирокчиларининг умумий йиғилишида иштирок этган бўлса, мазкур ариза шун-

дай қарор қабул қилинган кундан эътиборан икки ой ичида берилиши мумкин.

Юқорида қайд этилган Пленум қарори 20.2-бандининг иккинчи хатбошисида ушбу Конуннинг 41-моддасида белгиланган икки ойлик муддат махсус даъво муддати хисобланниши ва у суд томонидан фақат низодаги тарафнинг суднинг ҳал қилув қарори қабул қилингунга қадар берган аризасига мувофиқ кўлланиши, ушбу муддатнинг ўтказиб юборилганлиги сабаблари даъвогарнинг илтимосномасига асосан суд томонидан узрли деб топилиб, ФК 159-моддасига мувофик тикланиши мумкинлиги ҳақида тушунтириш берилган.

Умумий қоидага кўра, даъво муддати шахс ўзининг ҳукуки бузилганлигини билган ёки билиши лозим бўлган кундан ўта бошлайди. Бу қоидадан истиснолар ФК ва бошқа қонун хужжатлари билан белгиланади (ФК 154-моддасининг биринчи қисми).

Амалиётда «Масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида»ги Конуннинг 41-моддасида кўрсатилган даъво муддатини қўллаш, аниқроғи, ушбу муддатнинг бошланиш санасини аниқлаш бўйича турли фикрлар мавжуд. Хусусан, қўпчилик ҳолларда даъвогарлар, яъни умумий йиғилишда иштирок этмаган МЧЖ иштирокчилари бошқа иштирокчилар томонидан қабул қилинган қарор ҳақида билмаганликларини, ушбу қарор ҳақида анча вақт ўтганидан кейин билгандикларини важ қилиб келтирадилар.

Айрим ҳолларда судлар иштирокчининг МЧЖ иштирокчиларининг умумий йиғилиши қарорини ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисида ги талаб билдирилиб, ушбу йиғилишдан хабардор бўлмаганлиги учун ўтказиб юборилган икки ойлик даъво муддатини тиклаш ҳақидаги илтимосномасини муҳокама қилишда, «Масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида»ги Конуннинг 31-моддасида жамият иштирокчиларининг навбатдаги умумий йиғилиши жамиятнинг уставида белгиланган муддатларда, лекин йилига камида бир марта ўтказилиши белгиланганлиги, иштирокчи тараф Конуннинг 8-моддасида белгиланган ҳуқуқлардан фойдаланган ҳолда ўтказилган умумий йиғилиш ҳақида хабардор

бўлиш ҳуқуқига эга эканлигидан келиб чиқиб, муддат узрсиз сабаб билан ўтказиб юборилганлиги ҳақида хulosага келадилар. Айрим судьялар ўтказиб юборилган муддатни тиклаш ҳақидаги илтимосномани муҳокама қилишда иштирокчи умумий йиғилишда иштирок этиш ҳуқуқига эга эканлиги, йиғилишда иштирок этиш унинг мажбурияти хисобланмаслигидан келиб чиқиб, муҳокама қилиш лозим деб хисоблайдилар. Фикримизча, бундай илтимосномани ҳақиқий эмас деб топиш сўралаётган умумий йиғилиш қарори қандай тартибда қабул қилинганлиги, яъни, ушбу йиғилиш ҳақида иштирокчилар қонунда белгиланган тартибда хабардор қилинганлигидан келиб чиқиб муҳокама қилиш лозим бўлади.

Бундан ташқари, амалиётда йиғилиш қарорини имзолаган шахслар (аксарият ҳолларда йиғилиш раиси ва котиби)нинг имзолари қалбакилаштирилганлиги ҳақидаги асос билан қарорни ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисида талаб билдирилган ишлар ҳам мавжуд. Фикримизча, бундай талаб билдирилган иш бўйича ўтказиб юборилган муддатни тиклаш ҳақидаги илтимосномани муҳокама қилишда даъво муддатнинг бошланиш пайтини даъвогарнинг умумий йиғилиш қароридаги имзо қалбакилаштирилганлигини билган ёки билиши лозим бўлган пайтдан бошлаб хисоблаш мақсадга мувофиқ бўлади.

Шу ўринда умумий йиғилиш қарорида кўрсатилган шахсларнинг имзолари қалбакилаштирилганлиги сабабли бундай йиғилиш қарорни мавжуд эмас деб хисоблаб, ушбу қарорни ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги талабни қаноатлантириш рад этилиши лозимлиги тўғрисида ҳам фикрлар мавжудлигини айтиб ўтиш лозим. Фикримизча, бундай хulosса ҳам нотўғри хисобланмайди. Бироқ, бундай ҳолда даъвогарнинг бузилган ҳуқуқини тиклаш бироз мураккаброқ кечади. Чунки, рўйхатга оловчи орган томонидан МЧЖ таъсис ҳужжатларига ўзгартириш киритиш учун иштирокчилар умумий йиғилиши қарори талаб этилади. Яъни, даъвогар суд қарори сиз қалбакилаштирилган умумий йиғилиш қарори асосида МЧЖ таъсис ҳужжатларига киритилган ўзгартиришларнинг нотўғри

рўйхатга олинганилиги ишботлаши жуда қийин бўлади.

Бизнингча, ушбу масаланинг ечими сифатида «Масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида»ги Конунга МЧЖ иштирокчиларининг хуқуqlари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини бузадиган қарорлар ўз-ўзидан ҳақиқий эмаслиги ва улар бирор бир хуқуқий оқибат келтириб чиқармаслиги тўғрисида норма киритилиши лозим. Конунга бундай норманинг киритилиши бошқа муаммоларни ҳам ечишда ёрдам бериши мумкин. Юзага келиши мумкин бўлган бундай муаммолардан бирини иқтисодий судда кўрилган низо мисолида таҳлил этишга ҳаракат қиласиз.

МЧЖнинг учта таъсисчиларидан бири, жамият устав капиталининг 60 фоизидан ортиғига эга фуқаро 2019 йил 23 январда вафот этган. Конун бўйича меросга бўлган хуқуқ ҳақидаги гувоҳнома 2019 йил 25 сентябрда марҳумнинг турмуш ўртоғи (хотини)га берилган.

Марҳум таъсисчининг турмуш ўртоғи мазкур гувоҳномани олгач, МЧЖга хат билан мурожаат қилиб, ўзини МЧЖнинг таъсисчилари сафига киритиш учун таъсисчилар мажлисини ўтказишини ва янги иштирокчини таъсисчилар сафига киритиб, таъсис хужжатларини тегишли органлардан қайта рўйхатдан ўтказиши чораларини кўришни сўраган.

Таъсисчиларнинг 2019 йил 20 ноябрдаги умумий йиғилишида мерос эгаси сифатида марҳум таъсисчининг турмуш ўртоғини МЧЖ таъсисчилари сафига киритишни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилинган.

Шу боис, меросхўр иқтисодий судга даъво аризаси билан мурожаат қилиб, МЧЖ собиқ (марҳум) таъсисчининг ўрнига қонун бўйича меросга бўлган хуқуқ ҳақидаги гувоҳномага асосан ўзини МЧЖ таъсисчилари сафига киритишни сўраган.

Суднинг ҳал қилув қарори билан даъво аризасини қаноатлантириш рад этилган. Апелляция инстанцияси судининг 2020 йил 12 майдаги қарори билан ҳал қилув қарори ўзгаришсиз қолдирилган.

МЧЖ иштирокчиларининг 2020 йил 23 майдаги умумий йиғилишида 10 000 сўм улушга эга бўлган таъсисчини иштирок-

чилар сафидан чиқариб, унинг жамият устав жамғармасидаги улушкини жамиятда қолган иштирокчи фойдасига воз кечиши, марҳум таъсисчининг вафоти муносабати билан уни иштирокчилар сафидан чиқариш, унинг устав жамғармасидаги 10 000 000 сўм улушкининг номинал қийматини меросхўр ҳисобига ўтказиш орқали тўлаб бериш, жамиятнинг устав жамғармасини 5 010 000 сўмга камайтириш ҳақида қарор қабул қилинган.

2020 йил август ойида даъвогар (меросхўр) МЧЖ ва қолган иккита иштирокчига нисбатан судга мурожаат қилиб, МЧЖ таъсисчилари йиғилишининг 2019 йил 20 ноябрдаги ва 2020 йил 23 майдаги қарорларини ҳақиқий эмас деб топишни сўраган.

Ишни судда кўриш жараёнида жавобгар томонидан даъвогар билдирган талааб бўйича қонунда белгиланган икки ойлик даъво муддати ўтказиб юборилганлиги учун даъвони қаноатлантиришни рад этиш сўралган.

Қайд этиш лозимки, ҳақиқатан ҳам даъвогар МЧЖ иштирокчиларининг 2019 йил 20 ноябрдаги қарорини ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги талабни икки ойлик муддатдан сўнг яна саккиз ойдан ортиқ муддатга, 2020 йил 23 майдаги қарорини ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги талабни икки ойлик муддат ўтганидан сўнг бир ой муддатга ўтказиб юборган. Суд томонидан 2019 йил 20 ноябрдаги қарорни ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги талабни бўйича эса даъво муддатининг ўтказиб юборилиши узрли деб топилган ва ушбу қарор даъвогарнинг хуқуқ ва манфаатларини бузган ҳолда қабул қилинганлиги сабабли ҳақиқий эмас деб топилган.

«Масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида»ги Конун 20-моддасининг ўн тўртинчи қисмида жамиятнинг устав фондидаги (устав капиталидаги) улушлар жисмоний шахсларнинг меросхўрларига ва жамиятнинг иштирокчилари бўлган юридик шахсларнинг хуқуқий ворисларига ўтиши белгилаб қўйилган.

Шунингдек, «Масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида»ги Қонун 20-моддасининг ўн олтинчи қисмида жамиятнинг уставида ушбу модданинг ўн тўртингчи ва ўн бешинчи қисмларида белгиланган улушнинг (улушнинг бир қисмининг) ўтиши ва тақсимланишига фақат жамиятнинг қолган иштирокчилари розилиги билан йўл кўйилиши назарда тутилиши мумкинлиги белгиланган.

Суд томонидан МЧЖ иштирокчиларининг 2019 йил 20 ноябрдаги қарорини мухокама қилиш жараёнида ушбу қарор «Масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида»ги Қонуннинг юқорида қайд этилган нормалари инобатга олинмасдан қабул килингандиги, яъни, МЧЖ уставида жисмоний шахсларнинг меросхўрларига ўтиши учун қолган иштирокчиларнинг розилигини олиш назарда тутилмаган бўлса-да, вафот этган иштирокчининг меросхўрини МЧЖга улушдор сифатида қабул қилиш рад этилгандиги аниқланди. Бироқ, умумий йиғилиш қарорини ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги талаб бўйича қонунда белгиланган муддат узрсиз сабаб билан ўтказиб юборилгандиги боис суд даъвонинг ушбу қисмини қаноатлантиришни рад этиш ҳакида қарор қабул қилган. Фикримизча, мазкур ҳолатда, меросхўр қонун бўйича МЧЖнинг улушдори ҳисобланади. Шунинг учун «Масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида»ги Қонунга МЧЖ иштирокчиларининг ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларни бузадиган қарорлар ўз-ўзидан ҳақиқий эмаслиги ва улар бирор-бир ҳуқукий оқибат келтириб чиқармаслиги тўғрисида норма киритилиши амалиётда келиб чиқиши мумкин бўлган юқорида қайд этилган муаммоли ҳолатларни ҳам бартараф этишга хизмат қилиши мумкин. Қолаверса, шунга ўхшаш норма айрим хорижий давлатларнинг қонунларида ҳам мавжуд. Бунда Россия Федерацияси «Масъулияти чекланган жамият тўғрисида»ги Федерал Қонунининг 32-моддасини мисол қилиб келтириш мумкин. Ушбу нормага кўра, иштирокчиларнинг ҳуқуқларини чекловчи нафақат МЧЖ бошқарув органларининг қарори, балки

жамият уставининг қоидалари ҳам ўз-ўзидан ҳақиқий эмас ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди Пленумининг 2014 йил 20 июндаги «Иқтисодий судлар томонидан корпоратив низоларни ҳал этишнинг айрим масалалари тўғрисида»ги 262-сонли қарорининг 9-бандида ҳўжалик жамияти ва ширкати зиммасига унинг бошқарув органлари ваколатига кирадиган мажбурият (масалан, устав фондини (устав капиталини) кўпайтириш ёки камайтириш)ни юклаш ҳақидаги даъво талаби, ушбу мажбурият қонун ҳужжатлари билан жамият ёки ширкат бошқарув органининг ваколатига киритилгандиги сабабли, рад этилиши лозимлиги ҳақида тушунтириш берилган. Юқорида қайд этилган иқтисодий низо судда кўрилгунига қадар меросхўр иқтисодий судга даъво аризаси билан мурожаат қилиб, МЧЖ собиқ (мархум) таъсисчисининг ўрнига қонун бўйича меросга бўлган ҳуқуқ ҳақидаги гувоҳномага асосан ўзини МЧЖ таъсисчилари сафига киритишни сўраган. Худди шунингдек, бошқа бир ҳолатда МЧЖ таъсисчилари умумий йиғилиш қарорига асосан жамият устав капиталига қўшимча улушлар киритганидан кейин, МЧЖ ўз уставига киритилган қўшимча улушлар доирасида ўзгартириш киритмаган. Натижада қўшимча улуш киритган иштирокчи судга мурожаат қилиб, МЧЖ зиммасига жамият уставига ўзгартириш киритиш мажбуриятини юклашни сўраган. Ҳар иккала ҳолатда ҳам суд томонидан қайд этилган масалалар жамият иштирокчиларининг умумий йиғилиши ваколатига кириши сабабли даъвони қаноатлантириш рад этилган. Судлар томонидан Пленумнинг амалдаги тушунтиришига риоя этилган ҳолда қарор қабул қилинган бўлса-да, фикримизча, даъвогарларнинг ўз ҳуқуқларини бошқача усулда ҳимоя қилишлари жуда қийин кечади. Шунинг учун қайд этилган Пленум қарорининг 9-бандида берилган тушунтиришни мутахассислар иштирокида қайта кўриб чиқиш мақсадга мувофиқдир.

Б. САЙФУЛЛАЕВ,
Ўзбекистон Республикаси
Олий суди судьяси

МИЛЛИЙ САЙЛОВ ҚОНУНЧИЛИГИ РИВОЖИНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ

Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясига мувофиқ мамлакат ижтимоий хаётининг турли соҳаларида адолатли, инсонпарвар ислоҳотлар изчил амалга оширилмоқда. Энг аввало, ушбу ислоҳотларнинг ҳуқуқий заминини пухта ишлаб чиқишга ҳамда уни давлат ва жамият ҳаётида татбиқ этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Зеро, пойдевори пишиқ бўлган иморат асрлар оша бўй чўзиб турганидек, пухта ҳуқуқий заминга эга ислоҳотлар ҳам юз йиллаб жамият ҳаётида, инсонлар ҳаётида ижобий ўзгаришларга, фаровонлик ва тараққиётга хизмат қиласди.

Хусусан, мамлакатимиз миллий сайлов тизими ва унинг ҳуқуқий асосларини янада такомиллаштириш, сайлов қонунчилигига халқимизнинг миллий қадриятларимизга ва умуминсоний принципларга мос бўлган хоҳиш-иродасини янада кенгроқ сингдириш, ўтган сайловларда халқаро кузатувчилар томонидан берилган мақбул тавсияларни миллий қонунчилик ва амалиётга татбиқ этиш каби долзарб масалалар соҳа мутасаддиларининг доимий дикқат марказидадир. Зеро, демократиянинг муҳим ва зарур шартларидан бири сайлов жараёнини халқаро сайлов стандартларига тўла жавоб берадиган миллий сайлов қонунчилигига мувофиқ очик-ошкора, шаффоф, адолатли ташкил этиш ва ўтказиш ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига мувофиқ жамият ва давлат ишларини бошқаришда мамлакатимиз фуқаролари бевосита ҳамда ўз вакиллари орқали иштирок

этиш ҳуқуқига эгадирлар. Бундай иштирок этиш ўзини ўзи бошқариш, референдумлар ўтказиш ва давлат органларини демократик тарзда ташкил этиш орқали таъминланади. Давлат органларини демократик тарзда ташкил этишнинг муҳим шартларидан бири қонунийлик, тенглик, адолатлилик, ошкоралик, даврийлик принциплари асосида ўтказиладиган сайловлар ҳамда ушбу сайловларда иштирок этадиган сайловчиларнинг ўз хоҳиш-иродасини эркин ифода этиш ҳуқуқидир.

2021 йил 8 февралда қабул қилинган «Сайлов қонунчилиги такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонун фуқароларимиз сайлов ҳуқуқларининг кафолатини янада мустаҳкамлаш, шунингдек миллий сайлов қонунчилигини халқаро сайлов стандартларига янада яқинлаштириш, илгор хорижий давлатлар сайлов амалиётига уйғулаштириш, ўтган сайловларда кузатилган айрим камчиликларни бартараф этиш, мамлакатимизнинг сиёсий нуфузини янада юксалтириш ҳамда халқаро рейтинг ва индекслардаги ўрнини янада яхшилашга қаратилганлиги билан аҳамиятлидир.

Ушбу Қонунга мувофиқ, Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, «Референдум яқунлари ҳамда давлат ҳокимияти ташкил этилишининг асосий принциплари тўғрисида»ги Конституциявий Қонун, «Сиёсий партияларни молиялаштириш тўғрисида»ги Қонун ҳамда Сайлов кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди.

Маълумки, Конституциямизнинг 117-моддасига мувофиқ, Президент сайлови, Олий Мажлис Қонунчилик палатасига ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорги Кенгеси ва маҳаллий вакиллик органларига сайловлар тегишинча уларнинг конституциявий ваколат муддати тугайдиган йилда – декабрь ойи учинчι ўн кунлигининг биринчи якшанбасида ўтказилар эди. Қонунга киритилган ўзгартиришга мувофиқ мамлакатимизда сайловларни ўтказиш муддати октябрь ойи учинчι ўн кунлигининг биринчи якшанбасига кўчирилмоқда. Бунинг бир қатор сабаблари бор.

Биринчидан, узоқ йиллардан буён сайловларни йилнинг бошқа мавсумига, илиқ кунларга ўтказиш масаласи муҳокамалар марказида бўлган. Қолаверса, Марказий сайлов комиссияси томонидан 2020 йил февраль ойида Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳрининг марказларида сайловларга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишга масъул бўлган давлат ва нодавлат ташкилотлари, сиёсий партиялар, фуқаролик жамияти институтлари, сайлов комиссиялари ҳамда оммавий ахборот воситалари иштирокида ўтказилган давра суҳбатларининг иштирокчилари томонидан ушбу масалада билдирилган энг кўп таклиф сайловлар муддатини айнан октябрь ойига ўтказиш ҳакида таклиф бўлди. Шунингдек, комиссияга оммавий ахборот воситалари орқали, хусусан ижтимоий тармоқлар ва ижтимоий сўровлар орқали фуқароларимиз томонидан билдирилган таклифларнинг етмиш фоизидан ортиғида ҳам айнан ушбу таклиф қўллаб-қувватланди. Демак, сайловларни декабрь ойидан октябрь ойига кўчиришнинг ташаббускори биринчи навбатда Ўзбекистон фуқаролари, сайловчиларимиз десак, айни ҳақиқат бўлади.

Иккинчидан, қонун лойиҳаси Парламент палаталари томонидан кўриб чиқилиши

жараёнида 20 га яқин хорижий давлатларнинг қонунчилиги ва бу борадаги тажрибаси ўрганилди. Таҳлиллар шуни кўрсатди, асосан иқлими иссиқ бўлган жанубий ярим шар давлатлари, масалан, Гана, Миср, Нигерия, ЖАР, Жазоир, Венесуэла, Доминика, Сан Маринода сайловлар декабрь ойида ўтказилар экан, АҚШ, Швейцария, Испания, Уругвай, Чили, Босния, Россия, Беларусь, Иордания, Молдова каби давлатларда эса сайловлар сентябрь-ноябрь ойларида бўлиб ўтади. Бундан кўриш мумкинки, сайловларни ўтказиш муддатининг куз фаслига (октябрь ойига) кўчирилиши хорижий давлатлар тажрибасида ўзини ҳар жиҳатдан оқлаган ва синовдан ўтган ижобий тажриба хисобланади.

Учинчидан, маълумки, парламент ва маҳаллий Кенгашлар сайловидан кейин мамлакатимизда Олий Мажлис Сенатига сайловлар ўтказилади, ижро ҳокимияти, яъни, Вазирлар Маҳкамаси янгидан шакллантирилади, ҳудудларда ҳокимлар номзоди ҳалқ депутатлари Кенгашларининг сессияларида муҳокама қилиниб, янгидан тасдиқланади. Мамлакат Президентининг Олий Мажлисга ҳамда Ўзбекистон ҳалқига Мурожаатномаси тақдим этилади. Ҳалқимиз янги йил байрамлари оғушида бўлади. Демак, сайловлардан кейин олий ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларини ўз вақтида шакллантириш, тўлақонли шаклда ишларини режалаштириши ва муҳим сиёсий-ҳуқуқий қарорларни қабул қилиш учун тегишли замин яратилиди. Шунингдек, ноқулай об-ҳаво шароитларида фуқароларнинг сайловлардаги иштироки камайиб кетиши каби салбий ҳолатларнинг олди олинади. Шу тариқа сайловчилар ва кузатувчилар учун қулай шароит вужудга келади.

Тўртинчидан, барчамизга маълумки, сайлов жараёни машаққатли меҳнатни талаб этади. Декабрь ойида ҳавонинг совуқ бў-

лиши ушбу вазифаларни бажаришга масъул бўлган шахсларнинг фаолиятида мураккаблик туғдиради. Сайловларнинг анча мўтадил бўлган куз ойларида ўтказилиши эса барча фуқаролар, сайлов ташкилотчилари ва иштирокчилари ҳамда маҳаллий ва хорижий кузатувчилар учун қулайлик туғдиради.

Сайлов кодексига киритилаётган ўзгаришга мувофиқ ҳалқ депутатлари туман (шаҳар) Кенгашларига сайлов ўтказувчи округ сайлов комиссиялари институти тугатилиб, уларнинг ваколатлари туман (шаҳар) сайлов комиссиялари зиммасига юкланмоқда. Ўтган сайловлардаги таҳлиллар шуни кўрсатдик, ҳалқ депутатлари туман (шаҳар) Кенгашларига сайлов ўтказувчи ҳар бир округ сайлов комиссияси қўпи билан учта (айрим ҳолларда битта) сайлов участкаси доирасида фаолият юритиб, бир неча йиллардан бери самарасиз фаолият юритиб келган. Натижада, тегишли туман (шаҳар) ва округ сайлов комиссиялари бир-бирининг вазифаларини тақорорлашига тўғри келган. Шунингдек, бу сайлов тузилмаси учун Давлат бюджетидан қўшимча харажатлар қилинган. Ушбу институттинг тугатилиши натижасида 54 мингдан зиёд аъзодан иборат 5 минг 750 га яқин округ сайлов комиссиясини ташкил этишга ҳожат қолмайди, уларни жойлаштириш учун ажратилган шунча бинога эҳтиёж туғилмайди, инсон ресурслари тежалади, сайлов кампаниясини ташкил этишга жалб этилган инсонлар орасида оворагарчиликка чек қўйилади ҳамда 33 миллиард сўмдан ортиқ давлат бюджети маблағлари тежалади.

Яна бир муҳим ўзгариш хорижда истиқомат қилаётган Ўзбекистон фуқароларини улар дипломатик ваколатхоналарнинг консуллик ҳисобида туриш-турмаслигидан қатъи назар, ўша жойда ташкил этил-

ган сайлов участкаларидағи сайловчилар рўйхатига киритиш тартиби, шунингдек, сайлов участкасидан ташқарида, чет давлатларда гавжум ҳолда яшаётган ёки ишлатётган фуқароларимиз турган жойларда овоз беришни кўчма сайлов қутилари орқали сайёр ўтказишнинг ҳуқуқий асоси яратилмоқда. Мазкур амалиёт Марказий сайлов комиссиясининг Қарорига асосан 2019 йилда ўтказилган Парламент сайловларида илк бор тажрибадан ўтказилди. Хусусан, Россия, Жанубий Корея ва Қозоғистонда бўлиб турган 90 мингдан ортиқ Ўзбекистон фуқаролари шу тариқа овоз берди. Бу тажриба амалиётда ўзининг ижобий натижасини кўрсатганлиги сабабли ушбу тартиб Сайлов кодексига киритилди.

Округ ва участка сайлов комиссияларининг номзодлар ва сайловчилар учрашувларини ташкил этишга кўмаклашиш, сайловчиларни учрашув ташкил этиладиган жой ва вақт ҳақида огоҳлантиришга оид вазифаси бекор қилинди. Чунки, Сайлов кодексига мувофиқ номзод кўрсатиш ваколатига фақат сиёсий партиялар эга. Сайловчилар билан учрашувлар, ташвиқот тадбирларини ўтказиш орқали ўз дастурларини таништириш ҳамда номзодлари учун кўпроқ сайловчиларнинг овоздарига эришишдан сиёсий партиялар ва уларнинг номзодлари манфаатдор. Бу жараёнга сайлов комиссияларининг алоқаси йўқ, лекин шундай бўлса-да, амалда сайлов комиссиялари зиммасига ўзларига хос бўлмаган вазифа юклатилиб келинган. Эндиликда сайлов қонунчилигидаги ушбу камчилик ҳам бартараф этилди.

Конундаги янгиликлардан яна бири сиёсий партияларнинг сайловда иштирок этиши ва молиявий таъминланиши юзасидан шаффофликни таъминлашга қаратилган. Унга қўра, сиёсий партияларнинг сайловда иштирок этишини молиялаштириш учун ажратилган давлат маб-

лағлари юзасидан сайлов кунига қадар оралиқ ҳисоботини ва сайлов натижалари эълон қилинганидан кейин якуний ҳисбботини Марказий сайлов комиссиясига тақдим этиши ҳамда Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси томонидан сиёсий партияларнинг молиявий фаолиятини текшириш натижалари оммавий ахборот воситаларида эълон қилинишибелгиланди.

Сайлов кодекси янги 27¹-модда билан тўлдирилди. Унга кўра, чет давлатларда бўлиб турган фуқаролар Ўзбекистон Республикасининг чет давлатлардаги дипломатик ва бошқа ваколатхоналари хузурида тузилган участка сайлов комиссиясига ёзма шаклда ёхуд Ўзбекистон Республикаси Ташки ишлар вазирлигининг расмий веб-сайти орқали электрон шаклда ўзларини сайловчилар рўйхатига киритиш тўғрисида сайловга ўн беш кун қолгунга қадар мурожаат қилиши мумкинлиги белгиланди. Илгари бундай амалиёт бўлмаган. Чет давлатларда бўлиб турган фуқаролар Ўзбекистон Республикасининг чет давлатлардаги дипломатик ва бошқа ваколатхоналарида консуллик ҳисобида турган бўлсагина, сайлов участкасига шахсан келиб, у жоюда тузилган сайлов участкалари сайловчилари рўйхатига киритилган. 2019 йилда Марказий сайлов комиссиясининг қарорига асосан бу амалиёт ҳам тажриба тариқасида синовдан ўтди. Хорижда истиқомат қилаётган фуқароларимизнинг эътирофига сазовор бўлди. Шу боис, ушбу норма Сайлов кодексида мустаҳкамланди.

Сайловолди ташвиқоти даврида давлат ресурсларидан фойдаланиш тақиқланмоқда. Масалан, давлат хизматчиларига, агар улар ишончли вакил бўлмаса, шунингдек, ҳарбий хизматчиларга, диний ташкилотлар хизматчиларига, судьялар-

га сайловолди ташвиқотини олиб бориш тақиқланди.

Камоқда сақлаш ва озодликдан маҳрум этиш жойларида, ҳарбий қисмларда ташкил этилган сайлов участкаларини кузатувчилар ўз ташрифи ҳақида камида 3 кун олдин хабардор қилиши тартиби белгиланди.

«Сиёсий партияларни молиялаштириш тўғрисида»ги Қонун Сайлов кодекси билан мувофиқлаштирилиб, парламент ва маҳаллий вакиллик органларига сайловлар билан тенг равишда Президент сайловини ҳам давлат томонидан молиялаштириш тартиби белгиланди.

Сайлов натижаларини эълон қилиш муддатлари асосиз чўзилишининг олдини олиш мақсадида сайлов комиссиялари қарорлари устидан шикоят қилиш муддати 10 кундан 5 кунга қисқартирилди.

Сайлов қонунчилигини демократлаштиришга қаратилган ушбу янгиликлар миллий сайлов қонунчилигимизни умумэътироф этилган халқаро сайлов стандартларига янада мувофиқлаштиради, сайлов жараёнлари очиқ ва ошкора ўтишини таъминлашга хизмат қиласи, фуқароларнинг сайловлардаги иштироки камайиб кетиши каби салбий ҳолатларнинг олди олинади ҳамда кузатувчилар ва сайловчилар учун қулай шароит яратилади, сайловлардан кейин давлат ҳокимияти органларини ўз муддатида шакллантириш ва муҳим сиёсий қарорларни қабул қилиш учун етарлича имконият бўлади, қолаверса Ўзбекистоннинг жаҳон мамлакатлари демократия индексидаги ўрни яхшиланиши таъминланади.

Х. МАМАТОВ
Ўзбекистон Республикаси
Марказий сайлов комиссияси
котиби, юридик фанлар доктори,
профессор

АХБОРОТ-КОММУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ОЧИҚЛИК ВА ШАФФОФЛИКНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ МУҲИМ ВОСИТАСИ

Мамлакатимизда судлар фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини изчил жорий этишнинг асосий вазифаларидан бири судлар фаолиятининг очиқлиги, шаффоффлиги ва тезкорлигини таъминлашдан иборат. Бу, ўз навбатида, судларда иш юритиш сифатини ва аҳолининг одил судловга эришиш даражасини оширишда муҳим омил бўлади.

Судлар фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш ва улардан самарали фойдаланишга қаратилган бир қатор норматив-хукукий хужжатлар қабул қилинган.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 30 августдаги «Судлар фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори билан 2017-2020 йилларда судлар фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш Дастури тасдиқланган.

Мазкур Қарор билан судлар фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини янада кенг жорий этишнинг асосий вазифалари этиб белгиланган:

биринчидан – судлар фаолиятининг очиқлиги, шаффоффлиги ва тезкорлигини таъминлаш, судлов ишларини юргизиш сифати ва аҳолининг одил судловдан хабардорлик даражасини ошириш, суд ходимлари томонидан сансалорлик, бюрократизм ва суистеъмолчилик фактларига барҳам бериш;

иккинчидан – судларда ишларнинг ўз вақтида кўрилишини назорат қилишнинг самарали тизимини яратиш, судлов ишларини юргизишдаги муаммолар ва камчиликларни аниқлаш ҳамда уларни ҳал этиш чораларини кўриш мақсадида судлар ишларини автоматлаштириш ва уларнинг фаолияти тўғрисидаги ахборотларни тизимлаштириш;

учинчидан – одил судловни амалга ошириш ҳамда судлар қарорларининг ижросини таъминлашда судларнинг суриштирув, дастлабки тергов ва мажбурий ижро органлари билан самарали ҳамкорлигини таъминлаш;

тўртинчидан – судларда иш юритиш самарадорлиги оширилишини, судлар фаолияти тўғрисидаги ахборот очиқлигини, шунингдек, аҳолига ва тадбиркорлик субъектларига кўрсатиладиган интерактив хизматлар рўйхати кенгайтирилиши ҳамда сифати яхшиланишини таъминлайдиган ахборот тизимлари ва ресурсларини токомиллаштириш;

бешинчидан – судьялар ва судлар ходимларининг ишда замонавий компьютер техникаси ва ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланишда уларнинг компьютер саводхонлиги, амалий қўнікмалари даражасини ошириш;

олтинчидан – судлар тизимида ахборот хавфсизлигини ва электрон хужжатларнинг хавфсиз айланишини таъминлаш.

Мазкур вазифалар ижросини таъминлаш

мақсадида Олий суд томонидан бир қатор ишлар амалга оширилди.

2018 йилнинг 1 январидан бошлаб, судлар фаолиятига жорий этилган ягона марказлаштирилган электрон маълумотлар базаси судларда ишларнинг ўз вақтида кўрилишини мониторинг қилишнинг самарали тизимини яратишда, судлов ишларини юритишдаги муаммолар ва камчиликларни аниқлашда ҳамда уларни ҳал этиш чораларини кўришда, шунингдек судлар ишларини автоматлаштиришда ва уларнинг фаолияти тўғрисидаги ахборотларни тизимлаштиришда муҳим омил бўлиб хизмат қилди.

Шунингдек, судлар фаолиятига жорий этилган марказлаштирилган электрон маълумотлар базаси орқали судларнинг қуидаги асосий соҳалари ҳам тўлиқ автоматлаштирилди:

2018 йил октябрдан бошлаб, биринчи инстанция судларида ишларни судьялар ўртасида инсон омилисиз, адолатлилик ва холислик тамойиллари асосида автоматик тарзда teng тақсимлаш имкониятини беरувчи дастурий таъминот фаолиятга тўлиқ жорий этилди.

Жиноят ишлари бўйича судларда 75 506 та, фуқаролик ишлари бўйича судларда 363 034 та, маъмурий судларда 979 300 та ва иқтисодий судларда 444 236 та, жами 1 862 076 та иш судьялар ўртасида автоматик тарзда тақсимланган;

2018 йил апрелдан бошлаб, Олий суд ва Мажбурий ижро бюросининг ахборот тизимларини ўзаро интеграция қилиш орқали судлар томонидан чиқарилган ижро хужжатларини мажбурий ижро бюороларига судьяларнинг электрон рақамли имзоси билан тасдиқланган ҳолда электрон шаклда юбориш ҳамда уларнинг ижросига доир маълумотларни онлайн тарзда олиш амалиёти жорий этилди.

Мисол учун, бугунга қадар жами 1 442 820 та ижро хужжатлари ахборот тизими орқали электрон шаклда юборилган;

2019 йил январь ойидан ишга доир хуж-

жатларни фақат электрон шаклда сақлаш ва ишларнинг электрон архивини яратиш мақсадида иқтисодий судларда ишларни электрон кўринишда шакллантириш амалиёти йўлга қўйилди.

2020 йил 1 июндан судларда электрон шакллантирилган ишларни алоҳида электрон архивини яратиш мақсадида электрон шаклда кўрилган ишларнинг ахборот тизимида электрон архиви яратилди.

2014 йил сентябрдан бошлаб судларда видеоконференцалоқа тизимида фойдаланган ҳолда суд мажлисларини ўтказиши тартиби жорий этилди.

Мазкур тизимнинг афзалликлари қуидагилардан иборат:

- суд мажлисида иштирок этувчи шахслар ўз ҳудудини тарқ этмаган ҳолда суд мажлисларида иштирок этиш;
- фуқароларнинг суд мажлисида иштирок этишлари учун сарфланадиган вақти ва маблағини тежаш;
- тарафларнинг суд мажлисидаги иштирокини тўлиқ таъминлаш.

Бугунги кунда 207 та суд мажлиси зали мазкур тизим билан тўлиқ таъминланниб, 24 875 та суд мажлислари ушбу режимда ўтказилган, натижада 57 999 нафар иштирокчиларнинг 17,7 млрд. сўм маблағи тежаб қолинган;

2019 йилнинг 1 февралидан бошлаб, маъмурий органлар томонидан маъмурий хукуқбузарлик тўғрисидаги ишлар юзасидан тўпланган хужжатларга доир маълумотларни судларга юбориш ва ишни кўриб чиқиш билан боғлиқ ахборотларни олиш фақат интеграция қилинган ахборот тизими орқали электрон шаклда амалга ошириш тартиби жорий этилди ва 639 та маъмурий иш ҳақидаги маълумотлар айнан шу тизим орқали келиб тушган;

2020 йилнинг 1 февралидан бошлаб, тергов органлари томонидан жиноят ишлар юзасидан тўпланган хужжатларга доир маълумотларни судларга юбориш ва ишни кўриб чиқиш билан боғлиқ ахборотларни олиш фақат интеграция қилинган ахборот

тизими орқали электрон шаклда амалга ошириш йўлга қўйилди. 26 748 та жиноят иши ҳақидаги маълумотлар айнан шу тизим орқали келиб тушган.

Қайд этилган Қарорда белгиланган энг муҳим вазифалардан яна бири судларда иш юритиш самарадорлиги оширилишини, судлар фаолияти тўғрисидаги ахборот очиқлигини, шунингдек, аҳолига ва тадбиркорлик субъектларига кўрсатиладиган интерактив хизматлар рўйхати кенгайтирилиши ҳамда сифати яхшиланишини таъминлайдиган ахборот тизимлари ва ресурсларини такомиллаштиришдан иборат.

Ушбу йўналишда ҳам Олий суд томонидан муайян ишлар амалга оширилган.

Хусусан, судлар томонидан жисмоний ва юридик шахсларга кўрсатиладиган интерактив хизмат турларидан бир манзил асосида фойдаланиш, аҳолини судлар томонидан кўрсатиладиган интерактив хизмат турлари билан ягона манзил асосида хабардор қилиб бориш, судлар томонидан жисмоний ва юридик шахсларга кўрсатиладиган интерактив хизмат турларидан фойдаланиш тартибини содлаштириш мақсадларида Олий суднинг Интерактив хизматлар портали (my.sud.uz) жорий этилди.

Портал орқали аҳолига ва тадбиркорлик субъектларига қўйидаги интерактив хизматлар кўрсатилади:

2018 йил январь ойида «Мурожаат» (exsud.sud.uz) рукни асосида судларга мурожаатларни электрон шаклда юбориш, уларни кўриб чиқиш жараёнини онлайн кузатиб бориш ва суд қарорларини электрон шаклда олиш имконияти яратилди;

2019 йил апрель ойида «Электрон тўлов тизими» (billing.sud.uz) рукни орқали қўйидаги қулайликларни яратиш мақсадида давлат божлари ва судга мурожаат қилишдаги йиғимлар суммаси ҳисобини юритиш учун ягона электрон тўлов тизими жорий этилди;

- судга мурожаат қилганлик учун тўловларни амалга оширишда банк ҳисоб рақамлари ва бошқа реквизитлар кўлда тўлдирилмайди;

- амалга оширилган тўловлар учун банклар томонидан тўлов амалга оширилганлиги ҳақида алоҳида тасдиқ талаб этилмайди;

- тўловлар исталган усулда (жумладан «CLICK», «Payme» ва «Upay» электрон мобил тўлов тизимлари орқали) амалга оширилиши мумкин;

- суд қарорига асосан ундирилиши белгиланган тўловлар ҳам мазкур тизим орқали амалга оширилади ва буни тасдиқловчи маълумотни судга тақдим этиш шарт бўлмайди.

Мазкур тизим фуқаролар ҳамда тадбиркорларга судга мурожаат қилишда амалга оширилиши лозим бўлган тўловларни тезкорлиги ва аниқлигини таъминлашга хизмат қиласди.

2018 йил декабрь ойида «Қарорлар тўплами» (public.sud.uz) рукни орқали конуний кучга кирган суд қарорларини тизимили равища эълон қилиш амалиёти жорий қилинди.

2018 йил январь ойида «Намуналар» (template.sud.uz) рукнига фуқаролик ишлари бўйича ва иқтисодий судларга мурожаат қилиш учун даъво ариза ва аризалар намуналари жойлаштирилган.

2018 йил январь ойида «Калькулятор» (calculate.sud.uz) рукнига фуқаролик ишлари бўйича ва иқтисодий судларга мурожаат учун тўланиши лозим бўлган давлат божини автоматик равища ҳисоблайдиган электрон калькулятор жойлаштирилган.

2018 йил сентябрь ойида «Мажлислар жадвали» (jadval.sud.uz) рукни орқали биринчи, апелляция ва кассация инстанцияларида суд мажлисига тайинланган ишлар рўйхати билан онлайн равища танишиш имконияти яратилди.

2020 йилнинг февраль ойида «Электрон қабул» (qabul.sud.uz) рукни орқали масофадан туриб Олий суд раҳбариятининг шахсий қабулига онлайн тарзда рўйхатдан ўтиш тизими жорий этилди.

2020 йил июнь ойида «Онлайн кузатув» (my.sud.uz/# monitoring) книга муро-

жаатларни судларга тақдим этиш шаклидан қатъий назар уларни кўриб чиқиш жараёнини онлайн тарзда кузатиб бориш имконини берувчи ахборот тизими синов тариқасида жойлаштирилган.

Суд ҳокимияти органлари фаолиятини рақамлаштириш, судлар ва бошқа идоралар ўртасида маълумот алмашинувини яхшилашга қаратилган чора-тадбирларни белгилаш, мазкур соҳани кейинги босқичга кўтариш мақсадида Президентимиз томонидан 2020 йил 3 сентябрда «Суд ҳокимияти органлари фаолиятини рақамлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» ПҚ-4818-сонли Қарор қабул қилинди.

Ушбу Қарор билан қуидагилар суд ҳокимияти органлари фаолиятини рақамлаштишининг кейинги босқичдаги вазифалари этиб белгиланди:

фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларига кўрсатиладиган интерактив электрон хизматлар турларини кенгайтириш, ҳар бир мурожаатни кўриб чиқиш жараёнининг онлайн кузатиб борилишини таъминлаш, суд биноларида интерактив хизматлардан эркин фойдаланиш имкониятини яратиш;

судларда одил судловни амалга ошириш учун зарур бўлган маълумотларнинг тезкорлик билан олинишини таъминлаш учун вазирликлар, идоралар ва бошқа ташкилотлар билан электрон маълумотлар алмашинувини янада кенгайтириш;

махсус ахборот дастурларини жорий этиш орқали судьялар ҳамжамияти органлари фаолиятининг очиқлиги ва шаффоғлигини таъминлаш;

суд мажлисларида масофадан туриб, жумладан мобил қурилмалар ва электрон ҳамкорликнинг бошқа шакллари орқали иштирок этиш имкониятини кенгайтириш, шунингдек иш бўйича тарафлар учун суд қарорларини онлайн тарзда олиш имкониятини яратиш;

суднинг ахборот тизимлари, маълумотлар базалари ва бошқа дастурий маҳсулотлари ахборот ва киберхавфсизлигини таъминлаш, хизмат ахборотлари ва маълу-

мотларини комплекс ҳимоя қилиш бўйича чораларни кучайтириш.

Қайд этилган вазифаларни амалга ошириш мақсадида мазкур Қарор билан қуидагиларни назарда тутувчи 2020-2023 йилларда суд ҳокимияти органлари фаолиятини рақамлаштириш дастури тасдиқланди:

2021 йил 1 январдан бошлаб барча судларда суд мажлисларини иш бўйича тарафларнинг илтимосномаси ва раислик қилувчининг розилиги билан аудиоёзувдан фойдаланган ҳолда қайд этиб бориш ҳамда суд мажлислари баённомаларини ушбу тизимдан фойдаланган ҳолда шакллантириш;

2021 йил 1 июлдан бошлаб апелляция ва кассация инстанцияси судларида ишларни судьялар ўртасида автоматик равишда тақсимлаш;

2021 йил 1 октябрдан бошлаб барча иштирокчиларни суд мажлисларининг вақти ва жойи ҳақида «SMS» хабар орқали бепул хабардор қилиш;

2022 йил 1 январдан бошлаб суд қарорларини иш бўйича тарафларга онлайн тарзда, уларнинг илтимосномаси бўйича эса қоғоз шаклида тақдим этиш;

2022 йил 1 июлга қадар суд ҳокимияти органлари фаолиятида, шу жумладан фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларига одил судловга эришишда қулайлик яратиш мақсадида 10 га яқин интерактив хизматлар кўрсатишни йўлга қўйиш.

Шунингдек, қарор билан қуидагиларни назарда тутувчи Судларнинг ахборот тизимларини давлат органлари ва ташкилотларининг ахборот тизимлари билан интеграция қилиш бўйича «Йўл ҳаритаси» тасдиқланди:

28 та давлат органлари ва ташкилотлари, шу жумладан Ўзбекистон Республикаси Президентининг Виртуал қабулхонаси, Бош вазирининг Тадбиркорлар мурожаатларини кўриб чиқиш қабулхоналари ахборот тизимларини Олий суднинг ахборот тизимиға босқичма-босқич улаш;

судлар томонидан давлат органлари ва

ташкилотларига тақдим этиладиган маълумотларни электрон шаклда юбориш;

муайян ишни кўриш жараёнида зарур бўлган маълумотлар ва хужжатларни фуқароларни овора қилмаган ҳолда судлар томонидан бевосита давлат органлари ва ташкилотларидан электрон шаклда олиш;

судлар томонидан жарималарни камайтириш ёки уларни қўлламаслик масалаларини кўриб чиқишида «Ижтимоий ҳимоя ягона реестри» ва бошқа ахборот тизимларининг интеграцияси орқали фуқаронинг мулкий ҳолати ва ижтимоий аҳволи ҳақида ги ишончли маълумотлар билан танишиш;

судлар томонидан алимент миқдорини белгилашда туманлар кесимида ўртacha ойлик иш ҳақлари тўғрисида маълумотларни ахборот тизими орқали электрон шаклда олиш.

Булардан ташқари, қарорда 2022 йил 1 январдан бошлаб судлар фаолиятига қуидаги имкониятларни берувчи «Адолат» ахборот тизимлари комплексини жорий этиш белгиланди:

давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, хўжалик бошқаруви органлари, адвокатлар томонидан судларга даъво, ариза ва шикоятларни фақат электрон шаклда тақдим этиш;

манфаатдор шахслар томонидан даъво, ариза ва шикоятларни кўриб чиқиш жараёнини онлайн тарзда кузатиб бориши;

суд мажлиси иштирокчилари томонидан маълумотлар ва хужжатларни электрон шаклда юбориш;

суд хужжатларини судлар фаолиятига жорий этилган ахборот тизимидан фойдаланган ҳолда автоматлаштирилган равища шакллантириш.

Судлар фаолиятини рақамлаштиришнинг кейинги босқичидаги муҳим вазифаларидан суд мажлислида видеоконференцалоқа режимида иштирок этиш имконини берувчи мобил дастурни ишлаб чиқиш ва уни амалиётга жорий этиш, шунингдек видеоконференцалоқа

режими орқали жазони ижро этиш муассасаларида жойлашган шахсларни бевосита улар жойлашган жойдан туриб суд мажлислида, шунингдек суд раҳбариятининг шахсий қабулларида иштирокини таъминлаш тизимини яратишидир.

Президентимиз томонидан судлар фаолиятини рақамлаштириш соҳасини кейинги босқичга кўтариш юзасидан белгилаб берилган вазифалари ижросини таъминлаш мақсадида Олий суд томонидан қуидаги ишлар амалга оширилди:

2020 йил октябрь ойида «Видеоконференцалоқа» (vka.sud.uz) рукни орқали замонавий воситалар (гаджетлар)дан фойдаланган ҳолда дунёнинг исталган нуқтасидан туриб суд мажлислида иштирок этиш имконини берувчи мобил видеоконференцалоқа синов тариқасида жорий этилди.

2020 йилнинг октябрь ойидан бошлаб, судлар ва Жазони ижро этиш муассасалари ўртасида видеоконференцалоқа тизими ўрнатилди.

Мазкур тизимнинг жорий этилиши судланувчи ва маҳкумлар ҳамда иштирок этувчи бошқа шахсларнинг суд мажлислида иштирокини таъминлаш мақсадида ташкил этиладиган этап масаласига чек қўйилди.

2021 йил январь ойидан бошлаб, барча судларда суд мажлислини иш бўйича тарафларнинг илтимосномаси ва раислик қилувчининг розилиги билан аудиоёзувдан фойдаланган ҳолда қайд этиб бориш ҳамда суд мажлислари баённомаларини ушбу тизимдан фойдаланган ҳолда шакллантириш тизими жорий этилди.

2021 йилнинг январь ойи ҳолатига 17 та давлат органлари ва ташкилотлари ахборот тизимларини Олий суднинг ахборот тизими билан интеграция қилиш орқали муайян ишни кўриш жараёнида зарур бўлган маълумотлар ва хужжатларни фуқароларни овора қилмаган ҳолда судлар томонидан бевосита давлат органлари ва ташкилотларидан электрон шаклда олиш тартиби жорий этилди.

Президентимиз 2020 йил 29 декабрдаги Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига ва халқимизга қилган Мурожаатномасида шундай таъкидлайди: «Суд тизимида рақамлаштириш янада кенгайтирилиб, фуқароларимизга суд биносига келиб юрмасдан, «онлайн» тартибда мурожаат қилиш имконияти яратилади. Шунингдек, фуқаролар ўз аризаларини кўриб чиқиш жараёнини масофадан туриб кузатиб бориши мумкин бўлади».

Мазкур йўналишда Олий суд томонидан муайян ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, судларга электрон шаклда мурожаат қилиш тизими барча суд йўналишларини ўзида қамраб олган ҳолда тубдан қайта кўриб чиқилмоқда. Шунингдек, фуқаролар ўз аризаларини кўриб чиқиш жараёнини масофадан туриб кузатиб бориши тизими бугунги кунда иқтисодий судлар фаолиятига синов тариқасида жорий этилиб, қолган суд йўналишлари бўйича ишлар давом эттирилмоқда.

Давлатимиз раҳбари белгилаб берган ушбу вазифалар бевосита фуқароларимиз ва тадбиркорларимизга янада қулайликлар яратишга, яъни судларга мурожатларни юбориш ва уларни кўриб чиқиш жараёнини масофадан туриб амалга ошириш амалиётини жорий этиш орқали судларнинг очиқлиги ва шаффоғлигини янада таъминлашга қаратилган.

Хулоса қилиб айтганда, судлар фаолиятини рақамлаштиришдан кўзланган асосий мақсадлар:

фуқаролар ва тадбиркорлар ўз низоларини суд биносига бирон марта ҳам ташриф буюрмасдан туриб ҳал этиш имкониятини яратиш;

судларга мурожаат қилишнинг амалдаги қоғоз шаклидаги тартибининг муқобил шакли яъни электрон шаклини жорий этиш орқали мурожаатларни судларга тақдим этиш жараёнини қулайлаштириш;

судларга мурожаат қилишда амалга

оширилиши лозим бўлган тўловларни тезкорлиги ва аниқлигини таъминлаш орқали фуқароларга бу йўналишда қулайлик яратиш;

судлар фаолиятининг очиқлиги ва шаффоғлигини таъминлаш;

судларда иш юритишнинг амалдаги тартибининг қоғоз шаклидан тўлиқ воз кечиш орқали иш юритиш тартибини содлаштириш, шунингдек иш самарадорлигини ошириш;

судларда иш юритиш тартибидаги мавжуд бўлган инсон омилларини максимал даражада қисқартириш орқали соҳада адолат ва холисликни таъминлаш;

судларда ишларни кўриш жараёнида амалдаги процесдуал тартиб ва муддатларнинг бузилиш ҳолатларини инсон омилисиз мониторинг қилиб бориш орқали ишларни ўз вақтида мазмунан кўриб чиқилишини таъминлаш;

судлар фаолиятига доир статистик маълумотларни инсон омилисиз алоҳида ҳудуд ва марказлашган ҳолда автоматик равишда шакллантириш;

суднинг ахборот тизимини бошқа вазирлик ва идораларнинг ахборот тизимлари билан интеграция қилиш орқали муайян ишни кўриш жараёнида зарур бўлган маълумотлар ва ҳужжатларни фуқароларни овора қилмаган ҳолда судлар томонидан бевосита давлат органлари ва ташкилотларидан электрон шаклда олиш;

суд қарорларининг ижроси билан боғлиқ барча жараёнларни тўлиқ электрон шаклга ўтказиш орқали уларнинг ижросини муддатида амалга оширилишини таъминлаш;

ишларнинг электрон архивини шакллантириш орқали уларни сақлаш ва давлат архивига топшириш харажатларини кескин қисқартиришдан иборат.

Б. ОЧИЛОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Олий суди бошқарма бошлиғи

СУД АППАРАТИ ХОДИМЛАРИНИНГ КАСБИЙ ЭТИКАСИГА ҚҮЙИЛАДИГАН ТАЛАБЛАР

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида фуқароларнинг хукуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини кенгайтириш, уларнинг одил судловга эришиш даражасини, суд иш юритувининг самарадорлиги ва сифатини ошириш, номзодларни танлаш ва судьялик лавозимиш тайинлаш тизимини янада такомиллаштириш суд-хукуқ соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотларнинг энг муҳим йўналишлари сифатида мустаҳкамланди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 6 январдаги «Судьялик лавозимларига номзодларни тайёрлаш, судьялар ва судлар аппарати ходимларини қайта тайёрлаш, уларнинг малакасини ошириш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори мамлакатимизда судлар аппарати ходимларининг билим ва қўникмаларини ошириш тизимини тубдан янгилашда муҳим қадам бўлди. Қарорга асосан юртимизда илк бор судлар аппарати ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш учун масъул бўлган давлат таълим ва илмий-тадқиқот муассасаси – Судьялар олий мактаби ташкил этилди.

Мазкур Қарор билан судьялик лавозимларига номзодларни тайёрлаш, судьялар ва судлар аппарати ходимларини қайта тайёрлаш, уларнинг малакасини оширишнинг янги тизими жорий этилди ҳамда мазкур тизимининг асосий вазифаларидан бири сифатида судлар аппарати ходимларига қонунчиликдаги янгиликларнинг

мазмун-моҳиятини етказиш, уларнинг касбий, жумладан, хукуқ нормаларини шарҳлаш ҳамда қўллаш масалалари га доир қўнишка ва қобилиятларини такомиллаштириш белгиланди. Бугунги кунда мамлакатимизда суд тизимида фаолият олиб бораётган мингдан ортиқ судлар аппарати ходимларининг касбий этикаси, унга қўйиладиган талаблар ҳамда уларнинг бу борадаги билим ва қўникмаларини ошириб бориш аҳолининг суд хокимияти органларига бўлган ишончини оширишга хизмат қиласи. Ҳар бир суд аппарати ходими доимий равишда касбий этикасига, ўрнатилган одоб-ахлоқ қоидаларига қатъий риоя этиши талаб этилади.

Касбий этика ўзи нима? Унга қўйиладиган талаблар нималардан иборат?

«Этика» сўзи юнонча «этос» сўзидан келиб чиқкан бўлиб, «жойлашган жой», «биргаликда яшайдиган макон» маъносини билдиради. Этика одоб-ахлоқ ҳақидаги фандир. Одоб-ахлоқ ижтимоий онг шакли бўлиб, унда жамиятда яшаётган кишиларнинг гоялари, тасаввурлари, тамоиллари ҳамда юриш-туриш қоидалари ўз аксини топади.

Касбий этика ҳар бир касб-хунарга хос ахлоқий норма, принцип ва сифатларни ўрганади ва ҳаётга татбиқ этади. Ахлоқ нормалари ахлоқий муносабатларнинг таркибий қисми ва ахлоқий онг шаклларида мавжуд бўлади. Суд аппарати ходимларининг касбий этикаси, ахлоқ нормаларига қўйидагилар киради: хушмуомалалик ва одоблилик, оддийлик ва камтарлик, ҳалоллик ва ростгўйлик, событқадамлик, очик қўнгиллик, сахийлик

ва муруватлилик, ўзаро хурмат, дўстона муносабат, самимилик, катталарни хурмат қилиш ва бошқалар. Хушмуомалик – кўнгилдаги ардоқли фикрларни, энг ноёб ҳис-туйғуларни, энг эзгу ниятларни одамлар билан баҳам кўриш, осойишталик, вазминлик, хотиржамлик билан иш тутишдир. Одоблилик яхши тарбия кўрганликнинг намоён бўлиши, хатти-ҳаракатларда, сўзлашувда меъёри, чегарани, мувофиқлилик ва номувониқликни билишдир. Ҳалоллик ҳар бир инсонинг ўз кучи билан меҳнат қилиши, шунинг эвазига топган мол-мулки, обрўси, жамиятда тутган ўрни, хулқининг тўғрилиги, сўзида қатъийлик ва садоқатининг мажмуасидир. Давлатимиз раҳбари 2020 йил 24 январда Олий Мажлисга йўллаган Мурожаатномасида коррупцияга қарши курашишда аҳолининг барча қатламлари, энг яхши мутахассислар жалб қилинмас экан, жамиятимизнинг барча аъзолари, таъбир жоиз бўлса, «ҳалоллик вакцинаси» билан эмланмас экан, ўз олдимизга қўйган юксак мэрсаларга эриша олмаймиз, биз коррупциянинг оқибатлари билан курашишдан унинг барвақт олдини олишга ўтишимиз керак, деб таъкидлаган эди. Демак, ҳалоллик ҳар бир суд аппарати ходимининг энг яхши хислатларидан бири бўлиши лозимдир. Ростгўйлик ҳалолликнинг бир кўриниши бўлиб, ҳақиқатни гапириш, ўзининг ҳам, ўзгаларнинг ҳам қадр-қимматини тўғри баҳолаш, яхшини яхши, ёмонни ёмон деб очиқласига айтишдир. Покизалик тозалик ва софлик деганидир.

Суд аппарати ходимларининг касбий одоб-ахлоқи юридик одоб-ахлоқнинг бир қисми бўлиб, у ходимнинг иш жараёнида ва ишдан ташқари вақтлардаги маънавий-ахлоқий, касбий муносабатларига доир масалаларни ўрганиш ва ривожлантириш билан шуғулланади. Суд аппарати ходими ўз фаолиятини одоб-ахлоқталаб-

ларини бажармасдан амалга ошира олмайди, чунки ушбу фаолият асосини жамиятда тарихан шаклланган маънавий ва ҳукуқий талаблар ташкил этади.

Махсус адабиётларда келтирилганидек, касбий этика инсоннинг касбий бурчига ва у орқали ўз касбининг табиати билан боғлиқ жамиятда юриш-туриш қоидаларини белгиловчи ахлоқий меъёрлар йифинди-сидир. Ўзбекистон Республикаси суд тизимида фаолият олиб бораётган ҳар бир суд аппарати ходими давлат хизматчиси бўлиб, у давлат, жамият, фуқаролар олдидаги масъулиятини тушуниши ҳамда ҳалқ ишончини оқлашга интилиши керак. Ҳар бир ходим суд органларига бўлган аҳолининг ишончини мустаҳкамлашга ва бу тизмнинг обрўсини кўтаришга ўз хиссасини кўшиши лозим.

2018 йилнинг 29 январида Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгашининг 490-сонли қарори билан «Ўзбекистон Республикаси судьяларининг одоб-ахлоқ кодекси» қабул қилинди. Мазкур Кодекс фақат судьяларнинг одоб-ахлоқ қоидаларига амал қилишлари каби нормаларни тартибга соладиган идоравий норматив-хужжат ҳисобланади. Мамлакатимизда суд тизимда фаолият олиб бораётган барча суд аппарати ходимлари учун ҳам «Суд аппарати ходимларининг одоб-ахлоқ қоидалари»ни ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқдир. Бу борада Россия Федерацияси тажрибаси мухим аҳамиятга эга бўлиши мумкин.

Россия Федерацияси Судьялар кенгашининг 2006 йил 27 апрелдаги 156-сонли қарори билан «Суд аппарати ходимларининг одоб-ахлоқ қоидалари» тасдиқланган бўлиб, ушбу қоидалар Россия Федерацияси суд тизимидағи барча судлар ходимлари учун мажбурий бўлган идоравий хужжат ҳисобланади.

Мазкур қоидаларда суд аппарати ходимларининг хатти-ҳаракатларига қўйиладиган талаблар одоб-ахлоқ нормалари аниқ ва содда тилда тушунтириб

берилган. Қоидалар давлат хизматчи-ларининг давлат-фуқаролик хизматини ўташ тўғрисидаги хизмат шартномасини тузган пайтдан бошлаб меҳнат қилиш шартларининг ажралмас қисми сифатида баҳоланади.

Ушбу қоидалар суд аппарати ходими-ларига қонун хужжатларида кўрсатилмаган хизматга оид хатти-ҳаракатларда ҳукуқий ва ахлоқий меъёрларга риоя қилиш бўйича мажбуриятлар юклайди.

Мисол учун, суд аппарати ходими одоб-ахлоқ нормаларини бузишга унди-диган ҳар қандай уринишлар тўғрисида дарҳол суд раҳбариyини хабардор қилиши, шунингдек ходимнинг шахсий, оила-вий, ижтимоий ёки бошқа муносабатлардаги ҳолатлар унинг хизмат фаолиятини амалга ошириш билан боғлиқ одоб-ахлоқ қоидаларида белгиланган тартиботларга ҳамда қарорлар қабул қилишига ўзининг салбий таъсирини ўтказмаслиги ҳамда ўз лавозимидан ўзининг ёки бошқа шахсларнинг манфаатлари учун фойдалан-маслиги лозим.

Қоидаларда суд аппарати ходими учун энг асосий устувор вазифа сифатида ўз хизматини, яъни давлат-фуқаролик хизматини вижданан ҳамда масъулият билан бажариш белгиланган. Суд аппарати ходими ўз хизмат вазифаларини бажаришда жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳукуқлари ҳамда эркинликларини ҳимоя қилиши, суд ҳокимияти фаолиятининг мазмуни ва моҳиятидан келиб чиқиши керак. Ҳар қандай ҳолатда ҳам суд аппарати ходими шахсий қадр-қимматни сақлаб қолиши, унинг шаъни суд ҳокимиятининг мавқенини туширишга, суднинг обрўсига путур етказиши мумкин бўлган ҳар қандай ҳолатдан йироқ туриши, хизмат вазифаларини бажаришда холис ва мустақил бўлиши лозим. Суд аппарати ходими ўз шаъни, қадр-қимматини туширадиган ва суд ҳокимияти обрўига путур етказадиган хатти-ҳаракатлар қилмаслиги шарт.

Қоидаларга кўра, суд аппарати ходими ўз хизмат вазифаларини ҳалол ва вижданан, хизмат қоидаларига мувофиқ, ўта масъулият билан ҳамда профессионал даражада бажариши зарур. Суд аппарати ходими ўз ишига садоқати, интизоми, меҳнатсеварлиги билан ажралиб туриши лозим. Суд аппаратининг ҳар бир ходими суднинг ички тартиб-қоидаларига риоя қилиши ва иш вақтидан унумли фойдаланиши керак.

Суд аппарати ходими ишни олиб бораётган судьяга у ёки бу усулда таъсир ўтказмаслиги ёки ўзининг хатти-ҳаракатлари билан тарафлар, адвокатларга ва бошқа суд процесси иштирокчиларида ўзига нисбатан бу борада манфаатдор шахс сифатида таассурот уйғотмаслиги керак.

Фуқаролар, суд процесси иштирокчилари, ҳамкаслар, судьялар ва суд аппаратининг бошқа ходимлари билан мулоқот қилишда суд аппарати ходими уларда ўзига нисбатан юкори даражада ижобий таассурот қолдиришга интилиши лозим.

Хизматдан ташқари ишларда суд аппарати ходими ҳар қандай турдаги фаолият билан шуғулланиш, бошқа ҳақ тўланадиган ишларни бажариш ҳукуқига эга, лекин ушбу ишлар суд процесси иштирокчилари билан манфаатлар тўқнашувига олиб келмаслиги, Россия Федерациясининг «Давлат фуқаролик хизмати тўғрисида»ги Конуни талабларига зид бўлмаслиги лозим.

Демакки, суд аппарати ходимларнинг ўз касбий этикалари ҳамда одоб-ахлоқ нормаларига қатъий риоя қилишлари жуда муҳимдир.

У. САЙДАХМЕДОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Судьялар олий кенгаши хузуридаги
Судьялар олий мактаби «Иқтисодий
хукуқ» кафедраси доценти,

С. АЛЛАБЕРДИЕВ,
Кумкўрғон туманлараро
иқтисодий суди раиси

СУД ҲОКИМИЯТИ ФАОЛИЯТИ УСТИДАН ЖАМОАТЧИЛИК НАЗОРАТИНИ КУЧАЙТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги нутқида жамоатчилик назорати ва уни амалга оширишда фуқаролик жамияти институтларининг ўрни ва аҳамиятига тўхталиб, халқ ҳокимиятининг энг муҳим пойдевори сифатида жамоатчилик назорати институтини кучайтириш бўйича мамлакатимиз Конституциясининг 32-моддасида, шунингдек, «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида»ги, «Ижтимоий шериклик тўғрисида»ги қонунлар ва бошқа хужжатларда муҳрлаб қўйилган талабларнинг ижросини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилишига урғу берган эди¹.

Конституциямизнинг 32-моддасида белгиланган фуқароларнинг жамият ва давлат ишларини бошқаришда бевосита ҳамда ўз вакиллари орқали иштирок этиш хукуки, бундай иштирок этиш ўзини ўзи бошқариш, референдумлар ўтказиш ва давлат органларини демократик тарзда ташкил этиш, шунингдек давлат органларининг фаолияти устидан жамоатчилик назоратини ривожлантириш ва такомиллаштириш йўли билан амалга оширилишига оид норма мамлакатимизда жамоатчилик назоратини амалга оширишнинг устувор хукукий асосидир.

Одил судлов жараёнида жамоатчилик вакилларининг иштироки суд ҳокимияти фаолияти устидан жамоат, яъни халқ назоратининг муҳим шаклларидан бири хисоб-

ланади. Одил судловни амалга оширишга фуқароларнинг – халқ вакилларининг жалб этилиши демократик давлатнинг муҳим белгиси сифатида эътироф этиб келинган. Бундай иштирок суд томонидан адолатли ва ҳаққоний қарорлар қабул қилинишига хам имкон яратади.

Суд ишларини юритишида жамоатчиликнинг иштирок этиши одил судловни амалга оширишнинг таркибий принципларидан бири бўлмиш коллегиаллик, яъни ишларнинг ҳайъатда кўрилиши тамойилларига хам мос келади.

Суд фаолияти устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш бошқа давлат ҳокимияти органлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини амалга оширишга қараганда ўзига хос хусусиятлари билан ажralиб туради. Зоро, суд ҳокимиятининг мустақиллигини таъминлаш, процесс иштирокчиларининг хукуqlарини ҳимоя қилиш, давлат сири, фарзандликка олиш сири, тижорат сири ёки қонун билан қўриқланадиган бошқа сирларни сақлаш зарурати мавжудки, жамоатчилик назоратини амалга ошириш жараёнида ушбу ҳолатлар эътиборга олинади. «Жамоатчилик назорати тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Конунининг 2-моддасида суд ишларини юритиш соҳасида жамоатчилик назоратини амалга ошириш алоҳида қонун хужжатлари билан тартибга солиниши наzarда тутилган. Алоҳида қонун хужжатлари сифатида эса Фуқаролик процессуал,

Иқтисодий процессуал, Жиноят-процессуал ва Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодексларига суд фаолияти устидан жамоатчилик назоратини амалга оширишга қаратилган нормаларни киритиш талаб этилади.

Суд ҳокимияти очиқлигини таъминлашда жамоатчилик иштирокининг тарихига назар ташласак, биринчи марта аҳолини одил судловни амалга оширишга жалб қилиш ғояси XVIII асрда пайдо бўлган. Ўша даврнинг машҳур мутаффакирларидан бўлган Ш.Л.Монтескьенинг фикрича, агар суд ҳокимияти суд идораларига эмас, балки маълум вақт давомида одил судловни амалга ошириш учун таклиф қилинган халқ орасидан танланган шахсларга ишониб топширилса, самарали бўлади. Шундай қилиб, одамлар учун жуда қўрқинчли бўлган суд тизими на таниқли касбга, на таниқли мавқега боғлиқ бўлмай қолади, у кўринмас ва мавжуд эмасдек туюлади².

Албатта, бу фикр ўзига хос фалсафа ва аҳамиятга эга. Бироқ, замонавий шароитда муайян ҳуқуқий ишни қонуний, асосли ва адолатли кўриш ва ҳал этиш учун судьяларга профессионал билим ва амалий қўнималар зарурлиги туфайли юқоридаги ғояни амалга ошириш қийин. Айни пайтда, суд жараёнларида ҳалқ маслаҳатчиларининг иштирок этиши, айрим хорижий давлатлар тажрибасида суд маслаҳатчилари (суд присяжных)³ институти кенг жорий этилганлиги⁴ Ш.Л.Монтескье томонидан билдирилган ғояларнинг қайсиидир жиҳатлари амалда эканлигини кўрсатади.

Одил судловни амалга оширишда жамоатчиликнинг иштироки масалалари ҳозирги кунда кўплаб юридик адабиётларда қатор муаллифлар томонидан ҳам кўриб чиқилган. Хусусан, В.И.Бадашхоннинг ёзишича, одамларнинг одил судловда иштирок этиши суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари фаолиятини назорат қилишда кўрсатиладиган фуқаролик бурчини

фаол бажаришни англатади⁵. И.А.Огневанинг фикрича, фуқаролар иштироки судда иш юритишни тартиба солувчи қонунларни жамоатчилик томонидан муҳокама қилиш ва тушуниш, суд жараёнини амалга оширишда фаол ёрдам бериш, унинг устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш, процесснинг бошқа иштирокчиларига уларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари таъминланishiда ёрдам беришдан иборат⁶.

Одил судловнинг очиқлиги ҳақида гап кетганда, фуқароларнинг ҳеч қандай тўсиқларсиз суд биносига кириш, суд муҳокамаларида бемалол иштирок этиш, иш материаллари билан танишиш эркинлиги каби таркибий қисмларга ҳам эътибор қаратиш лозим.

Юридик адабиётларда қайд этилганидек, суд фаолияти устидан жамоатчилик назоратини амалга оширишнинг яна қуидаги шакллари ҳам мавжуд:

судлар фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини тўлиқ жорий этиш, яъни суд мажлисларини видео-конференсалоқа тизими орқали олиб боришини кучайтириш, ҳар бир вилоят ва унга tenglashтирилган судларнинг веб-сайтларини ташкил этиш, шахсий хаёт дахлсизлигини таъминлаган ҳолда ва суд иштирокчиларининг розилиги билан ёпиқ суд жараённада кўриб чиқилганларидан ташқари барча суд қарорларини судларнинг веб-сайтларида эълон қилиб бориш, чоп этиш тартибини жорий қилиш;

суд ишларини юритиш жараёнидаги процессуал ҳаракатларни видео, аудио қайд этиш, суд-тергов жараёнларини тўлиқ стенограмма қилиш;

суд ишларини сайёр суд мажлисларида кўриб чиқиш амалиётини кенгайтириш;

судда фуқароларнинг ҳуқуқлари ҳамда қонун билан кўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилувчи жамоат ташкилотлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органдарни вакиллари иштирокини кенгайтириш;

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми ҳузуридаги илмий-маслаҳат кенгашининг фаолият юритиши⁷.

Суд ҳокимияти очиқлигини таъминлашда жамоатчилик назорати ва жамоатчилик вакиллари иштирокига оид хорижий давлатлар конунчилик тажрибаси ҳам муҳим. Хусусан, Австрия Конституциясида (91-моддаси) «одамлар одил судловни амалга оширишда қатнашадилар» деган норма мавжуд⁸.

Канада, Франция, Греция, Италия, Янги Зеландия, Россия, Германия, Англия, АҚШ каби давлатларда суд процессида жамоатчилик назоратининг муҳим кўринишларидан бири сифатида суд маслаҳатчилари (суд присяжных) институти кенг жорий этилган.

Францияда жиноят ишлари судда профессионал судьялар ва суд маслаҳатчиларидан иборат ҳайъат таркибида кўрилади⁹. Суд маслаҳатчилари айрим тоифадаги, ху-

сусан, 10 йил озодликдан маҳрум қилиш (жисмоний шахслар учун) ёки 75000 € миқдорида жарима солиш (юридик шахслар учун) тўғрисидаги жиноят ишларининг кўрилишида иштирок этади. Францияда 16-18 ёшли вояга етмаганлар томонидан содир этилган оғир жиноятлар уч нафар маслаҳатчиси иштирокида кўрилади. Англияда суд маслаҳатчилари қотиллик жиноятларини, табиий бўлмаган ёки гумонли ўлим ёки ўлимнинг сабаби аниқланмаган ҳолатларни текширишда иштирок этади.

Айрим Европа давлатларида ишларнинг оғир-енгиллигига қараб иш судда якка судья ёки ҳайъат таркибида кўрилиши амалиёти мавжуд. Хусусан, Австрия, Дания ва Норвегияда оғир жиноят ишлари суд маслаҳатчилари томонидан кўрилади. Ўртacha оғир жиноят ишлари эса судья ва суд маслаҳатчилари иштирокидаги ҳайъат таркибида, унча

АННОТАЦИЯ

Мақолада суд ҳокимияти очиқлигини таъминлашда жамоатчилик назорати ва жамоатчилик вакиллари иштирокини кучайтириш масалалари таҳлил этилган. Шунингдек, миллий амалиёт ва хорижий тажриба асосида судларда жамоатчилик назорати ва жамоатчилик вакиллари иштирокини кучайтириш бўйича хулосалар илгари сурилган.

Калит сўзлар: Суд ҳокимияти, жамоатчилик назорати, хукуқий асослар, судлар фаолиятининг очиқлиги, шаффофлик, халқ маслаҳатчилари, коллегиаллик, такомиллаштириш.

* * *

В статье анализируются вопросы общественного контроля и развития общественного участия в обеспечении прозрачности судебной системы. В нем также делаются выводы о развитии общественного надзора и участия представителей общественности в судах на основе национальной практики и зарубежного опыта.

Ключевые слова: Судебная власть, общественный контроль, правовая база, открытость судов, прозрачность, общественные советники, коллегиальность, совершенствование.

* * *

The article analyzes the issues of public control and development of public participation in ensuring the transparency of the judicial system. It also draws conclusions on the development of public oversight and public participation in courts, based on national practice and foreign experience.

Key words: Judicial power, public control, legal framework, openness of courts, transparency, public advisers, collegiality, improvement.

оғир бўлмаган жиноят ишлари якка судья томонидан кўрилиши белгиланган. Мамлакатимизда бунинг аксини қўриш мумкин. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 13-моддасига киритилган ўзгартиш ва қўшимчаларга мувофиқ, Жиноят кодекси 15-моддасининг иккинчи-тўртинчи қисмларида назарда тутилган жиноятлар тўғрисидаги ишлар судья томонидан якка тартибда кўрилиши белгиланди¹¹. Унга кўра, 2018 йилнинг 1 апрелидан бошлаб оғир жиноятлар биринчи инстанция судида судья томонидан якка тартибда кўрилади. Халқ маслаҳатчилари фақат ўта оғир жиноятлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқишга жалб этилади¹⁰. Яъни, мамлакатимизда жиноят процессида якка судья томонидан кўриладиган ишлар доираси кенгайиб бормоқда. Бу эса ҳозирги давр талабларига, хусусан, суд ҳокимияти очиқлигини таъминлашда жамоатчилик назорати ва жамоатчилик вакиллари иштирокини ривожлантириш анъаналарига мувофиқ эмас.

Европанинг аксарият давлатларида халқ судьяси, суд маслаҳатчилари профессионал судья билан шахснинг айбор ёки айбор эмаслиги, шунингдек судланувчига жазо чорасини белгилаш билан боғлиқ масалани биргаликда ҳал этади. Буюк Британияда фуқаролик ишларининг кўрилишида суд маслаҳатчилари нафақат у ёки бу тарафлар учун фуқаролик-хукукий оқибатни вужудга келтирувчи қарор қабул қилишади, балки зарарни ундириш тўғрисидаги ҳал қилув қарорини ҳам қабул қилиш ваколатига эга. Бошқача айтганда, агар профессионал судья зарарни ундириш лозимлиги хақида тўхтамга келса, суд маслаҳатчилари бу зарар микдорини белгилашлари мумкин¹¹.

Аҳолининг одил судлов жараёнларидаги иштирокининг тури, шакли ва воситалари муайян давлатнинг сиёсий режими, маданияти ва амалдаги сиёсий тизимига боғлиқ

бўлади. Масалан, АҚШда айрим Европа давлатлари тажрибасидан фарқли равища олти йилдан ортиқ озодликдан маҳрум қилиш жазоси қўлланиладиган жиноят ишларининг судларда кўрилишида фуқароларга суд маслаҳатчилари иштирокида ишни қўриш хукуки берилади. Бироқ, маҳсус суд томонидан ҳарбий хизматчилар иштирокида кўриладиган ҳарбий хизматчилар иши билан боғлиқ бўлган ишлар бундан мустасно. Ҳар бир штат судда иштирок этадиган суд маслаҳатчиларининг сонини мустақил белгилайди¹².

Японияда халқ судьялари оғир жиноят ишларининг муҳокамасида судья сифатида иштирок этиш хукуқига эга бўлиб, халқ судьяларининг судлов ҳайъати таркиби олти нафар халқ судьяси ва уч нафар профессионал судъядан иборат бўлади. Айланувчи халқ судьясидан воз кечиш хукуқига эга бўлмайди.

Юридик адабиётлардаги фикрлар ҳамда хорижий давлатлар қонунчилиги таҳлили асосида шуни таъкидлаш керакки, фуқароларнинг одил судловни амалга оширишда иштирок этишининг асосий йўналишларидан бири суд ишларини юритишнинг турли даражаларида халқ маслаҳатчиларининг иштирокини кенгайтиришdir.

Мамлакатимиз қонунчилигига ҳам одил судловни амалга оширишда халқ маслаҳатчиларининг иштирокига доир нормалар мавжуд. Хусусан, «Судлар тўғрисида»ги Қонунда Қорақалпоғистон Республикаси жиноят ишлари бўйича суди, жиноят ишлари бўйича вилоят, Тошкент шаҳар судлари жиноят ишлари бўйича туман (шаҳар) суди, Ҳарбий суд ҳамда ҳудудий ҳарбий судлар таркибида халқ маслаҳатчилари иштирок этиши назарда тутилган.

Мазкур Қонуннинг 62-моддасига кўра, ўттиз ёшдан кичик бўлмаган, фуқароларнинг яшаш ёки иш жойидаги йиғилишларida очиқ овоз бериш йўли билан икки ярим йил муддатга сайланган Ўзбекистон

Республикаси фуқароси халқ маслаҳатчиси бўлиши мумкин. Ҳар бир суд учун халқ маслаҳатчилари сони судъяларнинг тегишли малака ҳайъатлари томонидан белгиланади. Халқ маслаҳатчилари судлардаги вазифаларини бажариш учун йилига кўпи билан икки ҳафтага навбат-ма-навбат чақирилиши, уларнинг иштирокида бошланган суд ишини кўришни тугаллаш зарурати бу муддатни узайтиришни тақозо этган ҳоллар бундан мустасно, шу даврда уларнинг иш жойидаги ўртача иш ҳақи сақланиб қолинади.

Жиноят-процессуал кодекси 13-моддасида иш биринчи инстанция суди томонидан ҳайъатда кўрилганда суд таркибиға судья ва икки нафар халқ маслаҳатчиси кириши, одил судловни амалга оширишда халқ маслаҳатчилари судъянинг барча ҳукуқларидан фойдаланиши, улар суд мажлисида ишни кўриш жараёнида келиб чиқадиган ҳамма масалаларни ҳал қилишда ва ҳукм чиқаришда раислик қилувчи билан тенг ҳукуқка эга эканликлари мустаҳкамлаб қўйилган.

Халқ маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш «Судъяларнинг малака ҳайъатлари тўғрисида»ги низом билан тартибга солинади. Унга кўра, халқ маслаҳатчилигига номзодлар кўрсатиш меҳнат жамоалари, фуқароларнинг яшаш жойидаги сайловчилар томонидан, шунингдек ҳарбий қисмлардаги ҳарбий хизматчиларнинг йиғилишлари томонидан амалга оширилади.

Судъяларнинг малака ҳайъатлари эса, халқ маслаҳатчиларининг сайлови ҳаққоний ва шаффоф ўтишини назорат қилиб боради.

Маълумотларга караганда, жиноят ишлари бўйича судлар ва ҳарбий судлар судъяларининг тегишли малака ҳайъатларида 2014 йилнинг июль ойигача 15 744 нафар халқ маслаҳатчилари фаолият кўрсатиб келган¹³. 2016 йилдаги ҳисоб-кито-

бларга кўра, жиноят ишлари бўйича судларга жами 10 минг нафардан ортиқ халқ маслаҳатчиси сайланган¹⁴.

Халқ маслаҳатчиларининг жиноят ишлари бўйича судлардаги иштироки шахс, жамият ва суд ҳокимияти ўртасида ги ижтимоий алоқаларни мустаҳкамлаши баробарида қонун устуворлиги ва ижтимоий адолатни таъминлашнинг муҳим омили ҳамдир. Шунинг учун суд ҳукм ва қарорлари камдан-кам ҳолатлардагина ўзгараётганида халқ маслаҳатчиларининг салмоқли ҳиссаси борлигини соҳа мутахассислари ҳам алоҳида таъкидлаб келадилар¹⁵.

Мамлакатимизда халқ маслаҳатчилари институтининг ўзига хос жиҳатлари ҳақида мутахассислар томонидан билдирилган фикрларга кўра, халқ маслаҳатчиларининг суддаги иштироки адолатни қарор топтириш, айбдорга қонун доирасида жазо тайинлашга хизмат қиласи. Зоро, халқ маслаҳатчилари иш натижаларидан манфаатдор бўлмаган шахс сифатида судланувчига қандай жазо тайинлаш кўпроқ самара бериши ҳақида фикр билдиради ва бу суд томонидан инобатга олинади. Аҳамиятли жиҳати шундаки, халқ маслаҳатчилари судъяларнинг мустақиллигига мутлақо дахл қилмаган ҳолда фаолият кўрсатади ва бу суд ҳокимияти фаолиятининг очиқ ва ошкоралигини таъминлашнинг муҳим омиларидан бири ҳисобланади¹⁶.

Кўпчилик мутахассислар халқ маслаҳатчиларининг жиноят ишларини кўришдаги иштирокини янада кенгайтириш, халқ маслаҳатчилари институтини такомиллаштириш лозим деган фикрни илгари суради¹⁷.

Профессор М.Мамасиддиқовнинг фикрича, суд процессида суд маслаҳатчилариининг иштирок этиши судъянинг ўз устида ишлашига, ўз билим ва малакасини мунтазам равишда ошириб боришига, ҳар қандай ишни суд муҳокамасига киритишдан аввал

пухта тайёргарлик кўришга замин яратади¹⁸.

Шундай экан, халқ маслаҳатчиларининг судда ишларни қонуний, асосли ва адолатли кўрилишини таъминлашдаги аҳамиятини эътиборга олган ҳолда мамлакатимизда халқ маслаҳатчилари институтининг хуқуқий асосларини такомиллаштириш тақозо этилади.

Жумладан, «Ўзбекистон Республикасининг суд маслаҳатчилари тўғрисида»ги қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш вақти келди. Мазкур лойиҳада халқ маслаҳатчилари фаолиятининг асосий

принциплари, фуқароларнинг одил судловни амалга ошириш жараённида иштирок этиш ҳуқуқи, халқ маслаҳатчилари га нисбатан қўйилган талаблар, уларнинг хуқуқ ва мажбуриятлари, ваколатлари каби муҳим масалалар билан боғлиқ нормалар ўз ифодасини топиши лозим.

Э. САБИРОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Бош прокуратураси Академияси
мустақил изланувчиси

¹Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини мард ва олижаноб халқимиз билан бирга курамиз // Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига киришиш тантанали маросимига бағишлиланган Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги нутқи, 14.12.2016 // <http://uza.uz/oz/politics/erkin-va-farovon-demokratik-zbekiston-davlatini-mard-va-olizh-14-12-2016>

²Монтескье Ш. О духе законов // Электронный ресурс URL: http://www.civisbook.ru/files/File/Monteskye.O_dukhe.pdf

³Юридик адабиётларда присяжний, инглизчада югог - қасамёд килгандар тарзида баён этилади. Қаранг: Миразов Д.М. Англия ва АҚШда судга кадар иш юритви органларининг фаолияти устидан контролъ ва назоратни амалга оширишнинг тажрибаси // Хуқуқий тадқиқотлар журнали www.tadqiqot.uz. 2017. №6. -50 б.

⁴Қаранг: Общественный контроль в судебной системе: проблемы и тенденции // [HTTPS://SIBAC.INFO/CONF/JURISPRUDENCE/IV/88769](https://SIBAC.INFO/CONF/JURISPRUDENCE/IV/88769)

⁵Қаранг: pravo.news/iii-uchastie-institutov-grajdanskogo-94729

⁶Қаранг: pravo.news/iii-uchastie-institutov-grajdanskogo-94729

⁷Мамасиддиқов М.М. Фуқаролик суд ишларини юритишида ошкоралик тамойили ва жамоатчилик назоратини таъминлашнинг долзарб масалалари / Монография. Масъул муҳаррир ю.ф.д., проф. Б.Х.Пўлатов. –Тошкент. «Инновацион ривожланиш нашриёт-матбаа уйи». 2019. – 92 б.

⁸Федеральный конституционный закон Австрии // https://legalns.com/download/books/cons_austria.pdf

⁹Иногомжонова З.Ф. Жиноят процессида суд назорати. Ўқув қўлланма. –Т.: ТДЮИ. 2007. – 25 б.

¹⁰1 апрелдан бошлаб судья оғир жиноятларни якка тартибда кўради <https://www.norma.uz/>

¹¹Мамасиддиқов М.М. Фуқаролик суд ишларини юритишида ошкоралик тамойили ва жамоатчилик назоратини таъминлашнинг долзарб масалалари / Монография. Масъул муҳаррир ю.ф.д., проф. Б.Х.Пўлатов. –Тошкент. «Инновацион ривожланиш нашриёт-матбаа уйи». 2019. – 36 б.

¹²Яровая М.В. Особенности англо-американской и континентальной моделей суда присяжных и проблемы его реставрации в России // Российская юстиция. 2006.- № 1.

¹³Халқ маслаҳатчилари судлар фаолияти очиқлиги ва одиллигини таъминлашга хизмат қиласи https://www.norma.uz/uz/bizning_sharhlar/halq_maslahatchilar_sudlar_faoliyati_ochiqligi_va_odilligini_taminlashga_hizmat_qiladi

¹⁴Ўсаров О. Халқ маслаҳатчилари институти судлар фаолияти очиқлигини таъминлашга хизмат қиласи // http://uzbekistonovozi.uz/articles/index.php?ELEMENT_ID=41057

¹⁵Қаранг: Дўсманов С. Халқ маслаҳатчиси ҳаққоний ишласа, адолат ўрнатилишида муҳим ўрин тулади // <http://www.aza.uz/oz/society/khal-masla-atchisi-a-oniy-ishlasa-adolat-rnatilishida-mu-im--19-04-2019>

¹⁶Қаранг: Ўсаров О. Ўша жойда.

¹⁷Хакимов М. Халқ маслаҳатчилари институти ва одил судлов // <http://old.xs.uz/index.php/homepage/sijosat/item/628-xalq-maslahatchilar>; Рустамов Л.Р. Одил судлов-нинг демократик асослари // Хукуқ магистриларини олиш учун диссертация. –Т.: 2007. – 74 б.

¹⁸Мамасиддиқов М.М. Фуқаролик суд ишларини юритишида ошкоралик тамойили ва жамоатчилик назоратини таъминлашнинг долзарб масалалари / Монография. Масъул муҳаррир ю.ф.д., проф. Б.Х.Пўлатов. –Тошкент. «Инновацион ривожланиш нашриёт-матбаа уйи». 2019. – 37 б.

ЁШЛАРНИ ЭКСТРЕМИСТИК ҒОЯЛАР ТАЪСИРИДАН АСРАШНИНГ АЙРИМ ЖИҲАТЛАРИ

Тинчлик буюк неъмат, инсон ҳаёти-нинг бирламчи шарти ҳисобланади. Чунки, осуда ҳаёт, яратувчанлик ва фаровонлик, умуман, барча эзгу мақсадларнинг рўёби, энг аввало, шу неъматга боғлиқ. Шунинг учун ҳам қадимдан барча халқлар тинчликни асрash учун қаттиқ курашиб келган.

Маълумки, тинчлик ва инсоният хавфсизлигига қарши қаратилган экстремизм, одам савдоси, ноқонуний миграция каби жиноятлар ўзининг мудхиш оқибатлари, давлат ва жамият манфаатларига зарар етказиши билан ажralиб туради.

Дунёда тараққиёт ва хавфсизликка раҳна солаётган хатар ва таҳдидлар, аввало, трансмиллий жиноятлар, экстремизм, терроризм ва ёт ғоялар таъсирининг тобора кучайиб бораётганлиги уларга барҳам бериш бўйича замонавий, самарали тизимни йўлга кўйишни тақозо этмоқда. Айни вақтда халқаро терроризм ва экстремизм хавфининг тобора ортиб бораётгани, дунёning айrim мамлакатларида қуролли тўқнашувлар давом этаётгани, таҳликали вазият сақланиб қолаётгани Ўзбекистоннинг ҳам барқарор ривожланишига таҳдид солмасдан қолмайди, албатта. Буларнинг барчаси таҳдид ва хатарларга муносиб зарба беришга доимо тайёр бўлишни талаб этади. Экстремизм ва терроризмнинг нақадар хавфли эканлиги ва оғир оқибатларга олиб келиши ҳақида Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ш.М.Мирзиёев БМТ Бош Ассамблеяси-

нинг 72-сессиясида шундай таъкидлайди: «Дунёда экстремизм ва терроризм таҳдидлари айниқса, сўнгги йилларда кучайиб бораётгани уларга қарши асосан куч ишлатиш йўли билан курашиш усули ўзини оқламаётганидан далолат беради. Бу борада кўп ҳолларда таҳдидларни келтириб чиқараётган асосий сабаблар билан эмас, балки уларнинг оқибатларига қарши курашиш билангина чекланиб қолинмоқда. Халқаро терроризм ва экстремизмнинг илдизини бошқа омиллар билан бирга, жаҳолат ва муросасизлик ташкил этади»¹.

Террористик ва экстремистик ҳаракатларнинг 2001-2018 йилларда дунё давлатларида содир этилишига оид статистика ушбу жиноятларнинг энг кўп қурбони бўлган ва моддий зарар кўрган давлатлар қаторига Ироқ, Покистон, Афғонистон, Нигерия, Сурия, Россия, Франция, Бельгия, Буюк Британия, АҚШ, Германия мамлакатларини киритиш мумкинлиги экстремистик ва террористик гуруҳларнинг хавфли қилмишлари оқибатида охирги ўн йилда Яқин Шарқ мамлакатларидан мажбурий миграция кучайиб кетди. Ташқаридан бошқарилаётган ҳаракатлар оқибатида одамлар ўз уйларини ташлаб, Европа Иттифоқи мамлакатларига кўчиб кетмоқда. Ўз навбатида айrim муҳожирлар турли диний гуруҳлар ва конфесиялар вакиллари ҳамда туб ахоли ўртасида қарама-қаршилик, низолар юзага келмоқда, ҳатто террористик ҳаракатлар содир этилмоқда².

Таъкидлаш жоизки, мазкур давлатларда содир этилган экстремистик ва террористик ҳаракатлар умумий содир этилган жиноятларнинг аксарият қисмини ташкил қилиши бугунги кунда умумэтироф этилган ҳақиқатdir.

Афсуски, ҳозирда дунёning кўплаб мамлакатлари терроризм ва диний экстремизм балосидан азият чекмоқда. Бугунги кунга қадар содир этилган террорчилик хуружлари оқибатида қанчадан-қанча бегуноҳ инсонлар ҳайётдан эрта кўз юмди. Диний экстремизм ва терроризм бутун дунё ҳамжамиятини ларзага solaётган энг даҳшатли ва чегара билмас жиноятdir. Дунёда экстремизм, терроризм, одам савдоси соҳасидаги жиноятлар кўрсаткичи жадал суръатларда ошиб бормоқда. Маълумотларга қараганда, сўнгги йилларда содир этилган 1787 экстремистик ва террорчилик ҳаракатлари оқибатида 13759 нафар инсон вафот этган, 16683 нафари жароҳатланган³.

Мазкур жиноятларни содир этаётган ёки жиноятни содир этишга ундаётган шахслар ислом динида йўқ амал ва таълимотларни рўйкач қилиб, инсонларни йўлдан адаштирмоқда.

Экстремизм ва терроризм, одам савдоси, ноқонуний миграция каби жиноятлар кўлами, унинг халқaro хусусият касб этиб бораётгани ва янги тури, шакли ҳамда содир этиш усулларининг пайдо бўлаётганини унга қарши курашишнинг халқaro тизимини янада ривожлантириш ва халқaro ҳамкорликни кенгайтириш, уларнинг аниқ тизимли фаолиятини шакллантириш заруратини келтирмоқда⁴.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев 2017 йил 15 июнь куни Тошкент шаҳрида «Ижтимоий

барқарорликни таъминлаш, муқаддас динимизнинг соғлигини асрash – давр талаби» мавзусида ўтказилган анжумандаги нутқида қуйидагиларни алоҳида қайд этади: «Кейинги йилларда халқимиз ўртасида кенг тарқалган «Ўз уйингни ўзинг асра!» деган даъватга бугун «Ўз болангни ўзинг асра!» деб қўшимча киритиш вақти келди, деб ўйлайман. Адашган ёшларни тарбиялашимиз, керак бўлса, жазони ўташ жойларига ҳам бориб, улар билан гаплашишимиз лозим. Чин дилдан тавба қилиб, ота-онаси, оиласи бағрига, тўғри йўлга қайтишини ният қилиб одамларга амалий ёрдам беришга мен давлат раҳбари сифатида доим тайёрман».

Ёшлар ва вояга етмаганлар жиноятчилиги ўтмишда ҳам, ҳозирда ҳам долзарб муаммолардан бири бўлиб келган. Келажакда ҳам шундай бўлиб қолади, чунки ёшлар ва вояга етмаганлар миллатнинг, халқнинг, давлатнинг келажагини белгилаб берувчи кучdir. Ёшлар ва вояга етмаганлар жиноятчилигининг яна бир жиҳати шундаки, у барвақт профилактиканинг асосий объектларидан бири ҳисобланади⁵.

Дарҳақиқат, бугунги кунда юртимиизда инсон манфаатлари, унинг фаровон турмуш кечириши йўлида улкан ислоҳотлар амалга ошириб келинмоқда. Айниқса, ёшларга катта эътибор қаратилиб, уларнинг ўз олдиларига қўйган мақсадларига эришишлари ва баркамол инсон бўлиб этишлари учун кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда.

Улар орасидан айрим хатога йўл қўйиб, жиноий жавобгарликка тортилганларга ҳам ўз ҳайётларини изга тушириб олишлари учун имкон берилмоқда. Аммо, уларни тўғри йўлдан адаштирган, онгини заҳарлаб, жамиятга, давлатга қилиб, қўй-

ган ёвуз кимсалар ёки гурухлар томонидан ишлаб чиқилған ғаразли режалар асосида яна қанча ёшлар түғри йўлдан адашади?

Ҳозирги кунда турли қўриниш ва шакллардаги маънавий таҳдидлар, асосан, ёшларга қаратилмоқда. Албатта, бунинг асосий сабаби ёшларнинг жамиятдаги энг фаол қатлам экани, турли ғоялар таъсирига берилувчанлиги билан изоҳланади. Айни пайтда ёшлар онгини зabit этиш ҳар қандай мафкуравий куч учун стратегик аҳамиятга эга. Зоро мамлакатнинг истиқболи айнан ёшларнинг эҳтиёжи, манфаатлари ва улардан келиб чиқувчи мақсадлари билан белгиланади.

Шунинг учун ҳам бугунги кунда ёшларимизнинг қалби ва онгига ахборотларни саралай олиш, оқни қорадан ажрата билиш иммунитетини тарбиялаш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ёшлар маънавий дунёсига хос хусусиятларидан бири шундаки, айрим ёшлар аввалги авлоднинг маданий қадриятларини, идеалларини инкор этадилар. Бунинг натижасида баъзи ёшларнинг умуминсоний ва миллий-маънавий қадриятларга зид келадиган ўзига хос идеаллари, мусиқаси, кийиниш услуби, тили ва санъати пайдо бўлиши кузатилмоқда.

Ёшларнинг норасмий уюшмалари ва ҳаракатлари стихияли, бошқариб турилмай-

диган жараён сифатида вужудга келади. Бу қонун йўли билан тақиқлаб ёки йўқ қилиб бўлмайдиган жараёндир. Агар уларга нисбатан қаттиқ чоралар кўрилса, жамият учун хавфли бўлган экстремистик, террористик, қўпорувчилик уюшмалари пайдо бўлишига олиб келиши мумкин. Шунинг учун ёшларнинг эҳтиёжлари, қизиқишлирини ҳисобга олган ҳолда, уларнинг хатти-ҳаракатларини, куч ва имкониятларини жамият учун фойдали бўлган йўналишга буриш бугунги кунда асосий вазифалардан биридир.

Айни пайтда, ёшларнинг жамиятда тутган ўрни, энг аввало, жамият олдига қўйилган вазифалар миқёси ва қўламидан келиб чиқади. Бундай ҳол Ўзбекистон ёшларига ҳам хос. Шунингдек, ёшлар орасида олиб бориладиган ғоявий-тарбиявий ишларда, уларда деструктив ғоявий таъсиrlарга карши иммунитетни шакллантиришда, уларнинг социал-демографик, психофизиологик ҳусусиятларини ҳисобга олиш муҳим аҳамиятга эга⁶.

Ш. УБАЙДУЛЛАЕВ,
Ўзбекистон Республикаси
Ички ишлар вазирлиги Академияси
«Криминология» кафедраси
ўқитувчиси

¹Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясидаги нутқидан, Нью-Йорк шахри, 2017 йил 19 сентябрь.

²А.А.Юсупов, А.А.Каримов, И.И.Каримов, М.Д.Рахимов. «Ёшларнинг экстремистик ғоялар таъсирига тушиб қолишининг олдини олиш» номли Ўқув услугубий қўлланма., Т-2019. 4-б.

³vawilon.ru/statistika-terrorizma/#statistika-terrorizma-v-mire.

⁴А.А.Юсупов, А.А.Каримов, И.И.Каримов, М.Д.Рахимов. «Ёшларнинг экстремистик ғоялар таъсирига тушиб қолишининг олдини олиш» номли Ўқув услугубий қўлланма., Т-2019. 4-б.

⁵Б.А.Умирзаков. «Вояга етмаганлар жиноятчилигининг криминологик тавсифи ва олдини олиш». Қўлланма., Т-2020. 4-б.

⁶А.А.Юсупов, А.А.Каримов, И.И.Каримов, М.Д.Рахимов. «Ёшларнинг экстремистик ғоялар таъсирига тушиб қолишининг олдини олиш» номли Ўқув услугубий қўлланма., Т-2019. 4-б.

ФУҚАРОЛАРНИНГ ЁШГА ДОИР ПЕНСИЯ ОЛИШГА БЎЛГАН КОНСТИТУЦИЯВИЙ ҲУҚУҚЛАРИ

Бугун аҳолининг ижтимоий таъминот олишга оид ҳуқуқларини ҳимоя қилиш йўналишида ҳам кенг қамровли ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Бунда фуқароларимизнинг ижтимоий таъминот олишга оид конституциявий ҳуқуқларини янада кенгайтириш орқали моддий ҳамда ижтимоий ёрдамларни миқдор ва сифат жиҳатдан янада яхшилаш, ижтимоий адолат ва конунийлик тамойиллари бузилишига йўл қўймаслик, пенсионерларнинг моддий турмуш шароитлари юксалиб боришига эришиш мақсадлари назарда тутилган.

Мамлакатимизда жаҳон фани ютуқлари, етакчи мамлакатларнинг тажрибаси, шунингдек, Ўзбекистоннинг ўзига хос ҳусусиятлари асосида пенсия таъминотининг янги тизими пайдо бўлмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 39-моддасида ҳар ким қариганда, меҳнатлаёқатини йўқотганда, шунингдек, бокувчисидан маҳрум бўлганда ва қонунда назарда тутилган бошқа ҳолларда ижтимоий ҳимоя олиш ҳуқуқига эгалиги қатъий белгиланган.

Бугунги кунда мамлакатимизда 3,9 млн. нафардан ортиқ фуқаролар давлат пенсиялари ва нафақалари билан таъминланган. Миллионлаб оиласаларга моддий ҳамда ижтимоий ёрдамлар берилмоқда, ушбу мақсадларга бюджет маблағларидан салмоқли молиявий маблағлар йўналтирилмоқда, ижтимоий ҳимоянинг зарур инфратузилмаси самарали ишлаб турибди. Маълумки, пенсия олувчиларнинг 2,7 млн. нафари ёшга доир пенсия олувчилардир.

Кекса ёшдаги фуқароларимизнинг пенсияга бўлган ҳуқуқлари ва пенсияни тайинлаш, тўлаш тартиблари Ўзбекистон Республикасининг «Фуқароларни давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Қонуни билан тартибга солинади, жумладан, ёшга доир, ногиронлик ва бокувчисини йўқотганлик пенсияларини тайинлаш белгилаб берилган.

«Ёшга доир пенсия» тушунчаси қонунчиликимизда нисбатан янги бўлиб, даставвал Ўзбекистон Республикасининг «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги 1993 йил 3 сентябрда қабул қилинган Қонунида муомалага киритилган. «Қариллик» ҳамда «ёшга доир» пенсия тушунчалари ўртасида жиддий тафовут бор ва ёшга доир пенсия тайинланганлиги ҳар доим ҳам фуқаронинг қари эканлигини англата vermайди. Дарҳақиқат, қонунчиликда 50 ёш, 45 ёш ва ҳатто 40 ёшдан ҳам пенсияга чиқиш мумкинлиги назарда тутилган. Ваҳоланки 40 ёшли, 50 ёшли ва ҳатто 60 ёшли шахсни қария деб аташ ноўриндир.

Фикримиз исботи сифатида «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Қонунда фуқароларимиз ёшга доир пенсияларни эркаклар 60 ёшга тўлганда ва иш стажлари камида 25 йил бўлса, аёллар эса 55 ёшга тўлганда ва иш стажлари камида 20 йил бўлган тақдирда олиш ҳуқуқига эга эканликлари белгилаб қўйилган.

Умумий пенсия ёшидан ташқари фуқароларнинг айрим тоифаларига имтиёзли шартларда пенсия олиш ҳуқуқи ҳам белгиланган. Пенсия олиш ҳуқуқини берадиган ишлаб

чиқаришлар, муассасалар, ишлар, касблар, лавозимлар ва кўрсаткичларнинг алоҳида тоифаларига қараб ёшидан қатъи назар пенсия тайинлаш, умумий белгиланган ёшни 5 йил ёки 10 йилга қисқартирилган ҳолда имтиёзли тарзда ёшга доир пенсияга чиқиш шулар жумласидандир.

Бундан ташқари, 20 йил иш стажига эга бўлган аёлларга 54 ёшдан ва Мехнат кодекси 100-моддасининг 1-бандига асосан иш ўрни қисқартирилган ходимларга ўрнатилган тартибда аёлларга 53 ёшдан, эркакларга 58 ёшдан муддатидан аввал пенсия тайинлаши мумкин.

Шу ўринда хорижий давлатларда пенсияга чиқиш ёши бўйича айrim мисолларга тўхталиб ўтсак. Жумладан, Россия Федерациясида аёллар 55,5 ёшда ва эркаклар 60,5 ёшда, камида 10 йил стажи билан ёшга доир пенсияга чиқиши мумкин, 2028 йилга бориб аёллар 60 ёшда ва эркаклар 65 ёшда пенсияга чиқишилари белгиланган.

Беларусда 2020 йилда аёллар 56,5 ёшда ва эркаклар 61,5 ёшда, 2022 йил 1 январдан аёллар 58 ёшда ва эркаклар 63 ёшда пенсияга чиқишилари тасдиқланган.

Молдовада ўтказилаётган пенсия ислоҳотларига асосан бугунги кунда эркаклар 63 ёшда, аёллар эса 58,5 ёшда, камида 15 йил стаж билан ёшга доир пенсияга чиқишилари мумкин, 2028 йил 1 июлга бориб, эркак ва аёллар 63 ёшдан пенсияга чиқишилари белгиланган.

Бундан ташқари айrim давлатларда эркак ва аёллар учун бир хил пенсия ёши белгиланган: Германияда 66 – ёш, Францияда – 62 ёш, АҚШда – 67 ёш.

Турмуш даражасининг, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар сифатининг яхшиланиши туфайли ўртacha умр кечириш ёшининг узайиши, кексалик чегараси кенгайиши кузатилмоқда.

Статистик маълумотларга кўра, республикамиизда 1990 йилда ўртacha умр кўриш 67 ёшни ташкил қилган бўлса, 2020 йилга

келиб бу кўрсаткич 74,5 ёш, жумладан, эркаклар ўртасида 66 ёшдан 72 ёшга, аёллар ўртасида эса 70 ёшдан 77 ёшга ошиди.

Ёшга доир пенсия фуқаронинг меҳнат қобилиятини йўқотиши ёки пасайиши билан боғланмаган, у фуқаронинг муайян ёшга етиши ва қонунда назарда тутилган ҳажмдаги иш стажи мавжудлиги асосида бутун умрга тайинланадиган давлат таъминоти турларидан бири ҳисобланади. Бунда фуқаронинг меҳнатга лаёкатсиз бўлиб қолган бўлиши лозимлиги талаб этилмайди.

Хозирги вақтда амалда бўлган «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги ҳамда «Ҳарбий хизматчиларнинг пенсия таъминоти тўғрисида»ги қонунларга мувофиқ ёшга доир пенсияларнинг қуидаги йўналишларини санаб ўтиш мумкин:

- умумий асослардаги ёшга доир пенсия;
- имтиёзли шартлар билан тайинланадиган ёшга доир пенсия;
- тўлиқсиз иш стажи билан тайинланадиган ёшга доир пенсия;
- муддатидан аввал тайинланадиган ёшга доир пенсия;
- ҳарбий хизматчиларнинг узоқ йиллик хизматлари учун пенсиялар.

Ушбу пенсиялар ўзига хос жиҳатларга ҳам эга бўлиб, пенсияга оид қонунчилик амалиётида қўлланилаётганида уларнинг хусусиятлари алоҳида эътиборга олинади.

Фуқароларга умумий асосларда ёшга доир пенсия тайинланишининг асосий шартлари ва бундай ҳуқуқ юзага келишига сабаб бўладиган юридик факт қуидагилардир:

- а) фуқаронинг белгиланган ёшга етганилиги;
- б) муайян иш стажига эга эканлиги;
- в) фуқаронинг ёшга доир пенсия тайинлашни сўраб ариза билан мурожаат қилиши.

Ёшга доир пенсия миқдорини ҳисоблашда иш стажи ва ўртacha иш ҳақи муҳим омил ҳисобланади.

Қонунчиликда фуқароларга пенсия тайинлашда талаб этиладиган иш стажидан

ортиқча ҳар бир түлік йил учун ёшга доир пенсияларнинг таянч миқдорларига - пенсияни ҳисоблаб чиқариш учун олинадиган үртаса ойлик иш ҳақининг 1 фоизи миқдорида құшилади.

Иш стажига қуидагилар құшилиши мүмкін: фаолият ва мулкчилик туридан қатый назар 2019 йил 1 январга қадар ижтимоий суғурта бадаллари тұлғанған даврлар, 2019 йил 1 январдан кейинги давр учун мәхнатта ҳақ тұлаш тарзидаги даромадлар ҳисобланған даврлар, ижодий фаолият билан шуғулланувчи шахслар учун Пенсия жамғармасына суғурта бадаллари (шоирлар, ёзувчилар, ҳайкалтарошлар ва бошқа ижодий уюшмалар аъзолари) тұлғанған бўлса, ушбу давр, ҳарбий хизмат даври, якка тартибдаги тадбиркорлар, оиласи тадбиркорлар, ўзини ўзи банд қилған шахслар, пилла тутувчи шахслар үрнәтилған тартибда бадаллар (ижтимоий тўловлар) тұлаган бўлсалар, ишлаган даврлари.

Шунингдек, қонунчиликда иш стажига қўшиб ҳисобланадиган фаолият турлари ҳам мавжуд.

Агар фуқаронинг I гурух ногирон оила аъзоси бўлса ва ушбу ногирон шахсга қараб турған даврда ишлаш имкони бўлмаса, бу даврни пенсия тайинлашда иш стажи сифатида ҳисобга олиш мүмкін. Бу даврларни ҳисобга олиш учун фуқаро Пенсия жамғармасынинг туман, шаҳар бўлимига ариза билан мурожаат қилиши лозим. 16 ёшгача бўлган ногирон болага ёки 80 ёшга тўлған ўзгалар парваришига муҳтож бўлған карияларга қараб турилған вақт ҳам иш стажига қўшиб ҳисобланади.

Бундан ташқари, олий таълим муассасаларida кундузги ўқиш даври, 3 ёшгача болага қараб турған даври, Ўзбекистон Республикасининг дипломатик ваколатхоналари ва элчихоналаридан ишловчи ходимларнинг турмуш ўртоқларига, шу-

нингдек, офицерларнинг аёлларига, агар улар ишламасалар, үрнәтилған тартибда ушбу даврлар иш стажларига қўшилади.

Пенсияни ҳисоблаб чиқариш учун фуқаронинг мәхнат фаолиятидаги мавжуд таңаффуслардан қатыи назар, охирги ўн йиллик мәхнат фаолияти давомидаги исталған кетма-кет беш йилдаги иш ҳақи олинади. Бунда шахснинг розилиги билан ўн йилдан ҳоҳлаган беш йили танлаб олинади. Үртаса иш ҳақи пенсияни ҳисоб-китоб қилиш учун пенсияни ҳисоблаш базавий миқдорининг 10 бараваридан ортиқ бўлмаган миқдори ҳисобга олинади.

Сўнги йилларда фуқароларга пенсия тайинлаш ва тұлаш бўйича қонунчиликда мухим ўзгаришлар амалга оширилди.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 12 декабрдаги ПФ-5597-сонли Фармони билан 2019 йил 1 январдан бошлаб барча ишловчи пенсionерларга пенсиялар тўлиқ миқдорда тўланиди, пенсияни ҳисоб-китоб қилиш учун пенсияни ҳисоблаш базавий миқдори саккиз баробардан ўн баробаргача оширилди.

Қонунчиликда ишловчи ходимлар учун ижтимоий тўловларни тұлаш бўйича ҳеч қанақа табақалашған тартиб мавжуд эмас, яъни, мәхнатта қобилиятли ёшдаги ходим ёки пенсия ёшидаги ходим учун бир хил миқдорда ижтимоий тўловлар тўланиши белгилаб қўйилған. Ишловчи пенсionерлар ҳам ижтимоий солиқларни бир хил миқдорда тўлашларини ҳисобга олган ҳолда пенсияга чиқиб фаолиятини давом эттираётган пенсionерларга 100 фоиз миқдорида пенсия тўлови амалга оширилади.

М. ЗИЯДУЛЛАЕВ,
Ўзбекистон Республикаси
Давлат статистика қўмитаси
раиси ўринбосари,
юридик фанлар бўйича
фалсафа доктори (PhD)